

БУ — ИСЛОМДИР!

Жаҳонда тезкор суръатда
ёйилаётган дин ҳақида чуқур
тадқиқот





Мусулмонларнинг Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни қуришга, мусулмонларни эса, қаерда бўлсалар ҳам, намозларида йўналишга буюрган Каъба томон кетаётганларининг ҳаводан олинган расми

THIS IS
ISLAM

БУ — ИСЛОМДИР!

Жаҳонда тезкор суръатда
ёйилаётган дин ҳақида чуқур
тадқиқот

Фахд Солим Бааҳмаам

Биринчи нашр
2021

Барча ҳуқуқлар «Замонавий йўлбошчи»
ширкатига оиддир



- **Сиз атрофингиздаги** оммавий ахборот воситаларида кўплаб бахсларга сабаб бўлган динлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишни хоҳлайсизми?...
- **Дунёдаги хисоботларга** қараганда, энг кўп тарқалган ва тарқалаётган ва эътиқод қилувчилари кўп бўлган дин ҳақида теран тушунчаларга эга бўлиш учун бир оз вақт айира оласизми?...
- **Бошқаларнинг ҳаёт**, дин ва атрофимиздаги коинот ҳақидаги билим ва фалсафаларини кашф этиш билан лаззат олишга ҳаракатингиз борми?...
- **Сиз Ислом дини** ҳақида ўз манбаларидан ишончли маълумотларни ўрганиш, сўнгра у маълумотларни ақлингиз ва мантиқингиз билан ҳукм қилиш учун, фурсат топа оласизми?...

Агар бунини ёки булардан баъзиларини муҳим ёки шавқли ўлароқ кўрсангиз, мақсадингизга эришишингизда ушбу китоб сизга ёрдамчи бўлади...

Қуръон қаердан келган?

82

Мусулмонларнинг муқаддас Китоби ва Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам ҳақида гап кетар экан, инсон ҳаёлига беихтиёр ушбу мантиқий савол келади: Биз нега мусулмонларнинг бу мавзудаги ривоятларини қабул қилишимиз керак? Бу ҳақда савол беришга ҳаққимиз йўқми?

Китоб мавзулари



Барчамизни ўйлантирган саволлар... — 12

- Ислом дини ● «Ислом» сўзининг маъноси
- Ислом — барча пайғамбарларнинг динидир



Исломнинг оламшумуллиги — 16

- Атроф-муҳитга бўлган эътибор, иймоннинг бир бўлагидир!
- Билим дини
- Ислом инсон ҳаётининг барча тарафини ўз ичига олган
- Ўзаро ҳамкорлик ва алоқа дини



Ягона Холиқ ва ягона Маъбуд — 30

- Табиат ва шариат қонунлари орасида ...
- Исломда гўшанишинлик йўқдир
- Ислом динига кириш учун муайян анъаналар борми?



Аслида пайғамбарлар кимлардир? — 38

- Пайғамбарларнинг одамзот эканликлари
- Пайғамбарлар мақомидаги мўътадиллик
- Ислом динининг пайғамбарларга муносабати



Исломнинг Ийсо алайҳиссаломга муносабати — 42



Ислом пайғамбари қандай одам? — 48

- Ислом пайғамбари Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам ҳақида қисқача маълумот



Инсофли одамларнинг Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам ҳақидаги сўзлари — 54



Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаёти ва ахлоқидан қатралар — 60

- Камтарлик
- Шафқат
- Одиллик
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сабри ва юмшоқлиги
- Эҳсон ва саховат
- Ғўшанишинлик
- Вафодорлик



Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гапларидан қатралар — 70



Қуръони карим Исломнинг мангу мўъжизасидир — 76

- Муҳофазадаги мўъжиза
- Қуръондаги баён қилиш ва руҳий тарбия мўъжизаси



Қуръон қаердан келган? — 82

- Такрорий айбловлар
- Нега Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётини истеъдоддангина иборат дея олмаимиз?
- Қуръон қадимги китобларнинг янги шаклими?
- Ҳал қилувчи тарихий ҳақиқат
- Фотиҳа сураси



Исломдаги ибодатлар ва уларнинг ҳақиқатлари — 92

- Ислом рукнлари
- Инсон нега синалади ёки унга нега мажбуриятлар юкланган?
- Намоз
- Закот
- Рўза
- Ҳаж



Исломда оила — 108

- Ислом дини уйланиш ва оила қуришни таъкидлади
- Ислом дини оиланинг барча аъзоларига эркак ёки аёл бўлишларидан қатъий назар ўз ҳуқуқларини берган
- Ислом дини ота ва онани ҳурмат қилиш, уларга илтифотда бўлиш, ғамхўрлик қилиш, ўлгунича хизматларини бажо келтириш асосини қўйишга интилди
- Ислом дини киз ва ўғил фарзандлар ҳаққини риоя қилиш ва улар ўртасида адолатли бўлишга буюрди
- Қариндошлар билан борди-келди қилиш мусулмон учун фарзидир



Исломда оила

108

Замонамиздаги кўплаб оилаларга: «Битта уйнинг қалитларига эга бир неча шахслар мажмуъаси» дея таъриф берилса, ҳаётимиз аниқроқ ифодаланган бўлади.

Дин ва ақл муқобиллиги

134

Баъзи одамлар: «Дин ақлга ва илмий дастурларга зиддир», деб ўйлашади. Чунки, уларнинг тасаввурида дин хурофот ва хурофий тасаввурлар манбаи бўлиб, билим ва фалсафа тартибланган маърифатга элтувчи йўл ҳисобланади.



Аёлнинг Исломдаги ўрни ————— 114

- Аёлга ҳурмат кўрсатишга тааллуқли аҳкомлар намунаси қуйидагичадир
- Ислом дини эътибор беришни таъкидлаган хотин-қизлар
- Ислом динида икки жинс ўртасида кураш йўқ
- Эркак ва аёл ўртасидаги алоқа
- Эркак ва аёл ўртасидаги алоқанинг Ислом динидаги кўриниши
- Эркак билан бегона аёл ўртасидаги алоқа тартиби
- Нега Ислом дини бегона эркаклар олдида хотин-қизларнинг ҳижобланишини машруъ қилди?



Исломда озиқ-овқат қонунлари ————— 124

- Чўчка
- Ароқ ва спиртли ичимликлар
- Ислом дини спиртли ичимликлар ва ароққа қарши қандай қоралар кўрди?



Ғуноҳ ва тавба ————— 130



Дин ва ақл муқобиллиги ————— 134

- Қуръони карим изоҳига кўра соғлом тафаккур қаршисидаги ғовлар




Ислом — тинчлик динидир ————— 140

- Ислом — бугунги кунда энг тез тарқалаётган диндир.
- Одамлар мусулмон бўлишлари учун мажбурланганми?



Ислом ва мусулмонлар воқелиги ————— 146

- Янги дарича

A person in a dark jacket and pants stands with their back to the camera on a weathered stone pier. The pier extends into a calm sea under a vast, cloudy sky. In the distance, some dark, rectangular structures are visible in the water.

**Барчамизни
ўйлантирган
саволлар...**

Қайси

Қайси биримиз ҳаёти давомида қуйидаги саволлар олдида тўхталмаган: Ҳаёт нима? Мен кимман? Қаердан келдим ва қаерга кетаяпман? Ушбу Коинотнинг бор бўлишидан мақсад нима? Оқибат — ўлим, тупроққа айланиш ёки йўқ бўлиш бўлса, нега яшаш учун қуйиб-пишиб ҳаракат қилинади?

Мусулмонлар ва самовий динларга эътиқод қилган кишилар Одил Холиқнинг борлигига ва яхшилик қилган одам мукофотини, ёмонлик қилган одам эса жазосини оладиган бошқа ҳаётнинг мавжудлигига ишонмай яшаган одамнинг ҳаёти маъносиз, беҳуда, бадалсиз укубат ва сармояси бўлмаган кимор эканига ишонади.

Фаровонлик ва йўқсиллик, тўғрилиқ ва қийналиш каби ҳаёт зиддиятларини, бу ҳаётдан сўнгра ҳар бир шахс тақдим этган амалига кўра тақдирланадиган оқибатни яратган Одил, Ҳаким, Бошқарувчи, Холиқ Парвардигорга иймон келтирсакгина тушуна олишимиз мумкин.

Ўшандагина чорлаётганимиз адолат, муҳаббат, меҳр-оқибат, садоқат, сабр ва шафқат нафс уйғунлашади... Курашнинг моҳияти, ғалабанинг таъми ва сабрнинг ҳаловати ҳис этилади.

Биз, мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони каримнинг шунга ишора қилаётганига гувоҳ бўламиз. Аллоҳ таоло ўз ақллари ва тафаккурларига таянган одамлар ҳақида шундай маълумот бермоқда:

«Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва Ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): «Парвардигоро, бу (борлиқ) ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан!» (Оли Имрон: 191).



Араб тилида “Ислом” сўзи бўйинсуниш, таслим бўлиш, итоат этиш, ихлос қилиш, омонлик ва хотиржамлик каби қатор маъноларни ўз ичига олади.

Ислом дини

Ер юзидаги динларнинг аксари ўз исмларини бир шахс ёки халқ ёхуд шу динлар юзага келган мамлакатлар номидан олган. Масалан, масиҳий дини ўз исмини саййид Масиҳ (Ийсо) алайҳис-салату вас-салом номидан олган бўлса, яҳудий дини Яхузо динига нисбатлангандир. Будавийлик дини ўз исмини муассиси бўлган Будда номидан олган бўлса, ҳиндуизм дини ҳинд халқига нисбатланган. Ва ҳоказо...

Ислом эса бирон шахс, қабила, ирк ёки халққа нисбатланмайди. Чунки, у бирон халққа нисбатланмайдик, унга махсус бўлса. Қолаверса, инсоният тарафидан ихтиро қилинмагани боис, инсониятдан бирон кимсага ҳам нисбатланмайди. Шунинг учун ҳам уни «Ислом», деб аталди.

«Ислом» сўзининг маъноси

Араб тилидаги «ислом» сўзининг ўзагига қайтсак, унинг “таслим бўлиш”, “итоат этиш”, “самимият”, “ҳузур” ва “хотиржамлик” каби қатор маъноларни ўз ичига олганига гувоҳ бўламиз.

Ислом — Эгадор, Яратувчи Парвардигорга тўлақонли итоат этиш ва таслим бўлиш ҳамда Аллоҳдан бошқасига қилинадиган бутун ибодатлардан озод бўлиш, демакдир.

Бу — Қуръони каримнинг қўллаб оятларида таъкидланган маънодир.

Қуръони карим Аллоҳ таолога қалби ва бутун вужуди билан таважжух қилган, таъқиқ ва буйруқларига итоат этган одам нажотнинг узилмас арқонини маҳкам ушлаб, бутун яхшиликларни қўлга киритган эканидан хабар берди:

«Ким чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас, у мустаҳкам халқани ушлабди. Барча ишлар охир-оқибатда ёлғиз Аллоҳга борур» (Луқмон: 22).

Демак, Ислом Аллоҳга комил ибодат қилиш, Аллоҳдан бошқасига итоат ва ибодат қилишдан бутунлай озод бўлишдир. Мусулмон эса, ўз ибодатида самимий, ички ҳузур билан яшаётган ва ҳузурни ташки дунёга ёёётган одамдир.

Хўш, бу нарсаларни барча пайғамбарлар олиб келганмиди?

Ислом — барча пайғамбарларнинг динидир.

Қуръони карим турли асрларда яшаган барча халқларга Аллоҳнинг динини ўргатиш учун пайғамбарлар юборилган эканини таъкидлади. Қуръони каримдаги ушбу хитоб Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламга қаратилган эди:

«Албатта Биз сизни ҳақ (дин) билан, хушхабар элтувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. (Сизнинг умматингиздан аввалги) ҳар бир уммат ичида ҳам албатта бир огоҳлантирувчи — пайғамбар ўтгандир» (Фотир: 24). Барча пайғамбарлар иймон, аҳком ва ахлоқ мавзусида айна таълимотларни ўргатиш билан бирга, Ҳақ динни олиб келишган.

Бундан бир минг тўрт юз йилдан кўра ўтмишда пайғамбарларнинг охиргиси Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам олиб келган Ислом, барча пайғамбарлар олиб келган диннинг давомидир. Қуръони карим мусулмонларни аввалги барча пайғамбарлар — Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Мусо ва Ийсо алайҳимус-салату вас-саломлар ишонган

нарсаларга иймон келтиришга буюрди (Бақара: 136).

Эътиборни ўзига жалб этган нарса шуки, Қуръони карим бизга пайғамбарлар бобокалони Иброҳим алайҳис-салату вас-салом ва пайғамбар Яъқуб алайҳис-салату вас-салом ҳаётдаги сўнгги нафаслари олдидан ўз фарзанд ва зурриётларига: Аллоҳ сизлар учун ушбу ҳақ динни танлади. Шу боис, ажалингиз келгунча бу динда устивор турунгиз! — дея қилган васиятларини ҳикоя қилди (Бақара: 132).

Ислом дини — ўтмишда яшаб ўтган бутун пайғамбарлар динларининг давомидир: эътиқод — яхлит ва ҳақиқий пойдеворидан айрилмаган. Фарқилиқ, фақатгина, турли асрлар ҳолатига муносиб тарзда қонун ва ҳукмлардаги ўзгаришлар, ҳолос. Энг охири, бутун башариятга сўнгги шарият (қонун) ни ҳаётларига татбиқ қилишлари учун Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам юборилган.

Шу ерда Қуръони карим очик-ойдин: дин — ягона ва у Ислом дини экани, бугунги кунда самовий динга ишонган одамлар орасида эътиқод ҳақида кўраётганимиз фарқли тасаввурлар, пайғамбарлар олиб келган таълимотлардан оғиш натижаси эканини баён қилмоқда (Оли Имрон: 19).



Ислом дини бирон қабила ёки ирк ёхуд халққа мансуб эмас. Чунки, у фақат бир халқкагина хос эмас. У, одамлар ташаббуси билан ўйлаб топилмагани боис, бир халққа мансуб эмас. Шунинг учун, у фақатгина, “Ислом” деб аталди.



Исломнинг оламшумуллиги

Ажабланарлиси шуки, араб тилида нозил бўлгани, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам араблар ичига пайғамбар қилиб юборилганига қарамай, Қуръони каримда биронта ҳам «араб» деган сўз қайд этилмаган. Ҳолбуки, ҳозирги кунда араб миллатига мансуб халқнинг умуммусулмонлар сонига нисбатан анчагина оз — 20 фоиз эканини кўрамиз. Мусулмонлар кўп яшайдиган энг катта давлат эса жанубий шарқий Осиёдаги Индонезия экани, ҳатто Ҳиндистондаги мусулмон аҳолининг сони бутун араб давлатларида яшаётган араблардан бир неча марта кўпроқ экани эътибордан қочмаслиги керак.


Ислом дини — маданияти, ирки, урфи ва ўлкасидан қатъий назар барча халқлар учун раҳмат ва ҳидоят қилиб юборилган диндир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бу ҳақда шундай деган:

«Биз сизни барча оламларга раҳмат қилиб юборганмиз» (Анбиё: 107).

Ислом дини Ер юзидаги мавжуд бошқа тузум ва бутун халқлар бера олмайдиган дунёқарашни инсониятга тақдим этади.

Келинг, фақатгина мусулмонларгагина эмас, аксинча, ирки ва ғояси фарқли бўлсада, бутун башариятга қаратилган қуйидаги қуръоний чақириқ ҳақида биргалашиб фикр юритайлик:

«Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир» (Хужурот: 13).



Муҳаммад — Аллоҳнинг элчисидир

«Эй, халойик! Унутманглар, Роббингиз ягонадир! Унутманглар, арабнинг араб бўлмаганга, араб бўлмаганнинг арабга, қизил танлининг қора танлига, қора танлининг қизил танлига тақво билангина устунлиги бордир!».

Қуръони карим ушбу чақириғи билан ранг ва ирқидан қатъий назар бутун башарият Одам ва Ҳавво алайҳимассаломларнинг зурриётидан эканини, улар ўртасидаги ранг ва ирқ фарқлилиги бир-бирларидан устунлик омили эмас, аксинча, ўзаро танишув, ҳамкорлик ва шериклик омили эканини, ҳақиқий устунлик ва ҳурмат эса Аллоҳ таолога ибодат қилиб, Ундан тақво қилган одамларга махсус эканини таъкидлади.

Ҳатто, Қуръони карим, одамлар ранги ва шакллари, тиллари ва маданиятларининг сон-саноксизлиги Аллоҳнинг неъматлари, мўъжизалари ва Коинотдаги ажойиботларидан бири эканини билишимиз учун эътиборни қаратди. Бунга эса билимли ва тафаккур юритадиган одамларгина эътиборларини қаратиб, ибрат оладилар (Рум: 22).



Ислом инсоният ҳақида бошқа бирон тузум танимаган ва дунё халқлари билмаган тасаввурни инъом қилади.



Жаҳон Инсон Ҳақлари декларацияси

хуррият, ҳуқуқ ва ҳурмат тенглигига қарор қилди

630 милодий йил

1948 йил

Кунимиздаги инсонлар ўртасида эркинлик, ҳуқуқ ва ҳурмат тенглигини ўз ичига олган Ҳалқаро Инсон Ҳуқуқлари декларацияси, расман, 1948 йилдагина эълон қилинган ва шундан кейингина ҳаётга татбиқ қилина бошлаган бўлса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан бир минг тўрт юз йил илгари одамларга қилган хитобида янги даврни бошлаб берган ва: **«Ҳой одамлар, дарҳақиқат, сизларнинг парвардигорингиз — биттадир! Отангиз — биттадир! Унутманглар, арабнинг аҷамга, аҷамнинг арабга, қизил (танли) нинг қора (танли) га тақво билангина устунлиги бордир!»** — деганлар (Имом Аҳмад: 23489).

Атроф-муҳитга бўлган эътибор, иймоннинг бир бўлагидир!

Айрим фалсафалар одамзотни Коинотнинг ягона хўжайини қилиб қўйди. Унга қўра одамзот Коинотда ўз манфаати ва ҳузури учун хоҳлаган ишларини қилиши мумкин ва унинг бу ҳаракатларини назорат қилувчи ёки сарҳисоб қилувчи куч йўқ. Гарчи унинг ҳаракатлари Коинотнинг бир қисмини ёки Коинотда яшаётган махлуқотларнинг бирон турини йўқ қилишга олиб бурсада, бунинг аҳамияти йўқдек. Ҳолбуки, бу ишларнинг барчаси одамзотга бошқа махлуқлардан қўра имтиёз бермайдиган нарсалар муқобилида бўлиб ўтади. Одамзот эса, аслида, яратилган миллионлаб махлуқотлардан биридир.

Хўш, Ислом дини одамзотнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатига қандай қарайди?

Ислом динининг одамзотнинг коинотга бўлган алоқа табиатига боқилиши иймоний ва назарий тасаввурларга асосланиб, одамзотнинг инсон, ҳайвон, Ер ва табиат манбаларига бўлган алоқаларини тузиш учун муфассал аҳкомлар билан тугалланади.

Ушбу алоқа фалсафаси ҳақида изланган одамнинг диққатини, илк ўларoқ, Қуръони карим қарор қилган мутаносиблик тортади. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло одамзотни барча махлуқотлардан муқаррам ва мушарраф қилди (Исро: 70), фойдаланиб, риоя қилиши учун атрофидаги барча махлуқотларни унга

бўйинсундирди (Иброҳим: 32 — 33). Одамзот, бошқа миллионлаб махлуқотлар сингари имтиёзсиз махлуқ эмас. Аксинча, шарафли ва обрўли махлуқ-ки, унга фойдаланиши учун бутун табиат бўйинсундирилган.

Бирок, бунинг муқобилида одамзот Коинотнинг мутлақ ҳокими эмас. Шунинг учун, унинг қўнглига келадиган ҳар бир ишни қилавериш ҳақки йўқдир. Ундаги бошқа махлуқларга берилмаган имтиёз, Коинотни талаф этиш, табиат заҳираларини йўқ қилиш ҳуқуқини бермайди. Чунки, ҳақиқий Эгадор — яратувчи Аллоҳдир. Одамзотнинг роли ва имкониятлари Аллоҳ таолонинг уни Коинотга халифа қилишидан келиб чиқади, холос. Яъни, Аллоҳ унга Коинотдаги махлуқотлардан фойдаланиш ҳақки — васийликни бериб, одамзот ва бошқа бирон нарсага зарар ва зиён етказмай ривожлантириш ва юксалтириш билан шуғулланишга буюрган (Худ: 61).

Ислом шариати одамзот билан Коинот ўртасидаги мустаҳкам алоқани тутиб туриш учун юзлаб қонун ва муфассал йўлланмалар тузиб қўйган. Масалан, мисол тариқасида шуларни айтишимиз мумкин:


1. Ҳайвонот оламига эътибор

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳайвонлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қорлаган, ҳайвонларга яхшилик қилишнинг охирада улкан муқофотлар билан тақдирланишини ифода этган, уларга озор беришни таъқиқлаган ва ашаддий илоҳий жазоларни белгиланган ҳадислар нақл қилинган.

Ҳолбуки, ҳайвонлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи илк жамият Британияда 1824 йилда, Ҳайвон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Қироллик жамияти, тузилди. Ҳайвонларга зулм қилишни таъқиқловчи илк қонун Буюк Британияда 1949 йилдагина чиқарилди. Ваҳоланки, Исломи дини бундан ўн тўрт аср илгари ҳайвонга зарар беришни таъқиқлаб, ҳаром қилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилинган талайгина осорларда

ҳайвонларни оч қўйиш ёки азоблаш ёхуд тоқатидан ортиқ нарсаларга мажбурлаш ёда ҳайвонларга озор бериш билан қўнгил очиш, ҳатто уларнинг юзларига уришни таъқиқлаш ҳақидаги қатор мисоллар келтирилган. Бундан ташқари, исломий фикр-ҳуқуқ китобларида машҳур аҳкомлар ҳам мавжуд.

Шояд ўқувчи Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга дарак берган бир ҳодисадан Исломи динининг ҳайвонларга шафқатли бўлишга қанчалар эътибор берганини ўқиб олар: (Исломи динида энг оғир ҳаромлардан бири бўлган) фоҳишалик билан шуғулланадиган жувон чанқоқдан ўлаётган итни кўриб, раҳми келди ва қовушини ечиб, қудуқдан сув олди-да, итни суғорди. Шу боис, Аллоҳ унинг гуноҳини мағфират қилди! (Имом Бухорий, 3467).



2. Ўсимликларга эътибор

Исломи дини одамзотнинг ўзи ёки бошқа одамлар ёхуд Қоинотдаги бошқа махлуқотлар манфаати учун ўсимлик ва зироатларга эътиборли бўлишга рағбатлантирди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дарак берган осорлари билан эса бирон киши ерга дон қадаса ёки бирон нарсани парвариш қилишда шерик бўлса ва ундан паррандалар ёки одамлар ёхуд ҳайвонлар еса, унга садақа бўлишини баён қилдилар (Имом Бухорий, 2320).

Ҳатто, ушбу муҳтарам Пайғамбар — соллаллоҳу алайҳи ва саллам — мусулмон одамни ўзи фойдалана олмасда, энг оғир онларда ҳам атроф-муҳитга қаттиқ эътибор бериш, Ер юзини гуллаб яшнатиш, деҳқончилик билан обод қилишга чакирди: «Агар бировингизнинг қўлида ниҳол турган пайтда (Қоинотдаги энг буюк ҳодиса) Қиёмат қоим бўла бошласа, ўзидан садақа бўлсин учун уни экиб қолишга шошилсин» (Имом Аҳмад, 12981).

Шундай қилиб, Исломи дини Ерни ободонлаштиришни энг оғир ва машаққатли лаҳзаларда ҳам бирон нарса монъе бўла олмайдиган даражада ибодат ва мақсадлардан бири қилиб қўйди.

3. Табиий бойликлар-заҳираларга эътибор

Исломи дини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ифлослантirmаслик, бузмаслик ва заҳираларни нобуд ва исроф қилмасликка қорлаб, одамларга, «Даволашдан илгари олдини олиш» тамойили асосида мукамал дастурни тақдим этди. Улардан баъзилари: шахсий гигиена ва унинг тафсилотларига риоя қилиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, улар истеъмолида тежамкор бўлиш, уларни бузиш ва ифлослантиришни ҳаром қилишдир. Уларнинг мисоллари:

- Исломи дини табиий заҳираларни, уларнинг бошида сувни, гарчи таҳорат қилиш асносида Аллоҳга ибодат қилиш мақсадида бўлсада, исроф қилишни ҳаром қилди. (Таҳорат — намоз ўқишдан илгари муайян аъзоларни ювишдир).
- Исломи дини, куч ва ижро қувватига эга бўлган кимсаларни табиат заҳираларига бошқаларга зарар берадиган даражада яққаҳокимлиқ қилишларини таъқиқлади. Жумладан, (табиат заҳиралари мисолида) сувга, (энергия мисолида) оловга ва (озиқ-овқат мисолида) ўсимликларга яққаҳокимлиқ қилишни ҳаром қилди (Абу Довуд, 3477).
- Теграмиздаги атроф-муҳитни ифлос қилишни таъқиқлаш. Бунинг мисоли: турғун сувга сиймаслик. Чунки бундай ҳаракат сувни ифлос қилади.

Бундан ташқари, Исломи дини қўланка ва йўл устида қазойи ҳожат чиқаришни таъқиқлаган. Чунки, бу жойлар одамлар юрадиган, сафариди чарчаган одамлар ором оладиган маконлардир.

Булар ажабланарли бўлмаган оддийгина мисоллардир. Муҳтарам Пайғамбар атроф муҳитни ифлос нарсалардан ҳимоя қилишни, йўллардан зарарли нарсаларни четлатишни нафақат солиҳ амаллардан ҳисоблаган, балки иймон ҳақиқатларининг бир бўлаги ўларок кўрган (Имом Муслим, 35).

Атроф-муҳитга эътибор бериш ва уни ифлослантirmасликка аҳамиятни қаратиш, Исломи пайғамбари айтиб ўтганидек, иймоннинг бир бўлагидир.

Билим дини

Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга биринчи бўлиб «Ўқинг!» сўзининг нозил бўлиши, тасодиф эмасдир. Қуръони карим ва Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг сўзларида, башарият учун фойдали бўлган барча билим турларига Исломи динининг ёрдам бергани таъкидланган. Ҳатто мусулмоннинг билим ва маърифатни излаш учун босган йўли, жаннат сари йўлга айланган. Бинобарин, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ илм излаб йўлга тушган кимсага жаннат йўлини оsonлаштириб қўяди»**, дедилар (Имом Муслим, 2699).

Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисларида ҳам ҳайратомуз муқояса бордир: Олимнинг ибодатларни узлуксиз қилмаган одамга нисбатан фазилати, худди ҳурматли Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг одамлар ичидаги энг оз фазилатли бўлганига нисбатан бўлган фазилати кабир (Термизий, 2685).

Шунинг учун ҳам, Исломи бошқа динларда бўлганидек, дин билан фан ўртасида курашни билмади ва зулматли ўрта асрларда бўлганидек, олимларни қилган табиий илмий фикр ва кашфиётлари туфайли маҳкамаларга тортмади. Аксинча, дин — билимнинг ўргатиш ва ўрганиш машъаласи, таянчи бўлди. Модомики, башарият учун манфаатли экан, масжидлар турли фанлар ва маърифатларнинг ўчоғига айланди.

Шунинг учун ҳам, мусулмонлар орасидан етишиб чиққан табиий фанлар олимларининг аксари ўз ҳаётларини Қуръон ўрганиш ва ёдлаш, диний билимлар билимдони бўлиш билан бошлаб, кейингина ўз майдонлари ва мутахассисликларида маҳоратли бўлганларини билганимизда ҳайратга тушмаймиз.


Аллоҳ таоло башариятга яхшиликни ўргатаётган олимни муқаррам айлаб, унга энг қимматли тожни кийдирди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бутун махлуқотлар одамларга эзгуликни ўргатаётган муаллимга дуо қилишларидан хабар бердилар (Термизий, 2685).

“Мусулмон табиатшунос ва тиббиёт олимлари бошқа фанларда ҳам чуқур билим эгалари бўлишлари учун ҳаётларини Қуръонни ўрганиш билан бошладилар.

Мусулмон олимлардан намуналар

1. Хоразмий (790 — 850й, Бағдод).

Хоразмий математика, муҳандислик, фалакиёт фанларининг етук олими. У алгебра фанининг отаси ҳисобланади. Унинг асарлари турли тилларга жуда ҳам эрта таржима қилинган. Ҳатто арабча «ал-Жабр» (Алгебра) ва «ас-Сифр» (ноль) сўзлари лотин тилига у сабабли кирган.



2. Ибн Ҳайсам (965 — 1040й, Қоҳира).

Ибн Ҳайсам физика ва муҳандислик соҳаларидаги илғор олимлардан бири бўлиб, Азҳар дорулфунунида ишлади. Оптика фани ҳақида қийматли маълумотларни кашф этди. Камера ихтироси унга нисбатланади. Кўплаб тадқиқотчилар талайгина тилларда ёйилган «камера» сўзининг арабча «камира» сўзидан олингани ва «Ибн Ҳайсам ихтиро қилган Нур хонасини» ифода этишини таъкидлаганлар.



3. Беруний (973 — 1048й, Хоразм), буюк астроном.

Беруний илк ўлароқ Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ва унинг тортишиш кучи борлигини айтган.



4. Захровий (936 — 1013й, Андалусия).

Захровий мусулмон табиб ва жаррохдир. Жаррохлик соҳаси у сабабли анчагина такомиллашди ва у ўзининг китобларидан бирида юзлаб жаррохлик асбобларини ёзиб қолдирди. Унинг асарлари кейинги асрларда турли тилларга таржима қилиниб, тиббиётдаги асосий дарсликлардан бирига айланди.



5. Ибн Сино (980 — 1037й, Бухоро).

Ҳаким ва файласуф бўлган Ибн Сино илмий доираларда «Авиценна» ўлароқ машҳурдир. У ўзининг тиббий кўриниш ва уларни даволашнинг аксарини таърифлаши борасида ўз асридан ошиб яшади. Шунингдек, у ўз давридан ошиб, то асримизга қадар етиб келган илмий тажрибалар ва тиббий тадқиқотлари билан энг юқори мақомларни қўлга киритди. Унинг «Тиб қонуни» асари етти аср мобайнида тиббиётни ўрганишнинг асосий манбаси бўлиб, Европа дорулфунунларида ўн еттинчи асргача ўқитилиб келди.

Ибн Сино тиббиёт борасида шуҳрат қозонгач, илму маърифатни берган Аллоҳга шукрона ўлароқ, беморларга текинга хизмат кўрсатган эди.



6. Ибн Нафис (1213 — 1288й, Дамашқ).

Ибн Нафис Ислом шаръий ҳукуқи борасида машҳур олимлардан бири бўлишига қарамай, тарихда яшаб ўтган тиббиёт ва аъзолар вазифаси (Органлар функцияси) илми борасида ҳам донг таратган эди.

У биринчи бўлиб кичик қон айланиш системасини кашф қилиб, таърифлаб, бир неча тиббий назарияларни ўртага ташлаган. Бу назарияларнинг кўпи ҳозирги кунимизда ҳам ўз қийматини йўқотмаган.



Ислом инсон ҳаётининг барча тарафини ўз ичига олган

Кўплаб одамлар Ислом динининг ўзлари гувоҳи бўлишган саноксиз динларда бўлганидек фақатгина:

анъаналар, умумахлоқий йўлланмалар;

мусулмонлар масжидларда шуғулланишаётган дуо ва намоз каби руҳий эҳтиёжлар;

мусулмонлар эътиқод қиладиган фикр, эътиқод ва фалсафалар;

иқтисодий ёки мукаммал муҳит дастури;

тузум ёки жамият қуриш учун пойдевор ва назария;

бошқалар билан ўзаро муомала қилишдаги ахлоқ ва сулуқ шодасигина эмас,

аксинча, ҳаётни барча уфқлари билан ўз ичига олган мукаммал манҳаж — дастур эканини билганларида, ўз хайратларини яшира олмайдилар. (Ҳа), Ислом дини бу ва бундан бошқа кўплаб жиҳатларни ўз ичига олган. Шундай бўлсада, Ислом дини уларнинг ҳаётларини қулайлаштириш билан бирга барча кучларни бунёдкорлик ва маданият йўлида бирлаштириш учун хурриятларига путур етказмайди. Бу ҳам, Қуръон таъкидлаганидек, Аллоҳ таолонинг бандаларига лутф этган энг буюк неъматларидан биридир (Моида: 3).

Одамлардан бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлдошларидан Салмон Форисий разияллоҳу анҳуга: Сизнинг дўстингиз сизларни ҳар нарсага, ҳатто қазойи ҳожат одобларини ҳам ўргатар экан! дея камситмоқчи бўлганида, у: Тўғри, бизга буни ҳам ўргатди, деб, бу ҳақдаги Исломнинг аҳком ва одобларини гапириб берди (Имом Муслим, 262).

Дунё ва охират

Қадимги мисрликлар майитни кафанлаб, унинг ёнига энг қимматбаҳо нарсаларини ҳам қўяр эдилар. Бу билан, гўё, майитнинг ўлимдан сўнгра ўша нарсаларга муҳтож бўлишини тасаввур қилишар эди.



Ислом — ҳаётнинг бутун жабҳасига мўлжалланган мукаммал дастурдир.

Тибетликлар эса майитларини парчалаб, гўштларини баланд тепаликларга қуш ва йиртқич ҳайвонлар ейиши учун қўйишар эди. Ҳиндуслар ҳали ҳам майитларини гулханда ёқмоқдалар ва бу билан руҳларнинг бутунлай «озод» бўлишини эътиқод қилмоқдалар.

Бу, фақатгина, майит билан видолашиш, замон ва маконларга қараб дин ва одамларнинг ўлимдан кейинги нарсалар ҳақидаги тасаввурлари ҳамда «у дунё» ҳақидаги: «Бу дунёдан кейин ҳаёт борми? Бўлса, унинг табиати қандай? Биз у дунёда нималарга муҳтож бўламиз?» каби саволларга жавоб излаш анъаналаридан баъзи мисоллар, холос.

Чунки, ўлим, бошқа ҳаётнинг борлигига иймон келтирган ёки ҳисобимиз кўзларимиз билан кўраётган ва аъзоларимиз билан ҳис қиладиган нарсаларимизга чекланган, ўша ҳал қилувчи лаҳза учун тайёр бўлсак ҳам, кўплаб кўнгил очар ва бошқа ишлар билан ўзимизни ғафлатда қўяётган бўлсак ҳам, истисносиз, барчамизнинг келажаги ҳақида иттифоқ қилганимиз буюк ҳақиқатдир.

Одамзот ўз нафси билан танҳо қолар экан, ғафлат ва унутишнинг барча турларига муқобил ва ҳаёлдан кўтарилмайдиган бир савол билан тўкнашади: Бизнинг оқибатимиз шу дунёгинами? Ундан бошқа нарса йўқми? Бизнинг борлигимиз шунчалар беҳудаликми?

Бу саволлар ақлимизни кўп марта банд қилган. Қуръони карим эса уни бизга турли услублар билан такрорлаб, Қиёмат кунида талайгина одамларнинг пушаймон бўлажаклари ҳақида дарак беради. Чунки, улар бу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилмай, сафар учун тайёргарлик кўрмадилар. Улардан бири: **«Қошки ҳаётимга яна бир марта қайтсам!»**, деса (Фажр: 24), бошқаси: **«Қошки тупроққа айланиб кетсам!»**, дейди (Набаъ: 40).

Самовий дин вакилларининг охират ҳаётига, савоб ва жазоларга ишонишлари барчага маълум. Чунки, бу бутун пайғамбарлар олиб келган таълимот негизидир. Ақл эса, сарҳисоб бўладиган, ҳар бир инсон ўзи қилган яхшилик ва ёмонлик учун муносиб тақдирланадиган бошқа оламнинг бўлмаслиги билан ҳаёт, дин ва ахлоқнинг ҳеч қандай маъноси қолмаслигига гувоҳлик бермоқда.

Шундай бўлсада, талайгина одамлар: Дин ва ибодат тирикчилик, ҳаётнинг лаззати ва тараққиёти билан ҳамнафас бўла олмайди. Шунинг учун, қилинаётган амал ё дунё ёки охират учун бўлиши керак. Ҳар иккисининг ҳам кеча ва кундуз бирлаша олмаганидек, бир вақтнинг ўзида ҳамоҳанг бўлиши мумкин эмас. Ё унинг ёки бунинг учун ишлаш керак, деб ўйлайдилар.

Ибодат ва лаззатланиш ёки ибодат ва тирикчилик ўртасидаги ғовнинг Ислом динида йўқ эканини ўрганиш, уларнинг хайратларини кўзгаши ва буни тасдиқлашлари кийин бўлиши мумкин. Ҳолбуки, севимли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга савоб ишни қандай ҳолат ва ҳайъатда қилинган бўлишидан қатъий назар, қилган одамга Охиратда савоблар берилишини, ҳатто йўлдан ўтишга ҳалақит берадиган тиканларни олиш ёки рафиқанинг қорнини тўйдириш ҳам савоб эканини таъкидлаганлар! (Имом Бухорий, 56).

Севимли пайғамбар — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам савобнинг сон-саноксиз йўлларини тилга олар экан бир ҳолатни мисол ўларок келтирган ва саҳобаларнинг хайратини кўзгаган ва: “Бировингиз рафиқаси билан шаҳватини қондирса ҳам савоб бўлади”, деганларида саҳобалар: “Шаҳватнинг савобга қандай алоқаси бор?”, деб сўрадилар. Шунда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Шаҳватини ҳаром йўл билан қондирса унга гуноҳ бўлармиди?!”, дедилар. Саҳобалар: “Ҳа”, дейишганида, “Шундай экан, (шаҳватини қондириш учун) тўғри йўлни танласа, унга савоб ёзилади”, дедилар (Имом Муслим, 1674).

Шу боис, Ислом динини таниган ҳар бир одам, илк лаҳзаданок,

Қуръон тасаввур қилганидек, дунё ҳаёти билан охират ҳаёти орасидаги мувозанат ҳақиқатини мулоҳаза қилади. Зеро, Ислом бандаларни охиратдаги ажру савобларга интилиб ибодат қилишга ташвиқ қилар экан, бу дунёда ҳам Аллоҳнинг лутфини излаб, ҳаракат қилишлари кераклигини таъкидлайди (Жумъа: 9 – 10). Банда қилаётган дунёвий ишлари билан Аллоҳ таолони қасд қилар экан, ажру савобларга лойиқ бўлаверади.

Мўмин банда ўз вазифаси, тирикчилик манбалари, фарзанд тарбияси, соғлиғи ва атроф-муҳитига эътибор бериши ҳамда жамиятини ривожлантириш йўлида олиб бораётган мужодаласи билан, худди, намози, садақаси ва рўзаси билан Аллоҳга ибодат қилганидек, ибодат қилишга буюрилган.

Бу — мусулмоннинг ҳаёти ва охирати, тирикчилиги ва ибодати ўртасида топадиган ички ҳузур ва хотиржамлик сирларидан биридир. Шунинг учун ҳам (унинг ҳаётида) қарама-қарши зиддиятлар йўқ. Аксинча, (чор атрофи) бир-бирини тиклаб турган ўзаро мукамал бино бор.

Шунинг учун, Қуръони карим бу мавзуда Ислом фалсафасини ўзида мужассам қилган шиорини ҳар бир мусулмонга шундай дея пичирлаб эълон қилишга буюради: “Ҳаётимнинг ҳарбирони — Аллоҳга ибодатдир. Бу ибодатлар билан Аллоҳдан савоб умид қиламан. Ҳолбуки, Аллоҳ ўлимимдан сўнгра, бутун амалларимга ҳукм қилиб, уларни муносиб тақдирлайди. Шу боис, ҳаётимда Аллоҳнинг фармойишлари ва дини бўлган Исломдан айрилмайман” (Анъом: 162).

Ўзаро ҳамкорлик ва алоқа дини

Мусулмон сайёҳ Аҳмад ибн Фазлоннинг Россия, Дания ва Скандинавия ўлкаларининг катта қисми ҳақидаги маълумотлари, жаҳон ҳануз танимаган бир пайтда, у жамиятлардаги табиат ва инсон ҳаётининг илк ўта нозик тадқиқоти ва таҳлили ҳисобланган.

Аҳмад ибн Фазлоннинг 921 йилда амалга оширган саёҳати, Ўрта асрлардаги маданий алоқаларнинг энг муҳимларидан бири дея таърифланган муҳим саёҳатлардан бири эди. У ўз даврининг билим ва маданият маркази бўлган Бағдоддан йўлга чиқиб, катта давлатлар ва халқлар билан танишиб, бой ва сермазмун таассуротларини қоғозга туширди. Унинг бу асари қўлёзма асосида 1923 йилда илк бор Россияда нашр қилинди.

Америкалик олим Майкл Кричтон (Michael Crichton) Аҳмад ибн Фазлоннинг ушбу асарининг аҳамияти ҳақида шундай дейди: «Бағдоддаги мусулмонлар ўз динларига қаттиқ боғлиқ бўлишларига қарамай, ўзларидан ташқи киёфаси, ҳаёт тарзи ва эътиқоди фарқли бўлган ва ўша пайтда минтакаларда озчилик бўлган халқлар сари очила бошладилар. Натижада, ажнабий маданиятларнинг нодир шохидларига айландилар» (Michael Crichton: Eaters of the Dead).



Ислом дини, одамларни, маданиятлари ва динлари фарқли бўлсада, бунёдкорлик, маданият, ислоҳот ва ўзаро ҳамкорликда олий ахлоқ ва маданият билан ўрток бўлишга чорлайди ва одамлардан йироқ ва узлатда қолиш, Исломнинг соғлом йўли эмаслигини таъкидлайди. Шу боис, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар ичида юриб, уларнинг озору камчиликлариغا чидаган одамнинг, улардан йироқ ва узлатда бўлган одамдан кўра яхшироқ эканини айтиб ўтганлар (Ибн Можа, 4032).



Ягона Холиқ ва ягона Маъбуд

Ислом

Ислом дини назарий эътиқод иймонга кириш учун етарли эмаслиги, шу боис, агар Яратгувчи Раб ягона бўлса, сиғиниладиган Маъбуд ҳам якто бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

«Аллоҳ» сўзи араб тилида учта умумий маънони ўз ичига олади:

- Одамлар намозлари ва рўзаларини холис қилиб, қалблари ва барча ибодатлари билан йўналишадиган маъбуд;
- Ўзининг зоти, сифатлари ва шавкатида буюклиги ҳақида ақллар хайратда қоладиган ва бутунлай идрок этишдан ожиз қолган Буюк зот;
- Қалбу кўнгиллар боғланса, эслаб хузур ва осудаликни, яқин бўлса ва ибодат қилса, лаззат топадиган Зот.

Қуръони карим «Аллоҳ» ҳақидаги тасаввурни, Унинг улўғлиги ва азаматини камситадиган хурофот ва ифтиролардан тозалаш зарурати борлигини таъкидлайди.

Қуръони карим очиқлаганидек, Аллоҳ таоло ушбу Коинот ва унинг низомини яратган ва ижод қилган, Коинотда содир бўлаётган каттаю кичик барча нарса Аллоҳнинг махлуки бўлиб, Аллоҳнинг истаги, тақдири ва илми билан амалга ошган, натижада, бутун махлуқотларнинг урғочилари Аллоҳнинг илми ва истаги билан бўғоз қолиб, туғади; бир томчи ёмғир ёғса ёки кечаси ёки кундузи, ошкора ёки пинҳона заррача ўзгариш содир бўлса, Аллоҳ

таоло улардан қудрати, раҳмати ва илми билан бохабардир (Фуссилат: 47, Анъом: 59).

Аллоҳ таолонинг энг гўзал, энг яхши ва энг мукаммал сифатлари бўлиб, Аллоҳ таоло — бирон махлуқот олдида мағлуб бўлмайдиган — Қудратли, раҳмати барча нарсани қамраган — Раҳмли, бирон жиҳатдан нуқсон йўлай олмайдиган — Буюқдир.

Айрим одамлар Аллоҳ таоло Ер ва осмонларни олти кунда яратиб, еттинчи куни дам олди, дея иддао қилганларида Қуръони карим бу гапларни бутунлай инкор этиб, шундай очиқлама қилди:



Қуръон барча нарса, ҳатто ёмғир қатралари ва дарахт япроқларининг тушиши ҳам Аллоҳнинг илму қудрати билан рўй беришини таъкидлайди.



Ислом динидаги очиқ ҳақиқатлардан бири, ибодатни фақат Аллоҳнинг Ўзи учунгина қилишнинг фарзлигидир. Бу, Қуръон таъкидлаганидек, бутун пайғамбарларнинг чақириғи эди.

«Аниқки, Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсани олти кунда яратдик ва Бизни ҳеч қандай чарчоқ ушлагани йўқ» (Қоф: 38).

Бу ва бунга ўхшаш гумонлар инсон ақлига, ақл таниган махлуқотларга Аллоҳ таолони ўхшатиш сабабли келади. Бироқ, Аллоҳ таоло — Холиқ, бошқа нарсалар эса махлуқдир. Шундай экан, махлуқни қандай қилиб Холиққа менгзатилади?!

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир» (Шўро: 11).

Аллоҳ субҳонаху ва таоло заррача зарар етказмайдиган одил Ҳакамдир. Ҳаётда кўрганимиз нарсалар бизга унинг ҳикмати ва марҳаматини намоён қилмоқда. Чақалоқ ота-онасининг ўзи учун қилаётган ғамхўрлигини тушуниш ёки изоҳлашга ораларидаги фикрлашнинг катта фарқи борлиги боис қодир бўлмагани янглиғ, одамзот ақли ҳам баъзи махлуқот ва истакларидаги Аллоҳнинг ҳикматини идрок эта олмай қолиши мумкин.

Назарий этиқоднинг ўзи иймонга кириш учун етарли эмаслигини таъкидлар экан, Ислом дини, бу билан кифояланмайди. Модомики, яратгувчи Парвардигор ягона экан, илоҳ ва маъбуд ҳам ягона бўлиши лозим ва қилинаётган ибодат ҳамда илтижоларни Аллоҳдан бошқаси учун йўллаш тўғри бўлмайди. Ҳатто, Аллоҳ субҳонаху ва таолога ибодатни

бирон восита ёки шафоатчисиз самимий қилиш шарт. Чунки, Аллоҳ таоло восита қилинишдан кўра буюк бўлган Зотдир.

Агар бу дунёда яшаётган подшоҳ ва раҳбарлар эҳтиёжманд ва заиф фуқароларнинг ҳолатини фуқаролар ҳолатидан дарак берадиган ёрдамчи ва муовинлари воситасидагина маълумотга эга бўла олсалар, Аллоҳ таоло хуфёна ва ошкора нарсаларни Ўзи билиб туради. У — Қудратли подшоҳ, Коинот Унинг қўлида ва бошқарувида, бирон нарсани қилмоқчи бўлса, «Бўл!» дейди ва у нарса бўлади... Шундай экан, Ундан бошқасига йўналишнинг нима кераги бор?

Қуръони карим, бутун эҳтиёжларини айтиб Роббисига илтижо қилмагунича мусулмон банданинг хотиржамлиги ва кўнгил қувончи камолотига эриша олмаслигини қарорлаштирди. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло қулларининг қилган дуолари билан севинадиган, уларни ёлборишлари ва ялинишлари эвазига муносиб тақдирлайдиган Азаматли, бандаларни Суйган ва уларга Яқин бўлган Қудратли зотдир (Бақара: 28, Намл: 62 – 63).

Шунинг учун ҳам, Ислом динидаги энг равшан ишлардан бири пайғамбарларнинг дуо ва илтижоларидир. Қуръони карим бошқаларни қўйиб Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодатни самимий қилишнинг фарзлигини кўп таъкидлаган (Наҳл: 36). Бирон пайғамбар ёки фаришта

ёки авлиёга солиҳ эканликлари нақадар аён бўлмасин, Аллоҳ билан бандалар ўртасидаги восита деган тасаввур билан, ибодатнинг бирон турини йўллаш жоиз эмасдир... Чунки, охир оқибат уларнинг ҳар бири Аллоҳ яратган махлуқ ва Аллоҳнинг бандаларидир. Аллоҳ эса бандаларига ўта яқин ва уларнинг илтижоларини эшитади ва тилакларига ибодатни Аллоҳгагина ҳолис қилганларида ижобат қилади.

Аллоҳга таважжуҳини самимий қилган одам саодат ва муҳаббат тотини қандай топмасин! Ахир, бундай одамда изтиробнинг асари ҳам бўлмайди-ку! Чунки, Эгадор — битта, Яратгувчи — битта, Маъбуд — битта! Шу боис, таважжуҳ ва илтижони ёлғизгина шериксиз Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло учун қилинади.

Бу Қуръони каримнинг энг қисқа, машҳур ва буюк — Ихлос сурасининг маъносидир.

Ихлос сураси

Бу сурада Аллоҳ таоло пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни гўё «Аллоҳ кимдир?» деган саволга жавоб ўлароқ ошкор равишда ушбу эътиқодни баралла эълон қилишга буюрди.

- Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ибодатда шериги бўлмаган Зотдир.
- Аллоҳ таоло — бутун махлуқотлар ўз эҳтиёжларини талаб қилиб ёлборадиган ва суянадиган,
- фарзандли бўлиш ёки туғилишдан муназзаҳ (пок) бўлиб, ундан аввал бирон нарса бўлмаган Биринчи зотдир.
- Аллоҳнинг зоти ва сифатларида ўхшаши йўқ бўлиб, Угина Холиқдир ва Ундан бошқа барча нарса махлуқ-яралмишдир.





Табиат ва шариат қонунлари орасида ...

Аллоҳ таоло биз яшаётган ушбу муаззам Коинотни танамиздаги энг митти хужайрадан тортиб, то заррабинлар воситасидагина кўриш мумкин бўлган улкан сайёраларга қадар ўта билимдонлик, мукамаллик ҳамда ҳаёт ва табиатга салоҳиятли бўладиган ҳайратомуз интизом билан яратди. Табиатшунос олимларнинг барчаси таъкидлаганидек, ушбу низомдаги заррача бузуклик вайронагарчилик ва харобага олиб бориши мумкин...

Мусулмон одам ушбу низомни нозик ва пухта қилиб яратган Холиқнинг яралмишларига муносиб шариат, ҳукм ва ҳаёт дастурини жуда яхши билиши, Яратган жорий қилган дин — башарият ҳаёти учун ислоҳ бўлиб, ҳар он зулмдан қутула оладиган ягона дастур эканига юракдан ишонади. Ҳолбуки, Аллоҳ Қуръони каримда Коинот ва инсониятни яратган Зот уларни ислоҳ қиладиган барча нарсани яхши билишини очиклаб шундай деган:

«Яратган Зот билмайдими; Ҳолбуки, У латиф ва боҳабар Зотдир» (Мулк: 14).





Исломда гўшанишинлик йўқдир

Баъзи шахсларга бошқаларидан кўра каттароқ имтиёз берган ва кўпчилиكنинг ибодатини уларнинг розилигига боғлаган динлар ҳақида фикр юритсак, ўша динларга кўра «имтиёзли» инсонлар бошқалар билан тангри ўртасида воситачи ҳисобланадилар. Гоҳида «имтиёзли» инсонлар бошқаларни «мағфират» қиладилар, ғайб ишларни биладилар ва ўзларига қарши чиқишни очик зарар омили деб ҳисоблайдилар.

Исломда эса «руҳонийлик» деган хизмат йўқ. Чунки, Ислом дини ҳар бир одамни мукаррам қилиб, мартабасини кўтарди ва Аллоҳ билан банда ўртасида восита бўла оладиган ҳар қандай зўравонликдан озод қилди ҳамда инсониятнинг саодати ёки тавбаси ёхуд ибодатини, фазлу салоҳиятлари нақадар баланд бўлсада, бирон муайян кимсага боғлаб қўймади.

Бинобарин, Ислом дини «дин таълимотларини билиш бир гуруҳагина чекланган» дея гумон қилган илмий ҳукмронликдан ҳам башариятни озод қилди. Шу боис, Қуръони каримнинг динни ўрганиш ёки Қуръонни тушунишни барча одамларнинг ҳаққиғина эмас, аксинча, улар зиммасидаги масъулият ҳам қилиб қўйди ва бутун мусулмонларни Қуръонни ўқиш, тушуниш, маънолари ҳақида


тафаккур қилиш ва уни ҳаётга татбиқ қилишга буюрди. (Сод: 29).

Ибодат ва иймон — одамзот билан парвардигори орасида бўлади. Биронта одамнинг ибодат мавзусида устунлик ёки воситачилик хусусияти йўқдир. Чунки, Аллоҳ таоло барча кулларига яқин; уларнинг дуоларини эшитида, дуоларига жавоб беради, уларнинг ибодатлари ва намозларини кўриб, уларга кўра муносиб тақдирлайди. Бирон кимсанинг мағфират ёки тавба ёрлиқларини чиқариш ҳаққи йўқдир. Банда қачон тавба қилиб, Аллоҳга ихлосли бўлса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул айлаб, мағфират қилади. Зеро, Аллоҳ Ўзига таважжух қилиб, Унга дуо қилганларга жуда ҳам яқиндир. Инчунун, Аллоҳнинг Ўзи Қуръони каримда шундай деган:



Ислом инсонни мукаррам қилиб, қадрини кўтариб, у билан Аллоҳ ўртасида восита бўлиши мумкин бўлган барча руҳий ҳукмдорликлардан озод қилиб, башарият саодати ёки тавбаси ёхуд ибодати, фазилат ва салоҳиятда нақадар юксак мақомларга эришган бўлмасинлар, муайян шахсларга боғлиқ бўлишини бекор қилди.

«Бандаларим Сиздан (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мен ҳақимда сўрасалар. Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуоғўйларнинг дуосини ижобат қиламан. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар» (Бақара: 186).




Қуръон Аллоҳнинг одамларга, таважжух этиб, дуо қилганлари маҳал, жуда ҳам яқин эканини айтиб ўтган.

Ислом динига кириш учун муайян анъаналар борми?

Ислом динини қабул қилиш учун унга қаноат ҳосил қилган одам рўпарасида биронта ҳам чигал анъаналар йўқдир. Унинг муайян маконда ёки муайян шахснинг ҳузурда бўлиши шарт эмас, аксинча, шаҳодат калималарининг маъноларини билиб ва уларга ишониб, итоат этиб талаффуз қилишининг ўзигина етарлидир. Шаҳодат калималари:

«Ашҳаду ан лаа илаҳа иллаллоҳ (яъни, Аллоҳдан бошқа барҳақ маъбуд йўқдир ва мен Унгагина ибодат қиламан)

ва ашҳаду анна Муҳаммадар расулаллоҳ (яъни, Мен Муҳаммаднинг бутун башарият учун юборилган пайғамбар эканига унинг буйруқларига итоат этиб ва таъқиқларидан сақланиб шаҳодат келтираман ҳамда У олиб келган шариат ва суннатга мувофиқ Аллоҳга ибодат қиламан) — демакдир.



Аслида пайғамбарлар кимлардир?

Аллоҳ

Аллоҳ одамзотни Ўзига ибодат қилишлари учунгина яратди ва уларга Аллоҳнинг шариатини ўргатишлари, Аллоҳнинг динини эслатишлари, одамларнинг дин ва дунёларини ислоҳ қилиш таълимини беришлари, ўз халқларига ўрнак бўлиб, қинғирликларга қарши курашишлари, тўғри йўлга чақиришлари ҳамда одамларга иймонни тарқ қилишлари учун баҳона топилмаслиги учун пайғамбарлар юборди. Хўш, бу пайғамбарларнинг ҳақиқати нимадан иборат?!

Пайғамбарларнинг одамзот эканликлари

Қуръони карим талайгина оятларида пайғамбарларнинг ҳам одамзот эканликлари, фақатгина, Аллоҳ таоло уларни ваҳий юбориш ва пайғамбарлик билан айри қилганини таъкидлаган. Биз билан у пайғамбарлар орасида башарий ўхшашликлар бўлишига қарамай, улар биздан поклик ва устиворлик борасида анчагина устундирлар. Чунки, Аллоҳ таоло уларни, Қуръонда баён қилинганидек, ўз пайғоми ва динини инсониятга етказиш учун танлаган:

«Айтинг: «Мен ҳам сизлар каби инсонман. Бироқ, менга ваҳий берилади»» (Каҳф: 110).

Ҳа, пайғамбарлар ҳам одамзот наслидан бўлиб, бошқа одамлар сингари таваллуд топадилар, ўлганлари сингари оламдан ўтадилар. Улар каби касал бўладилар, жисмоний ёки эҳтиёж жиҳатдан улардан бирон фарқлари бўлмайди.

Пайғамбарларда илоҳлик хусусияти асло йўқдир. Чунки, илоҳлик Аллоҳнинг Ўзигагина хосдир. Пайғамбарлар ваҳий юборилган кимсалар, холос. Яъни, уларга фаришталар ёки бошқа йўллар воситасида Аллоҳнинг фармонлари етиб келади.

Башариятнинг илк асрларида яшаган одамлар ваҳийдан хайратланишган ва Аллоҳ таоло уларнинг хайратларини ёмон кўрган ва уларнинг хайратлари асоссиз эканини баён қилган эди. Чунки, ваҳий — Аллоҳнинг ҳидояти ва диний таълимотларини башариятга етказиш йўли эди (Юнус: 2).

Пайғамбарлар мақомидаги мўътадиллик

Аллоҳ сара қулларини пайғомни кўтариш учун танлади. Улар устиворлик ва эзгулик борасида олий даража соҳибларидир. Зеро, Қуръони карим барча пайғамбарларни “ҳидоятланганлар”, “яхшилиқ қилгувчилар”, “солиҳлар”, “саралар”, “барча оламлардан афзаллар” дея васф қилган (Анъом: 84 – 87).

Қуръон барча пайғамбарлар Аллоҳ таоло пайғамбарлик ва элчилик билан хослаган кимсалар эканини таъкидлайди.

Агар пайғамбарлардан биронтаси хато иш қилиб қўйган бўлса, Аллоҳ таоло ундан бу ишнинг содир бўлишига рози бўлмайди, аксинча, унинг тавба қилиб, хатосидан қайтиши учун огоҳлантиради. Чунки унинг хатоси, Аллоҳ таоло назарда тутган нарсага қасддан тажовуз қилиш эмас, балки, бирон ижтиҳоддаги хатодир.

Биз Қуръоннинг пайғамбарларни ўта дид билан, ғулувсиз ва эътиборсиз қўймай сифатлаганига шохид бўламиз. Улар катта гуноҳлардан маъсум бўлсаларда, одамзот бўлиб, илоҳ ёки илоҳ фарзанди эмаслар. Уларда тангрилик ва парвардигорлик хусусияти йўқдир.

Бунга Қуръони каримнинг Қиёмат кунида Ийсо алайҳиссаломнинг одамларнинг унга қилган ибодатларидан безор эканини Аллоҳга баён қилиш учун келтирилган қиссаси ёрқин далилдир:

«Эсланг (эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам), Аллоҳ: «Эй Ийсо бинни Марям, одамларга: «Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар», деб сен айтдингми?» — деганида, (Ийсо) айтди: «Эй пок Парвардигор, ҳақким бўлмаган нарсани айтиш мен учун дуруст эмас-ку. Агар айтган бўлганимда Сен албатта билар эдинг. Зотан Сен дилимдаги бор нарсани билурсан. Аммо мен Сенинг ҳузурингдаги ҳеч нарсани билмасман. Фақат Сен Ўзинг ғайб илмларининг билимдонисан. Мен уларга фақат Ўзинг амр қилган гапнигина айтдим: «Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилингиз!» Ва ораларида бўлган муддатимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим. Мени Ўз ҳузурингга чорлаганингдан кейин эса Сен Ўзинг уларнинг устида кузатувчи бўлдинг. Сен Ўзинг ҳамма нарсага гувоҳдирсан» (Моид: 116 – 117).


Қуръонни қўлга олган одам, унинг бир неча суралари Иброҳим ва Юсуф каби пайғамбарлар, ҳатто пайғамбар Ийсо алайҳиссаломнинг волидаси покдомон Марям алайҳиссалом номи билан аталганини кўради.

Ислом динининг пайғамбарларга муносабати

Айрим одамлар Қуръонни Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳикояларидангина иборат деб ўйлашади. Бироқ, Қуръоннинг Ийсо алайҳиссалом номини улуғлаб,

уни ҳақсиз тухматлардан оқлаб 25 жойда, Мусо алайҳиссаломни эса 136 жойда, Қуръони карим нозил қилинган Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг номини эса фақат 5 мартагина зикр қилганини кўришганида хайратдан ёқаларини ушлайдилар.

Ҳолбуки, кунимиздаги кўплаб дин мансублари ўз пайғамбарларидан бошқасини тан олишмай, бошқаларнинг пайғамбарларига душманлик муносабатида бўлишади. Қуръонни ўқиган ҳар бир одам эса, унинг бутун пайғамбарларга иймон келтирмагунича одамнинг мўмин бўла олмаслиги, улардан биронтасига кофир бўлган ёки уларнинг пайғамбарлигига шубҳа билан қараган ёхуд ноҳақ нарсалар билан айблаган одамнинг кофир эканини саноксиз оятларда таъкидлаганини кўради. Қуръон пайғамбарлар ва пайғамбарларга иймон келтирган кимсалар Аллоҳ тарафидан келган барча нарсага иймон келтирганини ҳам айтиб ўтади. Шунинг учун улар Аллоҳга, фаришталарга ва пайғамбарларга келтирган иймонларида пайғамбарларнинг биронтасини истисно қилмайдилар (Бақара: 285).





Исломнинг Ийсо алайҳиссаломга муносабати

Ийсо

Ийсо алайҳиссалом тарихда яшаб ўтган ва башариятга катта яхшиликларни қилган энг эътиборли шахслардан ҳисобланади. Бироқ, одамлар унга нисбатан фарқли тасаввурда бўлиб, баъзилари уни тангри, тангрининг ўғли деб ҳисобласа, бошқалари унга душман бўлиб, уни турли камчилик ва туҳматлар билан айбладилар. Хўш, Ислом динининг Ийсо алаҳиссаломга муносабати қандай?



1 – Ийсо энг буюк пайгамбарлардан биридир

Қуръони карим Ийсо алайҳис-солату вас-саломнинг энг муаззам ва энг буюк пайгамбарлардан экани, онаси Парвардигорига садоқатли, ибодатгўй, бокира, покдомон, Ийсо алайҳиссаломга, Аллоҳнинг қудрати билан, отасиз ҳомиладор бўлгани, Аллоҳ Ийсо алайҳиссаломни Одам алайҳиссаломни ота ва онасиз яратганидек, отасиз мўъжиза қилиб яратган эканини таъкидлаб, шундай дейди: Ийсо — мангу мўъжизадир. Аллоҳ Одам алайҳиссаломни ота ва онасиз яратганидек, Ийсо алайҳиссаломни «Бўл!» деса, бўладиган қудрати билан отасиз яратди:

«Дарҳақиқат, Ийсонинг Аллоҳ ҳузуридаги мисоли Одамнинг мисолига ўхшайди. Аллоҳ уни тупроқдан яратиб: “Бўл!” — деди ва у бўлди» (Оли Имрон: 59).

2 – Мўмин, Ийсо алайҳиссаломнинг мўъжизаларига ишонади

Мўмин Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломнинг қўлида жорий қилган пес ва кўрларни даволаши, ўликларни тирилтириши, одамлар уйларида истеъмол қиладиган ва сақлаб қўйишган нарсалардан Аллоҳнинг изни билан хабар берганига иймон келтиради. Аллоҳ таоло бу мўъжизаларни унинг пайгамбарлиги ва расуллигининг чин эканига очиқ ишорат қилган эди.

3 – Ийсо алайҳиссаломга Аллоҳнинг муқаддас китоби — Инжил нозил қилинган

Қуръони карим Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломга одамларга ҳидоят, нур ва раҳмат ўлароқ муаззам китобларидан бири — Инжилни нозил қилгани ва тарих мобайнида унга турли ўзгартиш ва таъвиллар қўшиб юборилганини таъкидлайди.


4 – Ийсо алайҳиссалом инсондир, илоҳ эмасдир

Ислом дини Ийсо алайҳиссаломнинг одамзот экани, Аллоҳ унга марҳамат қилиб, Исроил ўғилларига пайгамбар қилиб юборгани, унинг қўлида мўъжизалар жорий қилгани, унда, Аллоҳ таоло айтганидек, тангрилик ва парвардигорлик хусусиятлари йўқ эканини очиқлади: Ийсо — халки учун аломат ва далолат бўлсин дея биз неъматлар ато қилган солиҳ бандадир:

«У биз неъматлар ато этган ва Исроил ўғилларига мисол қилган солиҳ бандадир» (Зухруф: 59).

5 – Ийсо алайҳиссалом осилмади, аксинча, осмонга қўтарилди

Ислом тасаввурида Ийсо алайҳиссалом ўлдирилмаган ва осилмаган, аксинча, Аллоҳ уни осмонга қўтарган. Чунки, Ийсо алайҳиссаломнинг душманлари уни ўлдирмоқчи бўлишганида Аллоҳ таоло уларга бошқа одамни Ийсо алайҳиссаломдек кўрсатган ва улар уни ўлдиришган, осилган ва уни Ийсо алайҳиссалом деб ўйлашган. Ийсо алайҳиссалом эса, Қуръон баён қилганидек, осмонга тирик ҳолатида қўтарилган (Нисо: 157 – 158).



Пайғамбарлар шажараси

Аллоҳ пайғамбарларининг сони кўп бўлиб, улар ичида машҳур бўлган баъзилари қуйидагилардир, Аллоҳ уларга салавоту саломлар ёғдирсин:

Одам алайҳиссалом:

одамзотнинг бобокалони. Аллоҳ таоло уни тупроқдан яратган ва фаришталарни унга сажда қилишга буюрган, кейин жаннатдан Ерга олиб тушган.

Нух алайҳиссалом:

ўз қавмини Ислом динига чорлаган бўлсада, улар кофир бўлишган. Натижада, тўфон билан жазоланишган. Тўфондан Нух алайҳиссалом ва унга иймон келтириб, кемага чиққанларгина саломат қолишган.

Иброҳим алайҳиссалом:

пайғамбарлар бобокалони ва Ислом динига чорлаган матонатли пайғамбарлардан бири. У биринчи бўлиб мусулмонларнинг қибласи — Каъбани қурган.

Исмоил ибн Иброҳим алайҳимассалом:

у отаси Иброҳим алайҳиссаломга Каъбани қуришда ёрдам берган.

Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳимассалом:

у фаришталар отаси Иброҳим алайҳиссаломга мужда берганидан сўнгра дунёга келган.

Яъқуб ибн Исҳоқ алайҳимассалом:

у “Исроил” деб ҳам аталади. Исроил ўғиллари унга нисбатланади.

Юсуф ибн Яъқуб алайҳимассалом:

у турли қийинчиликлар билан қаршилашади ва оқибатда Миср давлатининг ҳукмдорига айланади.

Мусо алайҳиссалом:

у Аллоҳ таоло юборган пайғамбарларнинг энг буюкларидан биридир. Аллоҳ таоло унга Тавротни нозил қилди ва унинг кўлида мўъжизаларни жорий этди. Шундай бўлсада, уни Миср фиръавни ёлғончиликда айблади. Аллоҳ таоло Фиръавни денгизда ғарқ қилган бир пайтда, Мусо ва унинг тарафдорларини қутқарди.

Довуд алайҳиссалом:

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга халқи устидан қироллик салтанатини берди.

Сулаймон ибн Довуд алайҳимассалом:

Аллоҳ таоло унга бепоён қироллик бериб, саноксиз махлуқотларни бўйинсундирди.

Закарийё алайҳиссалом:

Бану Исроил пайғамбарларидан бири. У — Ийсо алайҳиссаломнинг онаси Марям алайҳиссаломнинг васийси бўлиб, унинг тарбияси ва таълимидан жавобгар эди. Аллоҳ таоло унга, ёши ўта кексайган ва кампири туғмас бўлсада, Яхё алайҳиссаломни инъом қилди.

Ийсо алайҳиссалом:

у буюк пайғамбарлардан бири бўлиб, Аллоҳ таоло уни отасиз, онанинг ўзидан яратди ва Исроил ўғилларига пайғамбар қилиб юборди. Аллоҳ таоло унга Инжилни нозил қилиб, турли мўъжизалар билан қувватлади.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

у энг сўнгги пайғамбар бўлиб, Аллоҳ таоло уни ўзидан илгари яшаб ўтган пайғамбарларнинг барчасини тасдиқлаган ҳолда бутун башарият учун юбориб, унга ботил нарсалар қўшила олмайдиган Қуръони каримни нозил қилди.



Ислом пайғамбари қандай одам?

Муҳаммад

Муҳаммад — Ислом пайғамбарининг исмидир.

Бу исм ҳозирги кунда дунё халқлари орасида кенг тарқалган бўлиб, унинг маъноси «Ахлоқ ва ишлари сабабли одамлар суйган ва мактаган киши», демакдир.

Хўш, Муҳаммад кимдир?

Ислом пайғамбарининг исми:

Ислом пайғамбарининг исми — Мухаммад ибн Абдуллох ибн Абдулмутталиб ибн Хошим Қурашийдир (570 – 632 м.).

Мусулмонлар унга куйидагича эътикод қиладилар:

У — Аллоҳнинг бутун башарият учун юборган элчисидир.

Аллоҳ таоло Мухаммад соллаллоху алайҳи ва салламни жинслари, ирклари ва рангларида катъий назар бутун башарият учун юборди ва одамларга Унга итоат этишни фарз қилди. Қуръон бу ҳақда шундай дейди:

«Эй Мухаммад: Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг элчисиман, — деб айтинг!» (Аъроф: 158).

Унга Қуръон нозил қилинган

Аллоҳ таоло Мухаммад соллаллоху алайҳи ва салламга олди ва орқасидан ботил кела олмайдиган энг буюк китоби — Қуръонни нозил қилди.

У — Пайғамбар ва расулларнинг энг охиргисидир

Аллоҳ таоло Мухаммад соллаллоху алайҳи ва салламни пайғамбарларнинг охиргиси қилиб жўнатди. Шунинг учун, ундан кейин биронта ҳам пайғамбар келмайди. Бу ҳақда Қуръони карим шундай дейди:

«Лекин, у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг охиргисидир» (Ахзоб: 40).



Ислом пайғамбари Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам ҳақида қисқача маълумот

1- Туғилиши

Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам Макка шаҳрида милодий 570 йилда дунёга келдилар. Отаси у зотнинг таваллудидан илгари, онаси эса болалик йилларида оламдан ўтди. У бобоси Абдулмутталибнинг қўлида, кейинроқ эса амакиси Абу Толибнинг қўлида тарбия топди.

2- Ҳаёти ва вояга етиши

Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам пайғамбар бўлишдан аввалги қирқ ёшини (570 – 609) ўз қабиласи Қурайш ичида ўтказди. У қабиладошлари ўртасида гўзал ахлоқ, матонат ва имтиёз намунаси эди. Унинг қабиласи ўртасида кенг ёйилган лақаби «Содикул Амийн» (Ишончли омонатдор) эди. У чўпонлик ва савдогарчилик билан шуғулланди.

Ислом пайғамбари Ислом дини келишидан илгари ханиф бўлиб, гарчи ўқиш ва ёзишни билмайдиган саводсиз бўлсада, Аллоҳ таолога Иброҳим алайҳиссалом дини асосида ибодат қилар, бутларга ибодат қилишдан нафратланар, бутпарастлик билан шуғулланмас эди.

3- Пайғамбар қилиб юборилиши

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қирқ йил яшагач, (Макка шаҳрига яқин тоғлардан бири бўлган) Нур тоғида жойлашган Хиро ғорида тафаккурга берилиб, Аллоҳга ибодат қила бошлади. Ўша ерда унга Аллоҳ таолодан ваҳий келиб, Қуръон нозил бўла бошлади. Илк ваҳий, бу пайғамбарлик билан одамлар учун илм, ўқиш, нур ва ҳидоятнинг янги даври бошланганлигини эълон қилиш учун: “Сизни яратган Роббингизнинг исми билан ёрдам сўраб ўқинг” маъносидаги ушбу оятлар эди:

«Яратган Роббингизнинг исми билан ўқинг!» (Алақ: 1). Сўнгра, ваҳий йигирма уч йил мобайнида кетма-кет кела бошлади.



4 - Даъватининг бошланиши

Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам Маккада уч йил давомида Аллоҳнинг йўлига хуфёна, ўн йил мобайнида эса ошкора чорлади. Унга эргашганларнинг аксарияти, бошқа пайғамбарлар ҳаётида бўлгани каби, жамиятнинг кучсиз ва камбағал қатламлари эди. Бу йиллар асносида Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам ва унга иймон келтирган мўминлар ўз қабилалари тарафидан қувғинлик ва зулмнинг ашаддий кўринишларига дуч келдилар. Шунинг учун, Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам ҳаж ибодатини адо этиш учун Макка шаҳрига келган қабилаларга Ислом динини тушунтирди. Улар ичидан мадиналик ҳожилар чақирикка «лаббай» деб жавоб беришди. Мусулмонларнинг Мадина сари кўчиши аста-секин бошланди.

5- Ҳижрати

Курайш сардорларининг даъватга қарши олиб борган шиддатли қаршиликлари ва ҳатто суикасд билан ўлдириш режасини тузишгач, Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам 622 милодий йили ўша пайтда Ясриб номида бўлган Мадина шаҳрига эллик уч ёшида ҳижрат қилди ва Мадинада ўн йил яшаб, Исломга чорлади, намоз ўқиш ва закот беришга, гўзал ахлоқлар ва шариатнинг бошқа ибодатларига буюрди.




6- Исломни ёйиши

Аллоҳнинг элчиси исломий маданият пойдеворини ҳижратдан сўнгра Мадинада (622–632 м.) қўйиб, мусулмон жамият аломатларини мустаҳкамлаб, қабила иркчилигини бекор қилиб, адолат, устиворлик, биродарлик, ҳамкорлик ва тузум асосларини жорий қилди. Айрим қабилалар Исломни тағ-томири билан йўқ қилиб ташлашга киришди. Натижада, бир неча уруш ва ҳодисалар рўй бериб, Аллоҳ таоло Ўз дини ва расулига зафар берди. Сўнгра, одамлар Ислом динига тўхтовсиз кириб, маккаликлар, Араб ярим оролида истиқомат қиладиган қабила ва халқлар ўз истаклари билан мусулмон бўла бошлашди.

7- Вафоти


Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам пайғомни етказиб, Аллоҳ таоло Ўз неъматини одамларга тўқис қилгач, ҳижратнинг ўн биринчи йили сафар ойида қаттиқ иситмалаб, оғирлашди ва рабиъул-аввал ойининг душанба кунини оламдан ўтди. Бу милодий 632 йилнинг 8 июнига тўғри келади. Ўша пайтда Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам олтимиш неча ҳам ёшда эди. Уни Масжидун-набийнинг ёнидаги рафикаси Оиша разияллоху анҳонинг уйига дафн қилинди.



An open book with Arabic text is shown from a high angle, resting on a dark, textured wooden surface. The pages are aged and yellowed, with the text written in a traditional script. The lighting is warm, creating a sense of history and wisdom.

Инсофли одамларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақидаги сўзлари

Билим Билим савияси қандай бўлишидан қатъий назар, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таржимаи ҳолини ўрганган одам, Унинг ҳаётидаги барча тафсилотлардан хайратланган. Биз Шарқ ёки Ғарбда яшаган олим, файласуф ва адибларнинг бунга гувоҳлик берганликлари ва гувоҳликларини китоб ва мақолаларида ёзиб қолдирганликларини кўрамиз. Шулардан баъзилари:



Махатма Ганди (Mahatma Gandhi) (02.10.1869 – 30.01.1948) «1924 Young India» рўзномасида шу жумлаларни ёзди:

«Миллионлаб инсонларнинг кўнгилларига тахт қурган ушбу одамнинг тавсифлари билан танишмоқчи бўлдим ва Исломининг ўз ўрнини топишида қилич эмас, аксинча, Пайғамбарнинг синчковлик билан бирга содда ҳаёт кечиргани, ваъдаларга садоқати, фидокорлиги, дўстлари ва ғоядошларига нисбатан самимийлиги, Роббиси ва пайғомига бўлган мутлақ ишончи восита бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Қилич эмас, мана шу сифатларгина йўлни қулайлаштирган, ғовларни парчалаган эди. Пайғамбар ҳаётининг иккинчи қисмини ўқиб тугатганимдан сўнгра, унинг муаззам ҳаёти ҳақида бошқа маълумотлар йўқлиги туфайли таассуфда бўлдим».

(Тўлик асарлар (Collected Works) 25/127).

«Миллионлаб инсонларнинг қалбларида севилган ушбу одамнинг сифатлари билан танишмоқчи бўлдим... Ва шунга амин бўлдимки, қилич Исломининг ўз мақомига улашишида восита бўлмаган».

Ганди



Майкл Харт (Michael H. Hart) (туғилган йили: 28.04.1932) ўзининг «Тарихдаги юзта буюк одам» (The 100: A Ranking of the Most Influential Persons in History) асарида тарихда яшаб ўтган юзта буюк одамлар рўйхатини Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам номи билан бошлаган ва бунинг сабабини шундай изоҳлаган: «Муҳаммадни тарихда яшаб ўтган энг буюк ва муҳим шахсиятлар рўйхатининг бошига қўйганим айрим ўқувчиларни ҳайратга солиши мумкин. Бироқ, у — икки: диний ва дунёвий майдонда энг катта муваффақиятни қўлга киритган ягона шахсиятдир».

(The 100: A Ranking of the Most Influential Persons in History, 3)



Машҳур француз шоири **Альфонс де Ламартин** (Alphonse de Lamartine) «Туркия тарихи» китобида ушбу сатрларни ёзган: «Мақсаднинг олийлиги, воситаларнинг озлиги ва натижанинг буюклиги — эркалар иқтидорининг уч буюк сиймосидир. Тарихда яшаб ўтган буюк одамларга Муҳаммадни ким ҳам қийслай олади?!» («Histoire de la Turquie. Paris» 1/111).



Ҳинд файласуфи **Рамакришна Рао** (Ramakrishna Roa) шундай дейди: «Ғалаба ёки мағлубият, салтанат ёки машаққат, фаровонлик ва иззатларда вазиятлар ўзгарсада, Муҳаммад ҳеч ўзгармади. У, Тангрининг бутун пайғамбарларга бўлган истаги каби, ўша-ўшалигича, ўз сифатлари билан қолди. Бошқа нарсалар эса ўзгаришга мангу маҳкумдир» («Mhuhammad The Prophet of Islam», 24).



Олмонларнинг буюк ёзувчиси **Гёте** Илом дини ва Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам)дан қанчалар ҳайратланган эканини маҳбубаси Катерина Музманга ёзган мактубида шундай ифодалайди: «Ёшим етмишга етиб борса ҳам Илом динига бўлган ҳайратим асло тўхтамайди. Аксинча, янада мустаҳкамланаверади».

Гётенинг бу сўзларини Катерина Музман ўзининг Гёте ҳаёти ҳақида ёзган «Goethe und die arabische Welt» китобида қаламга олган (177-бет).

Профессор **Джеймс Виллиам Стобард** (James William Hampson Stobart) шундай дейди: «Инсоният тарихида тамомийла Муҳаммадга яқин бўлган бирон кимса йўқдир. У ўзи эга бўлган оз моддий имкониятлар билан нодир қаҳрамонликлар кўрсатди. Агар биз тарихни шу нуқтаи назар билан ўргансак, араб пайғамбардан бошқа нурафшон исми топа олмаимиз» (Islam and Its Founder, 227 – 228).



Саймон Оклей (Simon Ockley) «Ислом империясининг тарихи» номли китобида шундай дейди: «Ислом даъватининг ёйилиши эмас, унинг асрлар ўтсада давомийлиги ва устиворлиги диққатни ўзига тортишга лойиқ нарсадир. Мухаммад Макка ва Мадинада қолдирган табиат, Қуръонни янги таниган хиндлар, африкаликлар ва турклар қалбига ўша хайрат ва ўша қувватни бермоқда» («History of the Saracen Empire», 15-бет).



«Мухаммаднинг Макка ва Мадина шаҳарларида ёйган хайратомуз табиат — кунимиздаги Қуръон билан танишган хиндулар, африкаликлар ва турклар кўнглидаги хайрат ва қувватнинг ўзгинаси эди».

Саймон Оукли



Вилл Дьюрант (Will James Durant) (05.11.1881 — 07.11.1981) ўзининг «Цивилизация қиссаси» номли машҳур қомусида шундай сатрларни ёзган (13/ 45 — 47):

«Агар бирон одамнинг буюклиги ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни албатта таъкидлашимиз керак: Мухаммад — тарихда яшаб ўтган буюк одамларнинг энг буюгидир. У иқлим ҳарорати ва саҳро қурғоқчилиги ваҳшийлик зулматларига улоқтирган халқнинг руҳий ва ахлоқий даражасини кўтаришни ўз зиммасига масъулият ўлароқ қабул қилди ва бу вазифасини тарихда яшаб ўтган биронта ислохотчи бас кела олмайдиган даражада рўёбга чиқаришга муваффақ бўлди. Тарих давомида умид қилган орзуларини рўёбга чиқарган унингдек бирон одамни топа олмаймиз. У ўз қақирқларини бошлаган пайтда араб ўлкалари қақраган саҳролар бўлиб, у ерларда бутпараст араб қабилалари истиқомат қилар, сонлари оз, бироқ, тарқоқликлари кўп бўлган бўлсада, Мухаммаднинг ўлими олдида ўта мустаҳкам ва яхлит халққа айландилар. Мухаммад ирқчилик ва хурофот илдизини қуритиб, яҳудийлик ва насронийликдан, ҳатто ўз халқининг эски динидан ҳам енгил, ўта равшан динни ҳамда пойдевори соддалик ва миллий ғурур бўлган хулқий саройни тиклай олди. У бир авлод ичида юздан ортик урушда ғалаба қозониб, бир аср давомида улкан давлатни қуришга қодир бўлди. У ҳозирги кунимизгача жаҳоннинг ярмидан кўра кўпроғида улкан хатарни мужассам қилган қуч бўлиб қолмоқда».

(The Story of Civilization: The age of faith, 4/174).



«Агар буюк инсоннинг инсонларга бўлган таъсир буюклигини қиёсламоқчи бўлсак шундай деймиз: “Мухаммад — тарихий шахсиятларнинг энг буюгидир!».

Вилл Дьюрант

Мусулмон бўлгунча Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ашаддий душманларидан бири бўлган одам ҳикоя қилади. Бу ҳодиса, 628 йили Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Исломга чақириб ёздирган мактуби етиб келган пайтда Византия императори Гераклда содир бўлган эди. Геракл мактубдан хайратга тушди ва араб вилоятларидан келган ҳамда пайғамбар Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни танийдиган ёки унга қариндошлик алоқаси бўлган одамни олиб келиш фармони берди. Ўша кунлари Абу Суфён савдогарчилик билан Шомга келган эди. (У Қурайш сардорларидан ва ўша пайтда Пайғамбарга ашаддий душман бўлганлардан бири эди). Абу Суфён ва йўлдошларини саройга чақирилди ва Геракл Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чин пайғамбар эканини ўрганиш учун ўта заковат ва донолик билан саволлар бера бошлади. Жавобларни тинглагач, Геракл Абу суфёнга шундай деди:

Мен сендан унинг насаби ҳақида сўрадим ва сен унинг ичингиздаги аслзодалардан бири эканини айтдинг. Пайғамбарлар ўз халқининг аслзодалари ичидан танланади.

Мен сендан: Бу гапни (ундан илгари) ичингиздан бирон киши айтганмиди? — деб сўрасам, Йўқ, — деб жавоб бердинг. Агар у гапларни ундан илгари бирон кимса айтган бўлса эди мен: Бу одам ўзидан аввал яшаб ўтган одамга тақлид қилмоқда! — деган бўлар эдим.

Мен сендан: Бу гапларни айтишидан илгари уни бирон марта ёлғончиликда айблаганидингиз? — деб сўрасам, Йўқ, — деб жавоб бердинг. Билдимки, одамларга ёлғон гапирмайдиган одам Аллоҳга ёлғон гапирмас!

Сендан: Унга одамларнинг аслзодалари эргашаяптими ёки қамбағалларими? — деб савол берсам, Қабағаллари, — деб жавоб бердинг. Улар пайғамбарларнинг издошларидир. Сендан: Уларнинг сони кўпаймоқдами ёки камаймоқдами? — деб сўрасам, Кўпайишяпти, — деб жавоб бердинг. Иймон иши тўқис бўлгунча шундай бўлади.

Сендан: Унинг динига қирган одам ундан нафратланиб (қайта) чиқиб кетяптими? — деб сўрасам, Йўқ, — дедим. Иймон севинчи кўнгилларга уйғунлашганида шундай бўлади.

Сендан: У хиёнат қилдими? — деб сўрасам: Йўқ, — деб жавоб бердинг. Ўзи шундай, Пайғамбарлар хиёнат қилмайдилар.

Сенга: Сизларни нимага буюраяпти? — деб савол берсам, Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга бирон нарсани шерик қилмангиз! — деб буюраётгани ҳамда бутларга сифинишни таъқиқлаётгани, намоз ўқиш, ростгўй бўлиш ва покдомонликка буюраётганини айтдинг...

Агар айтаётган гапларинг тўғри бўлса, у тез кунда менинг мана шу оёқларим турган жойларга ҳам эга бўлади. Мен унинг чиқишини билар эдим. Бироқ, сизлардан экани ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Агар унга самимий бўла олишимни билсам эди, у билан учрашишни иштиёқ билан кутар эдим (Имом Бухорий, 7).

A close-up photograph of a young bird, possibly a sparrow, perched on a nest made of dry grass and twigs. The bird has its beak wide open, as if it is calling or singing. The background is a soft-focus green, suggesting foliage.

**Пайғамбар Муҳаммад
соллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг ҳаёти ва
ахлоқидан қатралар**

Расулulloҳ

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам энг юксак инсоний ахлоқ мисоли бўлган ва бунга Унинг Ғарб ва Шарқдаги инсофли душманлари ҳам гувоҳ бўлишган. Ҳатто, Қуръони карим Унинг ахлоқини «буюк» дея сифатлади.

Муҳтарама рафикаси Оиша разияллоҳу анҳо Аллоҳнинг пайғамбари — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ахлоқи ҳақида савол берилганида, унинг ахлоқини ифодалайдиган ушбу жумлани курган эди: «Унинг ахлоқи Куръон эди». Яъни, у Куръон таълимоти ва ахлоқини татбиқ қилишда амалий ўрнак эди.


Қуйида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаёти ва ахлоқидан мухтасар дастани ҳавола қиламиз.

Камтарлик

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзига бирон кимсанинг хурмат кўрсатиб оёққа туришига рози бўлмас, аксинча, асҳобларини бундан таъқиқлар эди. Муҳаббатлари нақадар кучли бўлмасин, саҳобалар унинг келаётганини кўрсалар ҳам ўринларидан туришмас эди. Улар унинг бундай ишлардан нафратланганини билганлари учун оёққа туришмас эди (Имом Аҳмад 12345).

Арабларнинг сардори ва обрўли кишиларидан бири бўлган ва хануз мусулмон бўлмаган Адий ибн Ҳотим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам даъватининг ҳақиқатини ўрганиш ниятида келди. Бу ҳодисани унинг ўзи шундай англатди: Мен Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига келдим. Унинг олдида жувон, бир ёки иккита бола бор эди. Уларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қариндошлари экани айtilди. Бундан унинг (Эрон кироли) Кисро ёки (Византия императори) Геракл эмаслигини англадим (Имом Аҳмад 19381). Дарҳақиқат, камтарлик барча пайғамбарларнинг хулқидир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари даврасида улардан бири каби ўтирар эди. У атрофидаги одамлардан ажратиб турадиган жойда ўтирмас эди. Шунинг учун ҳам бегона одам



даврада ўтирган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни дарров пайкай олмас ва “Сизларнинг қайси бирингиз Муҳаммадсиз!” — деб сўрар эди (Имом Бухорий, 63).

Айрим саҳобаларининг айтишларига қараганда, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ишлари кўп бўлишига қарамай одамларнинг эҳтиёжларини, гарчи оз бўлсада, қондиришга ҳаракат қилар эди. Ҳатто мадиналик хизматкор аёллардан бири Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўлидан ушлаб, ўз эҳтиёжларини қилдириш учун истаган томонига бошлаб кета олар эди (Имом Бухорий, 5724).

Ислом пайғамбари шахсий ишларини ва оила юмушларини ўзи қилар ва оила ишларини қилишларида рафикаларига ёрдам берар эдилар.

Буюк саҳобалардан бири бўлган Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳо пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига кирганида унинг биқинида хурмо шохларидан тўқилган бўйра изларини кўриб йиғлаганини ҳикоя қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Нега йиғлаяпсиз? — деб сўрадилар. Мен: Ё Расулуллоҳ, Кисро ва Геракл неъматлар ичида сузишаяпти. Сиз эса..! — дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дунё — уларники, Охират эса бизники бўлишига рози бўлмайсизми?» — дедилар (Имом Бухорий, 3503).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзининг шахсий эҳтиёжларини ўзи кўрар, оиласига хизмат қилар, уй ишларини қилишда кўмаклашар эди. Рафикаси Оиша разияллоҳу анҳога хонадонидида ўзини қандай тутгани ҳақида савол берилганида: У — оиласининг хизматида эди, — деб жавобни берган эди (Имом Бухорий, 644).

Оиша разияллоҳу анҳо бу жавоби билан рафикаларига хизмат қилганини назарда тутган эди. Бундан ташқари у: Бировингиз каби чормугини тузатар, кийимига ямоқ солар эди, — деган (Имом Аҳмад, 24749).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кўнглида заррача кибри бўлган одам жаннатга кирмайди», — деганлар (Имом Муслим, 91).

Шафқат

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Шафқатлиларга Аллоҳ шафқат қилади. Ер юзидаги жонзотларга шафқат қилингиз-ки, осмондаги Зот сизларга шафқат қилсин!**» — деганлар (Абу Довуд, 4941).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафқати турли жиҳатлари билан намоён бўлади. Шулардан:

Болаларга бўлган шафқати

- Намоз гапириш ёки кўп ҳаракат қилиш жоиз бўлмаган Ислом асосларидан бири бўлсада, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам набираси — Умома Зайнаб кизини қўлларига олиб намоз ўқиди: саждага борганида уни ерга қўяр, турганида эса қўлига олар эди (Имом Бухорий, 494).
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни бошлагач, гўдакларнинг йиғисини эшитар ва намозни енгиллаштириб, тезроқ тугатиш учун ҳаракат қилар эди. Ҳатто у шундай деган: «Мен намозни узун ўқиш учун бошлайман-да, гўдакнинг товушини эшитиб, онаси қийналмасин деб намозимни қисқа қиламан» (Имом Бухорий, 675).



Хотин-қизларга шафқати

- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлар тарбиясига катта эътиборни қаратиб, уларга яхшилик қилишга рағбатлантирди. У шундай дер эди: **«Кимга бир ёки ундан кўра кўпроқ қиз насиб этган ва у уларнинг тарбиясига эътибор бериб, яхшилик қилган бўлса, улар унга жаҳаннамдан парда бўладилар»** (Имом Бухорий, 5649).
- Ҳатто рафика ҳаққига, унинг ишларига, ҳолатларини риоя қилишга қаттиқ васият қилган. У мусулмонларни бу мавзуда бир-бирларига тавсияда бўлишга рағбатлантириб: **«Хотин-қизлар ҳақида яхши тавсияларда бўлингиз!»** — деган (Имом Бухорий, 4890).
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам рафикаларига ҳалимликда ҳайратомуз ўрнатқилди: туялари олдида тиз чўкдилар ва рафикаларидан бири бўлган Софийя разияллоҳу анҳо оёғини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тиззасига қўйиб туяга минди (Имом Бухорий, 2120).
- Қизи Фотима ҳузурига келганида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қўлларидан ушлаб ўпар ва ўзи ўтирган жойга ўтқазар эди (Абу Довуд, 5217).

Бечораларга шафқати

- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам етимларни қафолатга олишга рағбатлантирар ва кўрсаткич ва ўрта бармоғининг орасини озгина очиб: **«Мен**

билан етимни қафолатга олган одам жаннатда шундай бўлади», — деб ишорат қилган эди (Имом Бухорий, 4998).

- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бева ва камбағал бечораларга ёрдам бериш учун ҳаракат қилган кимсани, Аллоҳ йўлида жанг қилаётган мужоҳид ва кундузлари рўзадор, тунлари таҳажжуд намозини ўқиб бедор бўлган одамга ўхшатар эди (Имом Бухорий, 5661).
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бечораларга бўлган меҳр ва уларнинг ҳақларини беришни ризқ ва душманлар устидан зафар қозониш омилларида ҳисоблаб: **«Мен учун бечораларни қидиринглари! Чунки сизларга бечораларингиз туфайли зафар ва ризқ берилади»,** — деган (Абу Довуд, 2594).



Муҳаммад пайғамбар бечораларни яқин тутиш ва уларга яхшилик қилишни ғалаба ва ризқ омили қилиб қўйди.

Одиллик

- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръон амрларига бўйинсуниб, энг яқин қариндошлари зарарига бўлса ҳам, Аллоҳнинг шариатини қоним қиладиган одил эди: **«Эй мўминлар, адолат билан тургувчи ҳамда ўзларингнинг ёки ота-она ва қариндош-уруғларнинг зарарига бўлса-да, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик берувчи бўлинглар!»** (Нисо: 135).
- Айрим саҳобалар қабиладаги обрўси сабабли ўғирлик қилган бир жувонга Аллоҳнинг ҳукмини ижро этмасликни сўраб келишганида, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Муҳаммад (ме)нинг қизи(м) Фотима ўғирлик қилса (унинг) қўлини (ҳам) кесаман!»** — деди (Имом Бухорий, 4053).
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам судхўрликни ҳаром қилганида биринчи бўлиб ўзига энг яқин қариндоши — амакиси Аббос разияллоҳу анҳуга судхўрликни таъқиқлаган ва: **«Илк ўлароқ ўз рибомизни — Аббос ибн Абдулмутталибнинг рибосини бекор қилдим. Чунки бутун рибо ўз кучини йўқотди!»** — деган (Имом Муслим, 1218).
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам кучсиз одамнинг кучли одамдаги ҳаққини ҳеч қўрмай ва иккиланмай олишни халқлар маданияти ва тараққиёти учун меъёр қилиб қўйди ва шу боис: **«Бечора ўз ҳаққини иккиланмай ололмайдиган халқ, тараққий топмас!»** деди (Ибн Можа, 2426).
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Мақкадан 90 км олисдаги тоғли минтақада жойлашган) Тоиф шаҳридан Исломи динига қақиргач, аҳоли тарафидан озорланиб, хунук қаршиланиб, ортига қайтар экан, йўлда Аллоҳ таоло тоифликларни ҳалок қилишини сўраш учун юборган фаришта билан учрашди. Ўшанда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Йўқ, мен Аллоҳнинг уларнинг пуштларидан Аллоҳнинг ўзига шерик келтирмай ибодат қиладиган зурриётларни чиқаришини умид қиламан»,** — деди! (Имом Бухорий, 3059).
- Булардан кўра энг ҳайратли манзара ўз уйдан қувган, гоҳида тиллари ва қиличлари билан озор берган, йиллар давомида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сафдошларини йўқ қилиш учун бор кучини аямаган

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сабри ва юмшоқлиги



маккаликларга қилган иши эди. Зафар насиб этиб, Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни азиз қилиб, маккаликлар устидан ғалаба қозонгач, уларга қарата: «Мени сизларга нима қилади, деб ўйлаяспизлар?» — деди. Улар: Яхшиликни. (Сиз) улугъ кишининг ўғли — улугъ инсонсиз! — деб жавоб беришди. Шунда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен — Яъқуб алайҳиссаломнинг озорлаган ва кудукка отишган оғаларини кечирган ўғли — Юсуф алайҳиссалом айтганидек айтаман», — деди. — У шундай деган эди: **«Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У зот раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидир»** (Юсуф: 92). Кетаверинглар, сизлар озодсизлар! (Байҳақий, 18275, 18276).



Манбалар шуни кўрсатмоқдаки, Ислом пайғамбари ҳаётида ҳеч қачон дунёни жамғармаган.



Эҳсон ва саховат

- Бир одам келиб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан пул сўради. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Нимани хоҳласанг сотиб олавер, унинг қарзи менинг бўйнимга»**, — дедилар. Бунни эшитган ҳамроҳи Умар разияллоҳу анху: Ё Расулуллоҳ, нега кучингиз етмайдиган нарсаса ўзингизни мажбур қиласиз?!» — деди. Бу гапдан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам норози бўлди. Бунни кўрган ҳалиги одам: Сарф қилинг, Арш Эгаси қамайтиради деб кўркманг! — деди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гапдан хушнуд бўлиб, севинчи юзларида балқиди («ал-Аҳаадисул Мухтаарах» 88).
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келинган 80000 дирҳам кумуш тангани бўйрага тўқди ва одамларга улаша бошлади. Ким сўраса, бериб тугатди (Ҳоким, 5423).

Гўшанишинлик

- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг қуйидаги оятига доимо риоя қилар эди: **«Сиз кўзларингизни (кофирлардан айрим) тоифаларни фитнага солиш учун баҳраманд қилган — ҳаёти дунё гўзалликларидан иборат нарсаларга тикманг! Парвардигорингизнинг ризқи яхшироқ ва боқийроқдир»** (Тоҳа: 131).
- Мусулмонларнинг иккинчи халифаси, саҳобий Умар разияллоҳу анху кунларнинг бирида курук бўйра устида ёнбошлаб ётган ва бикинида бўйра излари кўриниб турган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурига кириб келди. Умар разияллоҳу анху ҳикоя қилади: Уйга разм солдим. Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, биронта ҳам фаровонлик аломатини ва диққатни тортадиган нарсани кўрмадим. Шунинг учун, Аллоҳ таолога дуо қилинг, умматингизга ризқни мўл қилсин! Чунки Аллоҳ Эрон ва Византия халқларининг ризқини мўл қилди! Улар Аллоҳга ибодат қилишмасада, ризқлари сероб бўлди, — дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Эй Хаттоб ўғли, улар — неъматлари шу дунёда нақд қилиб берилган халқлардир!»** — деди (Имом Бухорий, 2336).

- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Дунё билан ишим йўқ. Мен бу дунёда дарахт остидаги сояда дам олиб, сўнгра ўрнидан туриб, у ердан ажралган одам кабиман!»** — деди (Термизий, 2377).
- Бир, икки ва уч ой ўтсада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонадаги ўчоққа овқат тайёрлаш учун олов илинжида ўтин қаланмас эди. Чунки хонадон аҳли хурмо ва сувнигина тановул қилишар эди! (Имом Бухорий, 2428). Ҳатто айрим кунларда қорнини тўйдириш учун эскирган хурмодан бошқа нарсани топа олмас эди (Имом Муслим, 2977). Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қорни бу оламдан ўтгунича бирон кун ҳам бугдой унидан қилинган нонга тўймади!! Чунки, кўпинча, арпа унидан қилинган нондан тамадди қилар эди (Имом Муслим, 2976).



Ислом пайғамбари ўзининг дунёга бўлган муносабатини дарахт соясида дам олиб, сўнгра йўлида давом этган мусофирга ўхшатади.



Вафодорлик

- Ахдга вафо қилиш энг юксак ва шарафли ахлоқлардан бири бўлиб, яхшиликка жавоб бериш эса кўнгилга тахт куради. Икки тараф ўртасида мажбурий аҳд бўлмайди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам гарчи ўртада аҳд ва шартнома бўлмаса ҳам ахдига содиқ қолар, қилинган яхшиликка ундан кўра каттароқ эваз берар эди. Бундай одамнинг ўртада аҳд бўлса, қандай иш тутиши ҳақида гапирмасангиз ҳам бўлади.
- Насронийлар кироли Геракл Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатлари ҳақида: У хиёнат қиладими? — дея савол бериб, Қурайш қабиласининг кофир сардорлари: Йўқ, деб жавоб беришганида, Ўзи шундай, пайғамбарлар хиёнат қилмайдилар! — деган эди (Имом Бухорий, 7).
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи рафиқаси Хадича разияллоҳу анҳога нисбатан ўта вафодорлик қилди. Унинг ҳаётидаги ўрни ва ролини қадрлаб, дугоналари ва қариндошларини доимо сийлаб туришга рағбат кўрсатди.
- Рафиқаси Оиша разияллоҳу анҳо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлиқнинг илк даврларида оламдан ўтган ва Оиша разияллоҳу анҳо танимаган рафиқаси Хадича разияллоҳу анҳога қанчалар вафодорлик қилганини ҳикоя қилар экан шундай деди: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хадичани кўп эслар, бирон қўй сўйсалар, уни парчалаб, Хадичанинг дугоналарига юборар, (буни кўргач) баъзида: Бу дунёда Хадичадан бошқа хотин йўқ экан-да! — деб кўяр эдим. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса: «У бундай эди! У ундай эди!» — деб Хадичанинг хусусиятларини мактаб тилга олар эди (Имом Бухорий, 3607).

- (Илк мусулмонларни ўз ҳимоясига олган Эфиопия кироли) Нашожий (Негос)нинг элчилари келганида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзи уларга хизмат қилди. Унга саҳобалари: Сиз ўтиринг, ўрнингизга биз хизмат қилайлик! — деса: «**Улар асҳобларимга иззат кўрсатишган. Шунинг учун, мен ўзим уларни сийлайман!**» — деди («Шуъбул иймаан», 8704).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида Аллоҳнинг амрларини ижро этиб ва ўзидан аввал яшаб ўтган пайғамбарларга эргашиб, гўзал ахлоқнинг ҳайратомуз намуналарини кўрсатди.

Пайғамбар масжиди. Муҳаммад пайғамбар ушбу масжидни Мадинада, яъни мусулмонлар номлаганларидек, Мадинаи Мунаввара шаҳрида қурган. Мадина шаҳри аҳамият эътибори билан Маккадан кейинги иккинчи муқаддас шаҳардир. Муҳаммад пайғамбар бу шаҳарга ҳижрат қилиб, у ерда ўз масжидини қурган ва шу шаҳарга дафн қилинган. Бу шаҳарни ҳар йили миллионлаб мусулмонлар зиёрат қилишади.



Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг гапларидан қатралар

Мусулмонлар

Мусулмонлар Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг гапларини эшитиб ва ёзиб нақл қилишга катта эътиборни қаратдилар. (Минглаб ҳадисни ёддан билган) ҳофиз ва уламолар Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг гапларини ёдлаш, таҳрир қилиш, Унинг айтгани ёки айтмаганини, Унинг гапларига қўшилган ва ундан бўлмаган жумла ва сўзларни аниқлаш борасида дунёда бўлмаган тартибни жорий қилиб, ўзаро беллашдилар.

Қуйида Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам айтган айрим ҳадисларни нақл қиламиз:

- «Амаллар ниятларга қўради ва ҳар бир кишига қилган нияти бўлади» (Имом Бухорий, 1).
- «Эзгулик — гўзал ахлоқдир. Гуноҳ эса, қўнглингда шубҳа уйғотган ва одамларнинг билиб қолишини хоҳламаганинг нарсадир» (Имом Муслим, 2553).
- «Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳдан қўрқ! Ёмонлик ортидан яхшилик қилсанг, уни ювиб кетади! Одамларга гўзал ахлоқ билан муомала қил!» (Термизий, 1987).
- «Дунёда зоҳид бўлки, Аллоҳ сени суйсин! Одамлар қўлидаги нарсалардан беҳожат бўлки, одамлар сени суйсин!» (Ибн Можа, 4102).
- «Мен билан, мендан аввал яшаб ўтган пайғамбарларнинг мисоли чиройли уйни қурган, бироқ бир ғишт ўрнини ташлаб кетган одамнинг мисолига ўхшайди. Одамлар у (уй) ни ҳайрат билан айланиб кўришар экан: Шу ғиштни қўйилса бўлмасмиди? — дейдилар. Ўша ғишт менман! Мен — пайғамбарларнинг охиргисиман!» (Имом Бухорий, 3342).
- «Ким бир мўминнинг дунё мусибатларидан бирини енгиллатишга қўмакчи бўлса, Аллоҳ унинг Қиёмат кундаги мусибатларини йўқ қилишда ёрдамчи бўлади. Ким қийналган одамнинг ишини енгиллаштиради, Аллоҳ унинг дунё ва охирадаги ишларини енгиллаштиради. Ким бир мусулмонни(нг заифлиги ва сирлари) ни сақласа, Аллоҳ уни(нг заифлиги ва сирлари)ни сақлайди. Модомики, банда биродарига ёрдамда бўлар экан, Аллоҳ унга ёрдам қилади. Аллоҳ илм қидириб йўлга тушган одамга жаннат сари йўлни осон қилади. Қилган амали нуксонли бўлган одамга наслу насаби фойда бермайди» (Имом Муслим, 2699).



«Кичикларимизга шафқат кўрсатмаган ва кексаларимизнинг ҳаққини танимаган одам биздан эмасдир!» (Термизий, 1920).



«Иймон келтирмагунингизча жаннатга кира олмайсизлар. Бир-бирингизни яхши кўрмагунча мўмин бўла олмайсизлар. Бир-бирингизни яхши кўришингизга сабаб бўладиган ишни айтиб берайми? Ўртангизда салом беришни ёйингиз!» (Имом Муслим, 54).

- «Бировингиз дўстига ўзи учун суйган нарсани суймагунча, (комил) мўмин бўла олмайди» (Имом Бухорий, 13).
- «Мусулмон — мусулмонлар унинг тили ва қўлидан хотиржам бўлган кишидир. Муҳожир эса Аллоҳ таъқиқлаган нарсаларни тарк этган одамдир» (Имом Бухорий, 10).
- «Мен ғайри муслимга зулм қилган ёки уни қучи етмайдиган ишларга жалб қилган ёхуд уни рози қилмай ҳаққини олган одамга қарши Қиёмат кунда даъвогар бўламан» (Абу Довуд, 3052).
- «Шафқат қилганларга Раҳмон (Аллоҳ) раҳм қилади. Ер юзидаги жонзотларга раҳм қилингизки, сизларга кўклардаги Зот раҳм қилсин!» (Абу Довуд, 4941).
- «Қаллоблик қилган биздан эмасдир!» (Термизий, 1315).
- «Мўминларнинг ўзаро севги, шафқат ва меҳрибонликларидаги мисоли тананинг мисолига ўхшайди: унинг бирон узви касал бўлса, бошқа узвлари бедорлик ва иситмада ҳамдард бўлади» (Имом Муслим, 2586).
- «Ҳар бирингиз бошқарувчи ва ҳар бирингиз жавобгарсиз. Имом бошқарувчи ва (қўл остидагилардан) жавобгардир. Эркак оиласига бошқарувчи ва (қўл остидагилардан) жавобгардир. Аёл эрининг уйида бошқарувчи ва (қўл остидаги нарсалардан) жавобгардир. Бас, ҳар бирингиз бошқарувчи ва (қўл остидаги нарса ва кимсалардан) жавобгардир» (Имом Бухорий, 4892).
- «Мўминларнинг иймони тўқис бўлганлари, ахлоқи гўзал бўлганларидир. Сизларнинг яхшироғингиз рафиқаларига яхшилик қилганларингиздир» (Термизий, 1162).

- «Сизларнинг яхшироғингиз рафиқасига яхшилик қилганидир. Мен эса ичингизда рафиқамга энг яхши яхшиликларни қиладиганингизман!» (Термизий, 3895).
- «Аллоҳ барча ишда ҳалимликни суяди» (Имом Бухорий, 5678).
- «Ҳалимлиги бўлмаган одам яхшиликлардан маҳрум бўлади» (Имом Муслим, 2592).
- «Мунофиқнинг аломати учтадир: Гапирса, ёлғон гапирди; ваъда қилса, гапининг устида турмайди; омонат қўйилса, хиёнат қилади» (Имом Бухорий, 33).
- «Киши исломининг гўзаллиги — фойдасиз нарсалардан воз кечишидир» (Термизий, 2317).
- «Биров йўлда кетар экан қаттиқ чанқаб, бир қудуқни топди ва унга тушиб, (сув) ичиб чиқди. Қараса, бир ит чанқоқнинг қаттиқлигидан тупроқ ялаяпти. Буни кўргач, у (ўзича): Чанқоқлик бу итда мендагидек даражага етибди! — деб қудуқка тушиб чормуғини сувга тўлдириб олиб чиқиб, итни суғорди. Натижада, Аллоҳ унга миннатдорчилик билдириб, гуноҳларини мағфират қилди». Саҳобалар: Ё Расулulloҳ, ҳайвонларда ҳам бизлар учун савоб борми? — деб сўраганларида: «**Барча нам жигар эгаси** (тирик жон) **да савоб бордир!**» — деб жавоб берди Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Имом Бухорий, 2466).

Қуръон Аллоҳнинг пайғамбари Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни қандай васфлади?

Қуръони карим бизга Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шахсиятининг ажойиб тарафларини, атрофидаги одамлар билан қандай муомала қилгани ҳамда унинг ахлоқи, табиати ва инсонийлиги бир оннинг ўзида қандай намоён бўлганини тасвирлаб берди.

- Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам нафақат мусулмонлар, балки бутун инсоният учун раҳматдир (Анбиё: 108).
- Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам муҳташам ахлоқ эгасидир (Қалам: 5).
- Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни Аллоҳнинг йўлини топишларига интилар ва уларнинг залолатларини кўриб ўқинар эди. Ҳолбуки, Қуръони каримнинг кўп жойларида унинг вазифаси чақириш ва етказиш экани ҳамда Аллоҳ хоҳлаган бандасинигина Тўғри йўлга солиши таъкидланган (Худ: 12, Анъом: 107, Каҳф: 110).
- Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқаларни авф қилиш учун баҳоналар қидирар ва хатоларини кечирар эди (Тавба: 43).
- Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъқиқланганига қадар ўз душманларини авф этиши учун Аллоҳга дуо қилар эди (Тавба: 80).
- Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга мўминларга оғир келган нарса оғир келар ва уларга ўта меҳрибон эди (Тавба: 128).
- Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айрим одамларнинг уйларида чикмаслигидан кийналар ва уларга буни айтишига ҳаё ғов бўлар эди (Аҳзоб: 53).
- Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳалим ва кўнгилчан бўлиб, асҳобларига мулоийм муомала қилар, улар билан маслаҳатлашар, энг оғир ва кийин лаҳзаларда уларнинг фикрини олар эди (Оли Имрон: 159).



Қуръони карим Исломнинг мангу мўъжизасидир

Жаҳонда

Жаҳонда энг кўп сотилган ва тарқатилган
хамда бир ярим миллиард мусулмон
иймон келтирган Қуръони карим қандай
китобдир?

Муслмонлар Қуръони карим:

- Аллоҳнинг башариятни Тўғри йўлга йўллаш ва уларнинг йўлларини ёритиш учун нозил қилган муқаддас каломи;
- Нозил қилинган самовий китобларнинг охиригиси;
- Ўзгартиш ва ўзгаришлардан ҳимояланган;
- Аҳком ва шариатларини татбиқ қилиш билан ибодат қилишганидек, ўқиш ва ёдлаш билан ҳам ибодат қилинадиган китоб эканига иймон келтирадилар.

Қуръони карим Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам қирқ ёшга тўлганида, фаришта Жибрил алайҳиссалом воситасида нозил қилина бошлади. Унинг илк нозил бўлган ояти:

«Яратган Роббингиз номи билан ўқинг!» (Алақ: 1) эди.

Қуръон макон ва ҳодисаларга қараб 23 йил давомида нозил бўлган.


Қуръон мавзу ва услублари ўзаро фарқли бўлган 114 сурадан иборат бўлсада, уларни араб тили фасоҳати ва пурмаънолиги жамлаб, у одамларга ҳидоятни кўрсатиш ва Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилиш чақириқлари билан лиммо-лимдир.

Қуръон қамраган муҳим жиҳатлар:

1. Аллоҳнинг яқкалигини исботлаш ва унга шерик қилганларнинг ҳужжатларини пучга чиқариш.
2. Пайғамбарлар ва қадимги халқларнинг ҳикоялари.
3. Бепоён коинот, атрофимиздаги олам ҳамда саноксиз неъматлар ҳақида тафаккур қилишга чорлов.
4. Ислом қонуни, буйруқ ва таъқиқларини тушунтириш.
5. Мўминларнинг сифатлари, ахлоқларини баён қилиш ва ёмон сифатлардан огоҳлантириш.
6. Охират, яхшилик қилганларга бериладиган мукофот ва ёмонлик қилганларга бериладиган жазолар ҳақида маълумотлар.
7. Мўминларни Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам ва саҳобалари дуч келган ҳодисалар воситасида тарбиялаш.

Қуйидаги сатрлар Қуръони каримнинг айрим хусусиятларидан дебочадир.

Илк ўлароқ нозил бўлган Қуръон ояти **«Яратган Роббингиз номи билан ўқинг!»** оятидир. Қуръон турли ҳодиса ва муносабатларга кўра 23 йил мобайнида бўлак-бўлак нозил бўлган.



Муҳофазадаги мўъжиза

Аллоҳ таоло кўнгилларнинг ёдида сақланган ва тиловат қилинганига ишора қилиб, охириги китобини «Қуръон» деб атади ҳамда унинг ёзилиши ва ёдда сақланишига ишора қилиб «ал-Китоб» деб ҳам номлади. Ҳақиқатан, Қуръон икки тарафлама ҳимоя қилинди. Бирон оят нозил бўлса, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузуридаги саҳобалар томонидан ёзилар, унинг оғзидан ёд олинар, ўша ёзилган имлога тўғри келмаса, тиловат қилган қорилар ва ёзган котиблар сони қанчалар бўлмасин, нотўғри ҳисобланар эди. Яъни, бутун Қуръони карим Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг оғзидан ёзиб олинган эди.

Айни пайтда насроний олимлар Инжилдаги зиддиятларнинг котиблар ёзиб олган манба ва тарихлар фарқли бўлгани боис, мавжуд эканини эътироф этадилар. Шундай бўлсада, улар Инжилларда башарият учун етарли ҳидоят мавжудлигига ишонадилар.

Аслида эса, инсофли изланувчи Қуръони каримнинг ўзаро зиддиятли ва фарқли нарсалардан бутунлай холи эканига шохид бўлади. Чунки Қуръони карим ўз лафзи ва маънолари билан Аллоҳ таоло тарафидан келган, уни ваҳий нозил қилинган Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг оғзидан ёзиб олинган, ёзиб олинган нарсага эса бирон нарса на қўшилган ва на ундан бирон нарса олингандир. Шу боис, муслмонлар мазҳаб ва фикрлари фарқли бўлсада, Қуръоннинг ҳар сўзи Аллоҳнинг каломи эканида яқдилдирилар.



Қуръони каримни асрлар оша энг юксак даражада ёдлаш, ёзуви ва талаффуз услуби ҳамда Қуръон шаклида ёзиш йўлларида бирон харф камайтирилмай ва бирон ҳаракат қўшилмай пухталиқ ва диққатлик ҳамда кўнгилларда ёдлаш билан муҳофаза қилинди ва бизларга етиб келди.

Шу боис, Қуръоннинг бирон нусхасини узоқ Хитой ёки Африка ўртасида бундан минг йил илгари ёзилган ва жаҳон музейларининг қайсидир бирида сақланаётган Қуръон қўлёзмасига таққослаш учун сотиб олса, хайратомуз ҳақиқатни, харфлари ва сўзларининг нутқи ҳамда ўқиш қоидалари қуниимиздаги индонезиялик болақайдан тинглаган Қуръон билан, бундан минг йил илгари Маккада яшаган олим ўқиган Қуръон орасида замон ва тиллар хилма-хиллигига қарамай, бирон фарқ йўқ эканини кашф қилади. Ҳолбуки, Қуръонда шундай дейилган:

«Агар Қуръон Аллоҳдан бошқасининг ҳузуридан (келган) бўлса эди, кўплаб ихтилофларни кўришган бўлар эди» (Нисо: 82). Зеро, Аллоҳ таоло Қуръонни муҳофаза қилишга кафил бўлган:

«Дарҳақиқат, Қуръонни биз нозил қилдик ва уни Биз муҳофаза қиламиз» (Ҳижр: 9).



Қуръондаги баён қилиш ва руҳий тарбия мўъжизаси

Қуръонни диққат билан ўқиган одам унинг ўқувчисига бевосита ва шахсий хитоб қилишини, баҳс ва қарши келишдан тўхтамаганини ҳис қилади. Бундан ҳам ажабланарлиси, Қуръон одамнинг фикрларидан илгари юради ва уни гўё ўзига ўзи ошкор айтишидан илгари ўқиганидек, бир тарафга йўллайди!

Рассом, қараётган одам қаяққа кетмасин унга боқиб турган кўзларни чиза олади. Шундай экан, маданий савиялари ва ҳаёт шартлари фарқли бўлишига қарамай ўқувчисининг фикрларини ўқий оладиган ва беришидан илгари саволларига жавоб берадиган китоб ҳақида нима дейсиз?!

Қуръони карим, илк лаҳзаларда шафқатсиздек туюлсада, инсон туйғуларига ташҳис қўйиш, унинг сирларини очиш ва заиф жихатларини баён қилишда ҳайратомуз услубга эгадир. Қуръон бу услуби билан ақл ва кўнгил, гоҳида ўзлари учун оғир кўргани боис жавоб топа олмаган саволларни бериб, одамзотни огоҳлантирмоқчи бўлади...

Ичимиздан бири Қуръонни ўқиб, унда ҳикоя қилинган одамлар қисса ва тавсифларини кўрар, уларнинг фикри, руҳияти, интилиши, баъзиларининг залолат ва бошқаларининг нажотга эришганидан воқиф бўлар экан, илк онданоқ ўзига назар ташлаб, ўзини сарҳисоб қила бошлайди. Оят, ўрнатма ва тасвирлар сони ортиб, ўз таъсирини кучайтириб, кўнгилларни сездирмай ўз оғушига ола бошлайди. Натижада, Қуръони карим нафсининг ҳақиқати, айбу нуксонлари, имконият ва фурсатлари кўринадиган ойнасига айланади. Бунинг оқибатида ўқувчининг нафси ларзага келиб, «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ!) дея итоат этади.

Шунинг учун ҳам Қуръонни англаган одамни бошига ноумидлик келса, ушбу оятни ўқийди:

«(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Менинг ўз жонларига жиноят қилган** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) бандаларимга айтинг: **«Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта, Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар: 53).

Ички дунёсида курашни ҳис қилган, ҳайрон қолган ва таянилажак ва паноҳ беражак зотни излаган пайтида эса, Аллоҳнинг ушбу қавлида лутфни кўради:

«**Агар бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар** (айтинг): **Мен — яқинман ва дуо қилган одамнинг дуосини дуо қилган пайтида ижобат қиламан. Бас, улар ҳам Менга ижобат қилиб, Менга иймон келтирсинлар. Шояд, улар тўғри йўлни топарлар»** (Бақара: 186).

Ҳаёти издан чиқиб, уни бошқаришга кучи етмай, боши оққан томонга кета бошлаганида Қуръондаги Аллоҳнинг сўзларида шифо ва катта ёрдамчи бўлган ушбу малҳамни топади:

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг Хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!» (Бақара: 286).

Кўзга кўринган маданият муаррихларидан бири бўлган Вилл Дьюрант (Will James Durant) (05.11.1881 – 07.11.1981) инсофли одамлар орасида Қуръоннинг таъсири ва ўрни бор эканини эътироф қилиб айтди:

«Қуръонга ўтмиш ва ҳозирги асрларда яшаган ва яшаётган кўплаб табиий фанлар олимлари, жумладан, оқил ва мутафаккир одамлар ҳам иймон келтирдилар. Чунки Қуръон барча қабул қила оладиган очик ва ҳақиқий — енгил, ноаниқликларни бўлмаган, маросим ва анъаналардан йироқ, бутпарастлик ва роҳибликдан озод қилувчи эътиқодни олиб келган...

Исломи дини одамларни ҳаёт машаққатларидан қочмаслик, унинг юкини шикоят ва малолланмай кўтаришга ўргатиб, динни танитди ва диннинг чегараларини кўрсатди. Шу боис, насроний ва яҳудий ҳам бу соғлом эътиқодни қабул қилиш қаршисида бирон ғовни кўрмади. Зеро:

«Юзларингизни Машрик ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадойларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо қилиб, зақотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан, оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар» (Бақара: 177)» («Цивилизация ҳикояси» 13/68–69).

“

Вилл Дьюрант шундай дейди: «Ақлий ва фикрий савиялари фарқли кўплаб олим ва мутафаккирлар Қуръонга иймон келтиришди. Бунинг сабаби, Қуръоннинг барча қабул қила оладиган очик, ҳақ, қулай ва равшан эътиқодни олиб келганидир».

An open book, likely the Quran, rests on a dark wooden stand in the center of a long, carpeted hallway. The hallway is flanked by white columns and arches, with bright light streaming in from the far end, creating a warm, golden glow. The carpet has a traditional geometric pattern. The overall atmosphere is serene and contemplative.

Қуръон қаердан келган?

Мусулмонларнинг муқаддас Китоби ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида гап кетар экан, инсон ҳаёлига беихтиёр ушбу мантиқий савол келади: Биз нега мусулмонларнинг бу мавзудаги ривоятларини қабул қилишимиз керак? Бу ҳақда савол беришга ҳаққимиз йўқми?

Муаррихлар Қуръони каримнинг милодий олтинчи асрда Макка шаҳрида дунёга келган ва исми Муҳаммад ибн Абдуллоҳ бўлган саводсиз араб одамга келганига яқдил фикр билдирганлар ҳамда тарихий гувоҳлар бошқа ҳодисаларга бунчалар кўп далолат қилган эмас. Зеро, Қуръонни ўқир эканмиз, унинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз китоби эмаслиги, аксинча, Аллоҳ тарафидан унга ваҳий қилингани, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вазифаси етказиш ҳамда оширмай ва камайтирмай баён қилиш эканини пайқаймиз.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръонни ўзи тўқиб ёки ундаги маълумотларни бошқалардан ўрганиб, сўнгра ўзи қайта ишлаб, одамларга тақдим қилган пайғамбар бўлиши мумкинми?!



Ислом пайғамбари агар ўз нуфузини сўзларини Аллоҳга нисбатлаш хийласи билан ёйишни истаган бўлса, нега энди бутун сўзларининг Аллоҳ тарафидан келган эканини иддао қилмади?!

Агар одам Қуръон ҳақида маълумотга эга бўлмаган, уни ўрганмаган, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таржимаи ҳоли ва ҳаётидан хабардор бўлмаган бўлса, бундай савол унинг ҳаёлига келиши мумкин.

Тарихий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, талайгина адиб ва мутафаккирлар бошқаларнинг изидан кетиб, уларнинг асарларидан ўғирлаган ва уни ўзига нисбатлаган. Хўш, нега бировлар бошқаларнинг ақл маҳсулларини ўзлариники қилиб олишади?!

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга нисбат бериш билан одамлар устида ўз нуфузини ёйишни мақсад қилган эди, — дея тушунилса, ушбу ҳақли савол туғилади: Унда нега Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча сўзларини (ўзига эмас) Аллоҳга нисбатлади?!

Қуръонга кўз югуртирар эканмиз, унинг кўп жойида, хабарчи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга дашном бераётгани, унга йўл кўрсатиб, хатоларини тузатаётганини кўраемиз. Шундай экан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Қуръонни ёзиб ёки ихтиро қилиб, жамиятдаги нуфузи, обрўси ва мартабасини ошириш учун Аллоҳга нисбатлаши мантиққа тўғри келади?!

Ҳолбуки, Қуръони карим дашном берар экан, оми ва обрўли инсонларни айирмаган. Бинобарин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга оилавий ҳаётидаги муаммолари, раҳбарлик қарорлари, ҳатто одамларни чақириш услубларида ҳам қатор дашномларни берган!

Масалан, саҳобалардан бири бўлган кўр одам Қурайш сардорларини мусулмон бўлишлари илинжида Ислом динига чакираётган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига кириб келди. Аъмо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уларни даъват қилаётганидан беҳабар бўлгани учун: Менга Аллоҳ сизга ўргатган нарсаларни ўргатинг! — деб такрорлай бошлади. Бу ҳолатдан

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам аччиқланиб, пешоналари тиришди. Шундай бўлсада, аъмонинг даъватни тугатгунича жим туришини хоҳлаб, ундан юз ўгириб, саволларига жавоб бермади. Қуръон замоннинг бу лаҳзасини «тасвир»га олиб, тарихга ёзиб, вазиятни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешонасини қандай тириштириб, аъмога нега жавоб бермаганини очиклаб тасвирлади. Қуръон бу билан кифояланмади, балки Қуръоннинг бир бўлаги бўлган сурада мазкур ишни қайта такрорламаслиги учун очик ва кучли тавсияда бўлиб, қилинган дашномни ҳам баён қилди. Ўша сура мазкур ҳодисани эсга олиш учун «Абаса» (Пешонасини тириштирди) дея номланди. Шу боис, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурига ўша аъмо саҳоба келганида: «Роббим менга дашном беришига сабаб бўлган одам, хуш келибсиз!» — дер ва унга ўтириши учун ридосини ёзар эди.

Қуръон бизга бировимиз одамлар ичида айтилишидан нафрат қилганимиз талайгина йўлланма ва дашномларни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтилганини исботлаб турибди. Айтингчи, бирон мансаб ёки шарафни истаган одам бундай нарсаларни ва ўз хатоларини тарих солномасида ёйиши ёки ёзиб қолдириши мумкинми?!

Ҳатто тарих шунга ҳам шохидлик қилмоқдаки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаёти давомида кўплаб қийин онларни бошидан кечириб, Аллоҳ таолодан унинг гапларини тасдиқлаб, ҳолати ва рафикасининг ҳолатини оқлаб ваҳий келишини кутган ва ваҳий ҳам ҳадеганда келавермаган эди...

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши бўлган қабиладошлари унга қарши олиб борган курашларида фойдаланиш учун бошқа эски дин намояндаларининг олимларидан ёрдам сўрашди.

Улар Муҳаммаддан учта нарса ҳақида сўраб кўринглар, агар жавоб бера олса, у пайғамбардир, жавоб бера олмаса, пайғамбар эмасдир, — дедилар. Улар саволларни бердилар ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: Сизларга эртага жавоб бераман! — деган жавобини олдилар.



Қуръон Муҳаммад пайғамбар учун, ичимиздан бири одамлар олдига ўзига қарши айтилишини хоҳламаган кўплаб танбех ва йўлланмаларни тилга олган.



Аксига олиб бир неча кун ўтсада ваҳий келмади. Душманлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдида ўтишар экан жавоб бера олмагани учун унинг устидан истеҳзо қилиб кулишар эди. Бундан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайғуга ботди. Орадан ўн беш кун ўтгачгина саволларга бериладиган жавобни ўз ичига олган ваҳий келди. У ваҳий ичида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзига ҳам: Эртага бирон нарсани қилмоқчи бўлсангиз, Аллоҳнинг хоҳиши билангина аниқ қилишингизни айтинг. Акси тақдирда, айтманг! Ваҳийнинг кечикиши Аллоҳнинг сизга беражак ушбу таълими туфайлидир, деган мазмундаги қуръоний тавсия ҳам келди.

Такрорий айбловлар

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳикояси ва ҳаёти унинг ростгўй эканига очиқ далил экани ҳам, ҳайратомуз нарсалардан биридир.

Ҳаётининг қирқ йилини ўқиш ва ёзишни билмаган халқ орасида тирикчилик: чўпонлик, савдогарлик билан шуғулланган, олимлар эмас, қабиладошларининг фиску фужур бўлмаган давраларидагина иштирок этган саводсиз бир одамнинг бирданига на қабиладошлари ва на уларнинг ота-боболари билмаган нарсаларни тилга олиши, ҳаётнинг бошланиши, аввалги пайғамбарлар тарихи ва ҳаётларининг тафсилотларини ҳамда ҳаётнинг бутун жаҳасидаги шаръий қонунларни айтиб бериши, ҳайратли эди!


Бу ҳақиқатлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабиладош душманларига катта

Иш аввалги пайғамбарлар алайҳимуссаломга ҳам шундай бўлган эди: душманлари айблайдиган ҳужжат топиша олмаган пайтларида, уларни сеҳргар ёки мажнун, дея иддао қилишган эди.

зарба бўлиб тушди. Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган таълимотларни нима деб аташ ҳақида ўйланиб қолишди: Хўш, одамларни узок тутиш учун қандай айблов муносибдир?

Қуръонни Муҳаммаднинг ихтироси деб айтиш мантиқдан узок. Буни Қуръонни ўқиб, у ҳақида тафаккур қилган одам осонлик билан тушуниб олади. Унинг бировлардан таълим олганини айтиш ҳам мумкин эмас. Чунки унинг биз билан бирга яшаётгани ва турмуш тарзи ҳаммага аён...

Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни бир нарса билан ҳам, унинг зидди билан ҳам айблаб кўрдилар. Ҳатто бир марта: Муҳаммад бу хабарларни ўзидан аввал яшаб ўтган одамлардан олган, деб ҳам, ўзи тўқиб олган нарсалар, деб ҳам кўришди. Ҳатто, У тушида кўрган тушларини айтиб валдираяпти, дейишди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақидаги гапларини исботлай



олишмаса, У — жодугар ёки шоир ёхуд ақлини йўқотган телбадир! — деб ҳам айтишди!


Бу аини ҳикояни фарқли номлар билан исмлаш эди. Ахир Мусо алайҳиссаломни жодугарлик, Ийсо алайҳиссаломни эса телбалик билан айбланмаганмиди?!

Аввал яшаб ўтган бутун пайғамбарларнинг душманлари уларни айблайдиган сўз топа олишмаганлари маҳал, жодугар ёки телба дея тухмат қилишган. Ёлғондакам гувоҳ бўлган одамнинг шохидлиги доимо беқарор бўлиб, ҳужжатлари асоссиз бўлади-да, гапларини «исботлаш» учун асоссиз нарсаларни оғзига олиб валдирайверади. Кошки бу билан устивор ерни топа олса. Ҳеч қачон топа олмайди!

Нега Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётини истеъдоддангина иборат дея олмаймиз?

Ҳамма яхши биладики, Аллоҳ таоло инсон ақлига ҳаёл қилиш ҳам қийин бўлган кўплаб имкониятларни қўйган. Шундай бўлсада, унинг ҳам ишлаш майдони чекланган бўлиши табиийдир. Зеро, ақл Қудратли, Яратувчи Парвардигор борлигига, бу Парвардигорнинг адолати ҳар бир банда яхши ёки ёмон ишлари учун тақдирладиган бошқа ҳаёт борлигини тақозо этади. Шундай экан, инсон ақли далил ва ҳужжатлари бўлмаган тафсилотларни исбот этишга қодир бўла оладими?

Қуръонни ўқиган пайтимизда унинг бизга иймон сарҳадларини муфассал шарҳлагани, яратилиш қандай бошланиб, қандай тугашининг, жаҳаннам, жаҳаннам



азоблари қандай, дарвозалари нечта эканининг, ваколатли фаришталар сонининг тафсилотларини қандай тавсифлагани, коинот ва инсон ҳақиқати ҳақидаги муфассал ечимларни кўрсатиб берганини ҳамда бу тафсилотлар қайси ақлий назарияга асосланган эканини баён қилиб берганига шохид бўламиз.

Бу тафсилотларнинг барчасини инсоннинг ақлу заковати топа олмайди. Аксинча, инсон ақли бу нарсалар ҳақида ё ёлғон ёки ботил ёхуд тахминларнигина тушуниши мумкин. Шу боис, бу тафсилотларни ўрганиш ва Аллоҳ тарафидан кўрсатиш билангина аниқ билиш мумкин.

Маълумки, замонавий фан коинотдаги айрим ҳақиқатларни кашф қилдики, уларнинг биронтаси Қуръони карим ва бошқа самовий китоблар хабар берган ғайб ҳақиқатларига зид келмади.

Қуръон қадимги китобларнинг янги шаклими?

Бир оз тўхтаб, ўйлаб кўрайлик, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръонда мавжуд бўлган маълумотларни ўзидан аввал яшаб ўтган пайғамбарлар келтирган китоблардан олган бўлиши мумкинми?

Биз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўқиш ва ёзишни билмаган саводсиз, болалик чоғида қилган сафарлари асносида қариндошлари ҳузурида қисқа давом этган учрашувлардан бошқа бирон марта ҳам қадимги китоблардан хабардор бўлган одамлар билан кўришмаган, китоб ахли ҳам ўз китобларида мавжуд бўлган ҳақиқатларни яширишган, жамиятдаги мартабаларини ҳимоя қилиш учун ўзлари билишни афзал кўришган ва халқ олдига ташланмаган, қавмининг аксарияти эса ғирт оми экани ҳақида тарихий ҳақиқатлар исбот этган маълумотларни четга суриб турсак, тадқиқот олиб бораётган ҳар бир одамнинг олдида ушбу ҳақиқат намоён бўлганига гувоҳ бўламиз: Қуръони қарим ўтмиш самовий китобларда мавжуд бўлган барча нарсалар мувофиқ бўлмаган.

Аксинча, у эски руҳонийлар мазкур китобларга қўшиб ташлаган айрим нотўғри маълумотларни тузатиш, баъзи ҳикояларнинг камчилигини тўлдириш, руҳонийлар яширган маълумотларни очиб ташлаш, пайғамбарлар таълимотига сиздирилган ва уларга алоқаси бўлмаган эътиқодий ва ахлоқий залолатларни баён қилиш учун келди (Қуръон бундай мисолларга бойдир). Шундай экан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша руҳонийларга шогирд ёки уларнинг билимларидан фойдаланган бўлиши мумкинми?!

Ҳал қилувчи тарихий ҳақиқат

Инсофли тадқиқотчининг фикр юритиш учун узоқ вақтга эҳтиёжи йўқ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг миллати араб эмасмиди?

Тарих бизга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам маснуб бўлган араблар фасоҳат ва балоғат илмидан бошқа фахрланадиган бирон фанга эга бўлмагани, уларнинг санъати шеър ва адабиётда бўлгани, улар адабиёт ва шеърят учун кеча ва маросимлар ўтказишгани, бир қабиланинг обрўси айтилган қасида билан ё кўкларга чиққани ёки ернинг тагига кирганини ҳикоя қилмоқда!

Тарих ва адабиёт асарлари шуни ҳам кўрсатмоқдаки, бирон шоир ва адиб машҳур асарини қолдирса, кейинги шоир ва адиблар унинг асарининг нуқсонларини тузатишар, иловалар қўшишар, ўз йўли билан раддиялар беришар эди. Бу уларнинг мусобақа ҳамда куч ва истеъдодларини кўрсатиш майдони эди.

Шунинг учун ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам кураш майдонида айблаш ва интиқом олиш учун бор кучини аямайдиган энг ашаддий душманларидан бирини Қуръондек ёки Қуръоннинг бир сурасидек нарсани айтиб беришга чақирди ва у лом-мим дея олмади, аксинча, мунозарадан қочишга ёки жим қолишга ҳаракат қилди!

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу чақириқ билан душманларининг энг устамонликлари ва билимдонликлари намоён бўладиган истеъдодларини кўзгаб, ўзи олиб келган таълимотларни «пуч»га чиқариш учун шоир ёки адиблар жамоасини чақиришларидан қўрқмасмиди?!

Фотиҳа сураси:

Ушбу сурат Қуръондаги энг муаззам сурат бўлиб, мусулмон ҳар намозида уни такрорлайди.

Фотиҳа сурасининг қисқача маъноси қуйидагичадир:

	Фотиҳа сурасининг маъноси
Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм	Одоб ва таъзим ила Аллоҳнинг номи билан бошлайман. Аллоҳ — барча нарсани ўз ичига олган раҳму шафқат билан сифатланган.
Барча оламлар Робби бўлган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.	Аллоҳга муҳаббат ва таъзим ила бутун сифатлари, ишлари, ошкор ва махфий неъматлари билан мақтовлар ёғдираман.
(Бу дунёда кофиру мўминларга) Раҳмли, (охиратда эса фақатгина мўминларга) Меҳрибон...	Бутун шафқат маънолари, ҳолатлари ва маконлари билан сифатланган Аллоҳ, Коинотдаги барча нарсани ўзига олган раҳмат-шафқат билан ҳам, мўмин бандаларигагина хос бўлган меҳрибонлик билан ҳам сифатлангандир.
Қиёмат кунининг Эгаси...	Жазо ва мукофот кунини бошқарувчи эга.
Сенгагина ибодат қиламиз! Сендангина ёрдам сўраймиз!	Эй Роббимиз, ибодатни фақат Сенгагина қиламиз ва ибодат турларида Сенга бировни шерик қилмаймиз! Барча ишларимизда Сендангина мадад сўраймиз! Чунки, барча иш Сенинг қўлингда бўлиб, бошқа биров унинг заррасига ҳам эга эмасдир!
Бизни Тўғри йўлга йўлла!	Аллоҳим, бизга Тўғри йўлни кўрсат ва Сен билан учрашганимизча унда муваффақ ва устивор қил!
Инъом қилганинг одамларнинг йўлларига...	Сен ҳақиқатни таниб, унга амал қилган ва ҳидоят устиворлик ато этганинг пайғамбар ва солиҳ бандаларнинг йўлларига...
Ғазаб қилинмаган ва адашмаган кишилар (йўлларига)...	Ўзинг ғазаб ва нафрат қилган кимсаларнинг йўлларидан бизни узоқ қил, бизга нажот бер! Чунки улар ҳақиқатга била туриб эргашмадилар. Ҳақиқатни излашда сусткашлик қилганлари ва ҳақиқатдан жоҳилликлари боис адашган кимсаларнинг йўлларидан (бизга нажот бер)!
Омийн!	Аллоҳим, (бу дуони) ижобат қил!

Яна шуни ҳам фараз қилиб кўрайлик: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам халкининг бу истеъдодини била туриб уларга бундай чақирикни қилишга қандай журъат қилди? У Қиёмат кунигача халқи ҳам, келгуси авлодлар ҳам гарчи бирлашсада Қуръондек ёки Қуръоннинг бир сурасидек нарсани келтира олмаслигини айтишга қандай жасорат қилди?!

Албатта, бу кўнгли бераётган хабарларига тўлган ва ишонган одамнинг сўзларидир. Дараклар айтилганидек амалга ошди. Қурайш ва ўша замонда яшаган етук шоирлар Қуръон каби китобни ёки унинг бирон бўлагини яратишга ўзларида журъат топа олмадилар. Бу — ўтмишдан кунимизгача келган аччиқ ҳақиқатдир. Бундай ишга тарих давомида қўл урган одам катта муваффақиятсизликка учраб, халқи орасида адабий масҳарага айланган.

Ҳамманинг сўнгги сўзи бор...

Энди ҳар биримиз, агар араб тилини билмаганлар бўлса, ўзига муносиб тилдаги таржимасини ўқиб, Қуръонни ўқиш, ўрганиш ва Қуръон оятлари ҳақидаги тафаккурдан вужудга келган тажрибаларимизга суяниб, Қуръон ҳақидаги ўз ҳукмимизни беришимиз керак.

Ҳолбуки, Қуръони каримни ўқиб ва ўрганиб кўрсак, унинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чин пайғамбар эканига далолат қилаётганига кўнглимиз ва ақлимиз билан ишонч ҳосил қиламиз. Буларнинг энг катта далилларида бири ушбу оятдир:

«Ахир уларга тиловат қилинаётган шу Китобни Биз сизга нозил қилганимиз улар учун етарли эмасми?! Албатта, бу (Китоб)да иймон келтирадиган қавм учун раҳмат ва эслатма бордир» (Анкабут: 51).

Ушбу оятда бутун инсониятнинг Қуръони каримни ўқиб, ўрганиш ва у ҳақда тафаккур қилишга чақирик бор. Бу чақирикка қалби ва ақлига қулф урилган одамларгина қулоқ солмайдилар (Муҳаммад: 24).





Исломдаги ибодатлар ва уларнинг ҳақиқатлари

А Аллоҳ бизнинг ибодатимизга муҳтожми?

Аллоҳ таоло бизнинг ибодат ва амалларимизга муҳтож эмас. Исломдаги нажот анъаналар, юзакичилик, молиявий солиқлар билангина эмас, аксинча, ҳаётда нафс ва сулуклар тараққиёти, инсон жамияти ва уни юксалтиш учун хизмат қилишга айланган Аллоҳга чин таважжух ва иймон билангина амалга ошади.

Аллоҳ бизнинг ибодатимизга муҳтожми?

Аллоҳ таоло бизнинг ибодат ва амаларимизга муҳтож эмас. Исламдаги нажот анъаналар, юзакчилик, молиявий солиқлар билангина эмас, аксинча, ҳаётда нафс ва сулуклар тараққиёти, инсон жамияти ва уни юксалтиш учун хизмат қилишга айланган Аллоҳга чин таважжуҳ ва иймон билангина амалга ошади.

Аллоҳ таоло айтди:

«Жин ва одамзотни Ўзимгагина ибодат қилишлари учун яратдим. — Мен улардан на ризқ ва на Мени тўйдиришларини хоҳламайман —. Дарҳақиқат, Аллоҳ — Раззоқ, Қучли ва Қудрат эгаси бўлган Зотдир» (Зориёт: 56 – 58).

Қибланинг қайси тараф эканини билмагани ёки у ҳақда шубҳалангани тўғрисида савол берган одамларга диннинг ҳақиқати иймоннинг садоқати, солиҳ амалларни қилиш, башариятга ёрдам бериш бўлиб, шарқ ва ғарбга йўналиш эмаслигини таъкидлаб, Аллоҳ шундай деди:

«Юзларингизни Машрик ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, Охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қўлларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқисадо қилиб, закотни берадиган киши ва ахдлашганларида ахдларига вафо қилгувчилар ва хусусан, оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар» (Бакара: 177).

Қуръон бизга яна бир бор ибодат ва диёнатда ҳаракатчан бўлиш ҳар бир кишининг ўзи ва кутулиши учун нажот, кофир бўлган кимса эса зарар кўрган ягона тараф бўлиб, Аллоҳ таоло биздан беҳожат эканини таъкидлаб шундай деган:

«Ким мужодала қилса — ўзи учун мужодала қилади. Аллоҳ эса бутун оламлардан беҳожатдир» (Анкабут: 6).



Айрим одамлар билмаганлари боис: “Намоз қибласи учун тўғри йўналиш қайси томондир?” — дея савол беришганида: “Диннинг ҳақиқати — иймон ва йўналиш садоқати, солиҳ амаллар ва инсониятга фойда беришдир. Ғарб ёки шарққа қуруққина йўналиш эмас”, — деб аниқ жавоб берилди.

Ислам рукнлари

Ислам рукнлари буюрилган муҳим ибодатлардан ҳисобланади ва улар:




Қўллик қилиш Аллоҳнинг ҳаққи эканлигига самимий ишониш, иқроқ бўлиш ҳамда Унинг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат этишдир. Бу «Ла илаҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадур Расулуллоҳ» (Аллоҳдан бошқа ҳақиқий илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг элчисидир) дея гувоҳлик бериш билан амалга ошади. (Қаранг: 30).



Беш вақт намоз ўқиш (Қаранг: 98).



Лойиқ бўлган одамларга закотни бериш (Қаранг: 102).



Рамазон ойи рўзасини тутиш (Қаранг: 104).



Молиявий ва жисмоний жиҳатдан қодир бўлган одамларга Каъбани ҳаж қилиш (Қаранг: 106).

Инсон нега синалади ёки унга нега мажбуриятлар юкланган?

Фаркли саволлар одамлар оғзидан тушмайди. Улар: Аллоҳ таоло ейишимиз учун оғиз, тиш ва ошқозон яратган бўлса, нега энди: Рўза тутинглар, — дейди? Биз учун гўзаллик ва шахватни яратган экан, нега энди: Кўзларингизни (шахватли қарашлардан) юминглар, покдомон бўлинглар! — дейди? — дейдилар. Ҳатто айримлари: Бошқаларга зулм қилиш таъқиқланган бўлса, бизга берилган кучнинг нима кераги бор эди? — дейишга ҳам журъат қилди.

Ҳақиқат шуки, иш исломий тасаввурда ўта равшандир. Аллоҳ таоло бу қудратни устимиздан ҳукм қилиши учун эмас, биз бу қудрат билан ҳукм қилишимиз учун берди. Аллоҳ сизга тулпорларни миншингиз ва бошқаришингиз учун берди. Улар сизни минши ва бошқариши учун эмас. Танамиз ва қувватларимиз бизнинг бошқаришимиз, тизгинлашимиз ва вақти-вақти билан, истаган жойимизда ва тўғри йўллар билан ишлатишимиз учун яратилган — тулпорларимиздир. Бунинг акси эмас.

Бундан маълум бўлмоқдаки, одамнинг ўрни ва устунлиги унинг шахватларига ҳукм қила олиши, нафсу хавосини бошқара олиши ва бу кучларни фойдали нарсаларга буришдаги қобилиятига боғлиқдир. Аллоҳ одамзотга бу имтиёзни бериб, имтиҳон майдонини тайёрлади. Ҳа, Аллоҳ, Қуръонда айтганидек, одамзотни шунинг учун яратди:

«Дарҳақиқат, Биз инсонни (вояга етганидан сўнг шариат таклифлари билан) имтиҳон қилгувчи бўлган ҳолимизда (оталик ва оналик сувларидан) аралаш бўлган нутфадан яратдик. Бас, уни (Бизнинг оятларимизни тинглаши ва оламдаги Бизнинг борлигимизга далолат қилиб турган аломатларни кўриши учун) эшитгувчи, кўргувчи қилиб қўйдик. Дарҳақиқат, Биз уни (инсонни) хоҳ у шукр қилгувчи-мусулмон бўлсин ва хоҳ кўрнамак-кофир бўлсин (тўғри) йўлга ҳидоят қилдик (яъни, шукр қилгувчилар Биз уларни ҳидоят қилган Тўғри йўлни — ҳақ динни маҳкам тутадилар, кўрнамак кимсалар эса ўзларига кўрсатилган Тўғри йўлдан юз ўгириб кетадилар)» (Инсон: 2 – 3).

Одамзот бошига келган мусибат ва қийинчиликлар, Аллоҳ таоло Қуръонда айтганидек, ўзимизнинг руҳий, ахлоқий ва иймоний вазиятимизни кўтариш, бу ҳақдаги ўз ўрнимиз ва мақсадимизни янгитдан эсга соладиган қўшимча синовлардир:

«Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)» (Бақара: 155 – 156).

Демак, дунё ҳаёти иймоний тараққиёт ёки чекиниш учун бизга имкон берилган катта майдондир. Аллоҳ таоло ҳидоят ва тузалиш учун такрор-такрор фурсат берган бўлсада, бизни уларга ҳеч қачон мажбур қилмади. Аксинча, танлов учун дарвозани ланг очиб, Ерни обод қилиш, башариятга фойдали бўлиш, хато ва ҳаракатларимиздан истифода этиш учун йўллади. Мақсад эса, тарафимиздан хато ва камчиликлар содир бўлгани маҳал Аллоҳга қайтишимиз эди. Шу боис, муҳтарам пайғамбар Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Агар гуноҳ қилмасангиз, Аллоҳ сизларни супуриб ташлайди ва гуноҳ қилгач тавба-тазарру қиладиган халқларни олиб келади: улар Аллоҳдан мағфират сўрайдилар, Аллоҳ уларни кечиради»,** — деган эдилар (Имом Муслим, 2749).

“

Инсоннинг мақоми ва юксаклиги унинг ўз шахватига ҳукм қилиши, нафсу хавосини бошқара олиши ва бу кучларни фойдали томонларга буришида яширингандир...

Балки бундан аввал бир ёки бир қанча мусулмонларни бир тарафга юзланиб, гўё атрофларидаги дунёдан бутунлай ажралиб қолганларидек, оёқда тик турганлари, эгилганлари ва сажда қилган хайратомуз кўринишларини бевосита ўз кўзингиз билан ёки оммавий ахборот воситаларида билвосита кўриб, бунинг ҳақиқати ҳақида сўроқлаган бўлсангиз ажаб эмас...

Мусулмонларнинг намози нимани ифода этади?

Намознинг Ислом динида катта аҳамияти бор. Чунки у Аллоҳ таоло пайғамбарига айтганидек, Аллоҳга яқинлик, дуо қилиш ва Унга итоат этиш йўлидир:

«Сажда қилинг ва яқин бўлинг!»
(Алақ: 19).

Шу боис, намоз — Исломнинг икки шаҳодат калималарини талаффуз қилгандан кейинги иккинчи руқнидир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **««Ислом беш нарса устига қурилган: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг элчисидир» — дея гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш ...»** (Имом Бухорий, 8).

Мусулмон намозида, бизга Ислом дини ўргатганидек, намозхоннинг қалбини тозалаши, ҳимматини тўплаши, туйғуларини марказлаштириши, Аллоҳга бўлган тазаррусининг чинлиги, қалбнинг Аллоҳга яқинлигини ҳис этиши — нафснинг хотиржамлиги ва ҳузурини ҳис этиши учун қилган ҳаракатига қараб савоб олади. Шу боис, намоз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётдан олган энг катта лаззати эди.

Бу ерда Қуръон бизни намозни оддий ўқиб қўйишга эмас, аксинча, тўқис ўқишга йўллайди. Чунки ҳақиқий тўқис ўқишда бутун аъзолар ақл, қалб ва руҳ билан бирга иштирок

этишади. Шундай қилсагина намозимиз яхшиликларни қилиши ва гуноҳлардан йироқ бўлишда бизнинг катта қўмақчимиз бўлади. Ҳолбуки, Аллоҳни ёдга олиш ва Унга илтижо қилиш — одамзот қилган ишларнинг мутлақ буюғидир.

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз ўзингизга ваҳий қилинган Китоб — Қуръондан бўлган (оятлар)ни тиловат қилинг ва намозни тўқис адо қилинг! Албатта намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур. Аниқки, Аллоҳни зикр қилмоқ (барча нарсадан) улуғроқдир. Аллоҳ қилаётан ишларингизни билиб турур» (Анкабут: 45).

Намоз ундан олдин қилинган ювиниш ва тозалик билан бирга бадан тарбиядир, дея тушунган одам, намознинг ҳаракатлар, нафслардаги Аллоҳнинг азамати ва буюклигини тилга олиш эканини кўргач, фарқли фикрларга боради. Намозхон намознинг бошида **«Аллоҳу акбар!»** (Аллоҳ буюқдир!) жумласини айтиб, руқуда Аллоҳнинг азамати ва ўз ожизлигини ҳис этиб: **«Субҳона Роббиял азийм!»** (Муаззам Роббимни нолойик сифатлардан поклайман!) — дейди. Сўнгра, Аллоҳга яқин бўлиш, дуоларининг ижобат бўлиши умидида пешонаси ва бурнини ерга қўйиб: **«Субҳона Роббиял аъло»** (Олий Роббимни нолойик сифатлардан поклайман) — дея Роббисига дуо ва тилақда бўлади...



“

Намоз — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун катта лаззат эди.



Масжидул Ҳаром — мусулмонлар учун энг муаззам масжиддир. Чунки унинг ичида Иброҳим пайғамбар қурган Каъба бор. Каъба — Қуръони каримда мусулмонларга дунёнинг турли бурчакларидан, фойда ёки зарар бермаслигини эътиқод қилиб, намозни адо этиш учун йўналишга буюрилган ва куб шаклида қурилган бинодир.

Намознинг ҳар бир амали ва талаффузи қуруққина ҳаракат ва минғирлашлардангина иборат эмас. Аксинча, ўта қимматбаҳо лаҳзалардир. Намозда банда Роббиси ва Холиқиға боғланиб, ундан борлиғи ва саодатини олади.

Аллоҳ таоло мусулмонларга бир кечаю кундузда беш вақт намоз ўқишни фарз қилди. У ҳамма жойда ўқилса бўлаверади. Шундай бўлсада, уларни диндошлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва тақво ришталари мустаҳкамланиши ҳамда диний ва дунёвий ишларда ҳамкор бўлишлари учун масжидларда адо этишга рағбатлантирди.

Ислом дини бандани ўзида имкон топгани маҳал фарз бўлмаган кўнгилли — нафл намозларни адо этишга ташвиқ қилган.

Мусулмонлар намозларини Каъба тарафга юзланиб ўқийдилар. Каъба — “пайғамбарлар отаси” дея таърифланган Иброҳим алайҳиссалом илк ўларок Араб ярим оролининг ғарбида жойлашган Макка шаҳрига бунёд этган куб шаклидаги уйдир. У ерда пайғамбарлар ҳаж қилганлар. Мусулмонлар Каъбанинг бирон зарар ёки фойда келтирмайдиган тошлар мажмуаси эканини биладилар. Бироқ, Аллоҳ таоло мусулмонларни бир тарафга кўра бирлашишлари учун Каъбага юзланишларига буюрди.

Азон

Намоз вақтини билдириш ва мусулмонларнинг масжидга келишлари учун нидо қилинган чақириқ «азон» деб аталади.

Азон — Аллоҳнинг зикри, Аллоҳни улуғлаш ва мусулмонларни намозга ҳозирлик кўришларига ундаш, демакдир. Унинг жумлалари қуйидагичадир:

1. Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар! (Аллоҳ буюқдир!)
2. Ашҳаду ан ла илааҳа иллаллоҳ! Ашҳаду ан ла илааҳа иллаллоҳ! (Мен Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ эканига гувоҳлик бераман).
3. Ашҳаду анна Мухаммадар расулуллоҳ! Ашҳаду анна Мухаммадар расулуллоҳ! (Мен Мухаммад Аллоҳнинг элчиси эканига гувоҳлик бераман).
4. Ҳаййа алас солаҳ! Ҳаййа алас солаҳ! (Намозга шошилиңлар!).
5. Ҳаййа алал фалааҳ! Ҳаййа алал фалааҳ! (Нажотга шошилиңлар!).
6. Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар! (Аллоҳ буюқдир!).
7. Ла илаҳа иллаллоҳ! (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир).



Закот

Ҳаммага маълумки, ўта давлатмандлик билан, ҳалокатга элтувчи йўқсиллик рақобатига барҳам бериш керак. Чунки боёнлар билан камбағаллар ўртасида жарлик кенгайганича жамиятнинг емирилиши, разиллик, жиноят ва тубанлашиш сари илгариллаш суръат касб этади. Бу муаммони ҳал қилиш учун турли иқтисодий, фикрий-фалсафий ва қонуний тузумлар ҳаракат қилмоқда. Хўш, Ислом бу муаммога қандай ечим топади?

Аллоҳ таоло давлатманд мусулмонларга эҳтиёжли фақир, камбағал ва уларга менгзаган бошқа кимсаларга сарф қилишлари учун ўз ҳожатларидан ортиқча бойликларининг 2,5% ини ҳар йили садақа ўлароқ чиқаришларини фарз қилиб, буни Ислом рукнларидан бирига айлантирди.

Закот — давлатманд одамнинг камбағалга қилган марҳамати эмас. Аксинча, у давлатманд одамнинг бойлигидан олинадиган, эҳтиёжманд одамга сўровсиз ёки шахсиятини камситилмай бериладиган камбағал ҳаққидир.

Ушбу озгина микдор — давлатманд мусулмон зиммасидаги фарздир. Бундан кўра кўпроғи учун мусобақа дарвозалари очик бўлиб, мусулмонлар кўрсатган бу фидокорликларининг самарасини ўз ҳаётларида соғлик, бойлик, муваффақият ва бахту саодат ўлароқ топсалар, охиратда тинмай кўпаядиган ажру савоб ўлароқ кўрадилар.

Қуръонда айтилишича, ўз бойликларини Аллоҳ ризоси учун сарф қилаётган одамларнинг мисоли, тупроққа экилгач, еттига бошоқ чиқарган, ҳар бошоқда юзтадан дон етишиб етти юзтага етган битта бугдой донининг мисолига ўхшайди. Аллоҳ таоло савобни банданинг садоқати ва ниятига қараб кўпайтираверади. Ҳолбуки, У қарами кенг ва нарсалар моҳиятини жуда яхши билган Зотдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

«Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эхсон қиладиган кишиларнинг мисоли ҳудди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттига бошоқни ундириб чиқарган бир донга донга ўхшайди. (Яъни, қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.) Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ (фазлу қарами) кенг, билгувчидир» (Бақара: 261).

Қуръони карим бизга муҳтож инсонларга бойликни бериш нафсни тозалаш ва поклаш эканини таъкидлаб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай хитоб қилди:

Закотда камбағалга нисбатан давлатманднинг марҳамати йўқдир. Аксинча, камбағалнинг ҳаққи давлатманднинг молидан олинади. Бу ҳақ камбағалга сўраши ёки камбағалнинг камситилишидан илгари етиб боради.

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг» (Тавба: 103).

Қуръон яна бизга бахиллик қилиб бойлигидан бермаган, фақир ва муҳтожларга ёрдам қўлини чўзмаган одамнинг зиён кўрувчиларнинг биринчиси эканидан хабар берди. Чунки у дунё ва охиратдаги ўз саодатига бахиллик қилган одамдир. Аллоҳ таоло айтди:


«Мана, сизлар шундай кишилардирсизки, Аллоҳ йўлида инфоқ-эхсон қилиш учун даъват қилинурсизлар. Бас, (аниқки) сизларнинг орангизда бахиллик қиладиган кимсалар ҳам бордир. Ким бахиллик қилса, бас, албатта, у фақат ўз зиёнига бахиллик қилур. (Чунки у ажр-савобдан маҳрум бўлур). Аллоҳ (сизларнинг ҳайр-эхсонларингиздан) бой-беҳожат, сизлар эса (У зотнинг ажр-савобига) фақир-муҳтождирсизлар. Агар сизлар (Аллоҳга итоат этишдан) юз ўгириб кетсангизлар, У зот

(ўрнингизга) сизлардан бошқа бир қавмни алмаштириб қўюр, сўнгра улар сизларга ўхшаган бўлмаслар, (балки Аллоҳга тоат-ибодат қилурлар)!» (Муҳаммад: 38).

Исломнинг ушбу муаззам рукнини татбиқ қилиш билан ижтимоий таъминот ва жамият қатламлари орасидаги нисбий мувозанат тушунчаси амалга ошади. Закотни ҳақдорларга бериш натижасида молиявий бойликлар муайян боён синфлар ўртасида чекланиб, монополияга айланмайди. Шу боис, тарих шундай кунларни яшаганки, унда давлатманд одамлар закот оладиган одамларни бепоён Ислом ўлкасида топиш учун йўлларга тушганлар!

Бу рукн натижасида жамиятда ўзаро алоқа ва ҳамдўстлик ғоялари амалга ошган. Чунки инсон нафси, ўзига яхшилик қилган одамни суюш асосига яратилган. Шу туфайли мусулмон жамият аъзолари бир-бирини тутиб турган бино мисоли ўзаро ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб, ўғирлик, талон-тарож ва қаллоблик каби жиноятлар илдизи қуриб кетади.

Қуръон Аллоҳ розилиги учун молларини сарф қилаётган кимсаларни(нг эҳсонларини) экилган ва еттига бошоқ туккан, ҳар бошоғида юз донга дони бўлиб, етти юзтагача кўпайган бугдой донига ташбиҳ қилди.



Рўза

Ўзи соғлиғини муҳофаза қилиб, вазнининг енгил қолишига ҳаракат қилиб, доктор тавсияларига риоя этиб таомнинг турфа турларидан нафсини тия оладиган, иродали одамни кўриб хайратланамиз ва буни буюк ва муҳим ғояни амалга ошириш учун ўз шаҳватларига устун келиш қудрати ва зафар деб ҳисоблаймиз...

Мусулмон рўзасини куруққина тутиб қўймайди, балки нафсини чиниқтиради, ўзи ва шаҳватларини бошқариш ҳамда Аллоҳнинг фармонларига итоат қилишни ўрганади.

Рўза — Ислоннинг тўртинчи рукни бўлиб, Ислон кодир бўлган одамга рўза тутиш ва рўзани очувчи егулик, ичгулик ва жинсий алоқадан ислоний камарий ойнинг тўққизинчиси — рамазонда ҳар куни тонг отганидан то кун ботгунича тийилишни буюрди.

“

Ислон пайғамбари рўзасидан сўнгра юриш-туриши ва ахлоқи ўзгармаган одамнинг тутган рўзасидан ҳеч қандай фойда ола олмаганини хотирлатди.

Қуръони карим рўза биздан илгари яшаган халқларга ҳам фарз қилинганидан дарак беради. Гарчи тутилиш шакли уларда фарқли бўлган бўлсада, моҳият битта бўлган: Аллоҳга бўлган қуллик ва тақвони амалга ошириш.

Аллоҳ таоло айтди:

«Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди» (Бақара: 183).

Мусулмон бир неча кун давомида бир неча соат ўз шаҳватини тия олар экан, ҳаётининг бошқа кунларида шаҳватининг подшоҳига айланиб, уни бошқариб, ҳаром нарсалар ортидан кетишига йўл қўймайди. Шу боис, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза тутганидан сўнг ахволи ўзгармаган ва ахлоқи гўзаллашмаган одамга рўза фойда бермаганидан огоҳлангирди: **«Ёлгон гапириш ва ёлгон нарсага амал қилишдан воз кечмаган одамнинг таоми ва шаробини тарк этишига Аллоҳ муҳтож эмас!»** (Имом Бухорий, 1804).

“

Қуръони карим рўза биздан илгари яшаган халқларга ҳам фарз қилинганидан дарак беради. Гарчи тутилиш шакли уларда фарқли бўлган бўлсада, моҳият битта бўлган: Аллоҳга бўлган қуллик ва тақвони амалга ошириш.

Рўзадорнинг оч ва чанқоқ қолиши, унинг ҳаракат қилишларига қарамай бир бурда нон ва бир култур сув топа олмайётган камбағал ва бечораларга ёрдам қўлини чўзишга ундайди. Чунки у ҳам камбағалларнинг мусибатларини ҳаётида тажриба қилган бўлади.

“

Ислон мусулмонга рўза тутишни фарз қилар экан, унга муҳтож инсонларнинг очлиги ва озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини эслатади.

Ҳаж

Талайгина динлар таълимотига кўра, одамлар Тангриларига бўлган ибодат ва ёлборишларини намоен қилишадиган сафарларга чиқишлари лозим. Ислом динидаги ҳаж сафари эса, одамлар сони нуқтаи назаридан энг кўпи, қилинадиган ойи нуқтаи назаридан эса энг тикилинчи ҳисобланади. Чунки ҳаж ибодатини адо этиш учун ҳар йили муайян кунларда кичик бир жойда уч миллиондан ортиқ одам тўпланади!

Ислом динида ҳажнинг ўрни қандай?

Ҳаж — Ислом рукнларининг бешинчиси бўлиб, уни адо этиш молиявий ва жисмоний қудратга эга бўлган одамга ҳаёти давомида бир мартагина фарз бўлади.

Ҳаж — жамиятдаги қатламлар ва ирқлар, зийнатлар ва бойликлар кўринмайдиган улкан сафардир. Ҳамма бир хил кийинади, бир хил рангда бўлади. Оғизларидан бир хил чақириқлар чиқиб, банда билан Роббиси ўртасидаги алоқа ҳақиқати гавдаланади: **«Лаббайкал-лоҳумма лаббайк! Лаббайка ла шарика лак! Иннал ҳамда ван-неъмат лака, вал мулк. Ла шарика лак!»** (Аллоҳим, амрингга мунтазирман! Амрингга мунтазирман ва Сен учун шерик йўқдир! Амрингга мунтазирман, ҳамду сано, неъматлар ва мулк Сенингдир! Сенинг шеригинг йўқдир!).

Ҳаж — Аллоҳдан мағфират ва савоб ҳамда Аллоҳга ўз эҳтиёжи ва ожизлигини изҳор этиб мусулмоннинг Аллоҳнинг зикри ва тақвосини қасд қилиб, турли ҳолат, сўзлар ва ҳаракатлар бажо келтирадиган иймоний сафардир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай деган: **«Қаъба тавофи ва ҳаждаги саъй (югуриш) Аллоҳнинг зикрини тиклаш учун (жорий) қилинди»** (Ибн Абу Шайба, 15334).

Аллоҳга бўйинсуниш ва барча ҳожилар билан тенгликни эълон қилиш учун қундалик кийимларини ечган ва икки бўлак кийимларни кийганидан кейин ҳаж ибодатини адо этиш учун Макка шаҳрини қасд қилган одамнинг либоси.



Исломда оила

Замонамиздаги кўплаб оилаларга:
«Битта уйнинг калитларига эга бир неча
шахслар мажмуъаси» дея таъриф берилса,
хаётимизни аниқроқ ифодаланган бўлади.

Таассуфла айтамызки, талайгина эркалар рафика ва фарзандлар масъулиятдан қочишмоқда. Зеро, уларни бундай мажбуриятларсиз ўз лаззатлари билан кайфу сафо қилишига нима ҳам ғов бўлиши мумкин?!

Бу кўриниш ҳозирги даврда кенг миқёсда кўринаётган бўлсада, аслида, тарихда ҳам айрим шахслар ҳаётида намоён бўлгандир. Бу туйғу шахс ва жамиятга ёмон таъсир кўрсатиши билан бирга, шахсий манфаат ва худбинликнинг оддий кўринишидан бошқа нарса эмас.

Шунинг учун ҳам, Исломи дини оила, оила дастури ва шахслараро мажбуриятларга катта эътиборни қаратган. Чунки Исломи динида оила ва хонадон онг, тарбия ва уйғониш шаклландирган марказ ҳисобланиб, уни қуриш, тузатиш ва вазифасини адо этиш натижасидагина бутун жамият ислох бўлади.

Ушбу эътибор саноксиз аҳкомларда намоён бўлган. Шулардан:

1



Исломи дини уйланиш ва оила қуришни таъкидлади.

- Исломи дини уйланиш ва оила қуришни энг буюк амаллардан ва пайғамбарлар суннатидан ҳисоблади. Айрим саҳобалар ибодатга, намоз ва рўза тутишга берилиб, уйланишдан воз кечишмоқчи бўлишганида, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: **«Лекин мен рўза ҳам тутаман, оғзим очик ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман ва ухлайман ҳам, ҳамда аёлларга уйланаман. Ким менинг суннатимдан воз кечса, мендан эмасдир»**, — деди (Имом Бухорий, 4776).
- Қуръон одамзотга берилган неъмат ва мўъжизалар ҳақида сўз юритар экан, уларнинг бошида эру хотин орасида Аллоҳ таоло яратиб қўйган муҳаббат, шафқат,

яқинлик ҳамда хотиржамликни зикр қилади:

«Унинг оятларидан (яна бири) У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир» (Рум: 21).

- Аллоҳ таоло уйланиш (турмуш қуриш)ни қулайлаштириб, уйланишмоқчи (турмуш қурмоқчи) бўлганларга ёрдамчи бўлишни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Уч тоифа борки, уларга ёрдам бериш Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақдир»**, деб улар ичида: **«Иффатни сақлашни истаб уйланиётган киши»**ни тилга олганидек, ваъда қилди (Термизий, 1655).

- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёшларни навқиронлик ва уйланишга қучлари етган пайтда уйланишга буюрди. Чунки улар уйланиш билан хотиржам бўлишади, шахвоний қучлари ва рағбатларини шаръий йўллар билан қондиришади.

“

Қуръон одамзотга берилган лутф ва неъматлар ҳақида гап очар экан, уларнинг бошида Аллоҳ таоло эрка ва хотин ўртасида яратган осудалик, дўстлик, меҳр ва муҳаббатни тилга олади.

2



Ислом дини оиланинг барча аъзоларига эркак ёки аёл бўлишларидан қатъий назар ўз ҳуқуқларини берган.

Ота ва онага фарзандларни тарбия қилишлари учун катта масъулият юклади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди: «**Ҳар бирингиз бошқарувчисиз ва ўз масъулиятидан жавобгардир, Раҳбар бошқарувчидир ва қўл остидагилардан жавобгардир. Эркак оиласида бошқарувчидир ва қўл остидагилардан жавобгардир. Хотин эрининг хонадонида бошқарувчидир ва қўл остидагилардан жавобгардир. Хизматкор хожасининг молу мулкида бошқарувчидир ва қўл остидагилардан жавобгардир**» (Имом Бухорий, 853).



Ислом дини ота-онага нисбатан товушни қўтариш ёки қўпол ҳаракатлар қилишни таъқиқлади.

3




Ислом дини ота ва онани ҳурмат қилиш, уларга илтифотда бўлиш, ғамхўрлик қилиш, ўлгунича хизматларини бажо келтириш асосини қўйишга интилди:

Ўғил ёки қизнинг ёши нақадар катта бўлса ҳам, уларнинг ўз ота ва оналарига ҳурмат кўрсатиб, ғамхўр бўлишлари вожибдир. Аллоҳ таоло бу ҳурмат ва ғамхўрликни ўзига қилинган ибодатга боғлаб, уларга қарши жеркишни ифодалаган бирон ҳаракат ёки жумла, ҳатто сўзни талаффуз қилиш ҳамда товуш чиқаришни таъқиқлади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деди:

«**Парвардигорингиз, Ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт!**» (Исро: 23).

4




Ислом дини қиз ва ўғил фарзандлар ҳаққини риоя қилиш ва улар ўртасида адолатли бўлишга буюрди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди: «**Қарамоғидаги кимсаларни зое қилиш, одамга гуноҳ нуқтаи назаридан кифоядир!**» (Абу Довуд, 1692).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам хусусан қизларга ғамхўрлик ва инфоқ қилиш ҳақида шундай дедилар: «**Бу қизларнинг бирон нарсасига раҳбар бўлган одам уларга яхшилик қилса, улар унга жаҳаннамдан парда бўладилар**» (Имом Бухорий, 5649).

5



Қариндошлар билан борди-келди қилиш мусулмон учун фарздор.

Бунинг маъноси шундай: одамнинг ота ва она тарафидан бўлган қариндош-уруғлари билан алоқани узмаслиги ва уларга ғамхўрлигидир. Бу нарса Ислом динида Аллоҳга яқин қиладиган тоат ва ибодатлардан ҳисобланади. Ислом бу алоқани узиш ёки қариндошларга ёмонлик қилишдан огоҳлантириб, уни катта гуноҳ, деди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Қариндошлар билан алоқани узган одам жаннатга кирмайди**», — деди (Имом Муслим, 2556).



Аёлнинг Исломдаги ўрни

Ойнаи

Ойнаи жаҳон, йўл чети ва ойномалар муқовасидаги эълонларга бир назар ташлашнинг ўзи, моддий маданиятнинг аёлга нисбатан қилган жиноятини акс эттиради. Кўпинча, аёлни хаёлпарастлик, шаҳват ва истакни қўзғаш учун восита ёки товар (мол) ёхуд ўйинчоқ қилинганига ўзингиз шохид бўласиз.

Гохид

Гохид бу ибтидоий жамиятларда содир бўлган хотин-қизларни таҳқирлаш, уларни сотиб, харид қилинадиган «мол» ҳолатига туширган кўринишдан кўра бир оз бўлсада «маданиятлироқ» кўриниши мумкин.

Аёл ўзининг ҳозирги кундаги мақомига қайтиш учун зулм ва қувғинликларни бошидан кечирган бўлсада, аввалги зулмларни бир озгина камайтира олган, холос.

Бундан 1400 йил муқаддам Ислом дини келди ва хотин-қизларга жабр қилган золим одатларга қарши улкан инқилоб бўлди. Ислом дини хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва жамиятдаги мақомини ҳимоя қиладиган ҳамда ҳаётдаги ўз вазифасини мукамал тарзда адо эта оладиган, мукаррама ва азиза бўлиб яшай оладиган энг тафсилотли қонунларни қўйди.

Шу боис, Қуръоннинг энг узун сураларидан бири, ўз ичига олган хотин-қизларнинг муфассал аҳкомлари билан «Нисо» (Хотин-қизлар) дея номланди.

Аллоҳ таоло Қуръонда бизга бир неча солиҳа аёлларнинг ҳаёт ҳикояларини баён қилди. Ҳатто суралардан бири Ийсо алайҳиссаломнинг волидаси Марям алайҳас-солату вас-саломнинг номи билан аталди.

Ислом дини аёлнинг сотиладиган «мол» эмас, Аллоҳ яратганидек инсон, «тун»нинг эмас ҳаёт ўртоғи, шахват, лаззат ва ўткинчи фойда эмас, меҳр, шафқат ва мухаббат ўртоғи бўлиши учун, ҳаёт тарзини ўзгартириш учун келди.

Аёлга ҳурмат кўрсатишга тааллуқли аҳкомлар намунаси куйидагичадир:

- Ислом дини аёлга турмуш ўртоғини танлаш, фарзандлар тарбиясининг катта қисмини зиммасига олиш ҳуқуқини берди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда: **«Рафика эрининг уйида бошқарувчидир ва қўл остидаги нарсалардан жавобгардир»**, — деди (Имом Бухорий, 853).
- Ислом дини турмуш қурганидан сўнгра аёлнинг ўз исми ва отасига бўлган нисбати қолишини жорий қилди. Шунинг учун, у отаси ва оиласига мансуб бўлиб қолаверади.
- Ислом дини эркак ва аёл ҳуқуқини кўп ва турфа ишларда тенг қилди. Бу тенгликлардан бири молиявий муомалалардадир. Ҳатто Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Хотин-қизлар — эркакларнинг ёртисидир!»** — деди (Абу Довуд, 236).



Ҳолбуки, ҳозирги айрим қаламкашлар Ислом динини хотин-қизларга зулм қилиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш ва уларнинг фикрларича, давр талабларига жавоб бера олмаслик билан айблашаётган бир пайтда, Буюк Британия каби тараққий топган давлат фуқаролари ичидан Ислом динини қабул қилган янги мусулмонларнинг 75 фоизи хотин-қизлардир! Уларни мусулмон бўлишга Ислом динининг оила муаммоларини ҳал қилиш учун қўйилган Ислом аҳкомлари ва қонунларини узоқ ўрганишлари ундагани маълум бўлган («INDEPENDENT», 06.11.2011).



- Ислом дини нафақаси фарз бўлган рафика, она ва қизга беминнат ғамхўрик қилиш ва уларни боқиш масъулиятини эркакнинг зиммасига юклади.
- Ислом дини аёлга меросдаги ҳиссасини одилона тақсимлаб берди. Ҳатто баъзи ўринларда унинг ҳаққи эркакнинг ҳаққига тенг қилинди. Баъзи ҳолатларда эса унинг ҳиссаси ўлган одамга қариндошликдаги яқинлиги ва зиммасидаги нафақа масъулиятига қараб кўп ва оз қилиб белгиланди. Бундай ўринларда аёл ҳиссасининг эркак ҳиссасидан оз эканига юзаки қараш, қалтабинликдир. Чунки эркакка берилган ортикча ҳисса қаршисида унинг зиммасига Аллоҳ юклаган аёлга ғамхўрлик ва уни боқиш каби молиявий масъулиятдан кўз юмиб бўлмайди. Ҳа, Ислом дини бир тарафга бошқа тараф ҳисобидан зарар бермайдиган мукамал низомдир.
- Ислом дини боқувчиси бўлмаган бечора аёлга, гарчи қариндоши бўлмаса ҳам хизмат кўрсатишнинг шарафи ва фазилатига катта эътибор бериб, унинг хизматида бўлишга рағбатлантирди. Ҳамда бу хизматни Аллоҳ даргоҳидаги энг фазилатли ишлардан ҳисоблади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди: **«Бева ва бечоралар хизматида бўлган одам Аллоҳ йўлидаги мужоҳид, тунларни тинмай ибодат билан ўтказган ва тинмай рўза тутган одам янглиғдир»** (Имом Бухорий, 5661).

Ислом дини аёлга меросдан ҳаққини одил суратда: баъзи пайтларда эркакка нисбатан тенг, айрим жойларда эса оз ёки кўп ҳиссалар билан тақсимлаб берди.

Ислом дини эътибор беришни таъкидлаган хотин-қизлар



Она

Бир одам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдига келиб: «Эй Аллоҳнинг элчиси, менга суҳбатдош бўлишга одамлар ичидан ким ҳақлироқдир? — деб сўради. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Онанг!»** — деб жавоб берди. — Сўнгра ким? — деб сўраганида, **«Онанг!»** — деб жавоб берди. — Сўнгра ким? — деб сўраганида, **«Онанг!»** — деб жавоб берди. — Сўнгра ким? — деб сўраганида, **«Отанг!»** — деб жавоб берди (Имом Бухорий, 5626).



Қиз

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди: **«Кимнинг учта қизи бўлса ва у улар(ни тарбиялаш)да сабр қилса, топган нарсасидан едирса, ичирса ва кийдирса, улар унга Қиёмат кунда жаҳаннамдан нарда бўлишади»** (Ибн Можа, 3669).



Рафика

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сизларнинг энг яхшингиз — рафикасига энг яхши бўлганингиздир. Мен сизларнинг оиласига энг яхши бўлганингизман!»** — деди (Термизий, 3895).



Ислом динида эркак ва аёл ўртасидаги алоқа кураш эмас, бир-бирини тўлдириш-мукаммаллаштириш алоқасидир. Шу боис, уларнинг ҳар бири Ислом жамиятини куришда бошқасининг камчиликларини тўлдиради.

Ислом динида икки жинс ўртасида кураш йўқ

Ислом динида икки жинс ўртасида курашга ўрин йўқ. Зеро, дунё матоҳлари учун рақобатлашишнинг, хотин-қизлар ёки эркакларга ҳужум қилиб, уларнинг биронтасидан ўч олиш ёхуд уларнинг ҳуқуқларини камситиб, поймол қилишнинг маъноси йўқдир!

Одамзот ўзининг иккинчи ярмига, эгиз ўз эгизига қандай душман бўлиши мумкин? Аёл, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганидек, эркакнинг эгизаги ва ёртисидир. Улар ўртасидаги алоқа бир-бирини тўлдирувчи бўлиб, мусулмон жамиятни куришда бири бошқасининг нуксонини тўлдиради.

Қуръон ушбу тўлдирувчанликни қуйидаги оятида ажойиб тасвирланган:

«Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз (яъни, эр-хотин бир-бирига киши либосга мухтож бўлгани каби либосга мухтождирлар)» (Бақара: 187).

Эркак бир қарашда аёлдан кучлироқ кўринсада, аёл эркакнинг кучи етмайдиган ва оиланинг эҳтиёжи бўлган бошқа кучнинг эгасидир. Аёл эркакда буни нуксон дея кўрар экан, эркак аёлга муносиб


бўлмаган ҳамда ҳаёт ва жамият усиз тиклана олмайдиган бошқа кўринишнинг эгасидир.

Аллоҳ таоло одамзотни икки жинсда яратган экан, уларни барча ишда тенг бўлиши керак, дейиш абасдир.

Айрим эркаклар хотин-қизларга, айрим аёллар эса эркакларга берилган ҳуқуқларни орзу қилишганида, Қуръоннинг ушбу оятлари нозил бўлган эди:

«Аллоҳ бирон неъмат билан бирингизни бирингиздан ортқик қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасад-адоват билан) орзу қилманг! Эркаклар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар, аёллар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар. Сизлар (бировларга берилган неъматларга кўз олайтириш ўрнига) Аллоҳнинг фазлу марҳаматини сўранглар» (Нисо: 32).

Ҳамманинг ўз хусусияти, вазифаси ва эҳтироми бордир ва ҳамма ўз ролини Аллоҳ ва Аллоҳнинг ризоси учун адо этишга ҳаракат қилади. Шариат на эркакларнинг ва на хотинларнинг фойдаси учун келган. Аксинча, инсон оила ва жамият манфаати учун келгандир.



Эркак

Аёл

Эркак ва аёл ўртасидаги алоқа

Жазо одат ва сулукда эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларни тартиблаш ҳақида одамзот тарихида саноксиз ижтиҳод ва танловлар ўйлаб топилган. Бироқ, тарих ва антропология китоблари қип-яланғоч юрган ва жинсий бошбошдоқлик ҳукмрон бўлган халқлардан тортиб, то хотин-қизларни улардан хавфсирагани боис кишанда сақлаганларини, эркакларга кийим кийдириб, хотин-қизларни яланғоч юришга мажбурлаганларини ёхуд танадаги баъзи аъзоларни ўраб, бошқасини очиб юрилгани ва бундан бошқа саноксиз жараёнларни баён қилмоқда.

Бу халқларнинг кўпи, жумладан, маданият осорлари бўлганлари, бундай жараёнлар ҳаётни одамзот билан бошқа ҳайвонлар ўртасида фарқлар йўқолиб кетадиган ўрмон ва қўрага айланиб кетмаслиги учун бошқариб турадиган тартиб ва қонунларга муҳтож эканини ҳис этдилар.

Эркак ва аёл ўртасидаги алоқанинг Ислом динидаги кўриниши

Эркак ва аёлнинг Ислом динидаги алоқаси тарихий ва жуғрофий омиллар билан чекланган башарий ижтиҳодлар эмас, аксинча, ҳар бир замон ва маконга яроқли, Аллоҳ таоло Қуръони каримида нозил қилган ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга ўргатган мукаммал дастурдир.

Ушбу алоқанинг кўриниш ва чегаралари, Ислом очиклаганидек, хотиннинг эркакка бўлган мунсабатларига кўра фарқли бўлади.

“

Бу халқларнинг кўпи, жумладан, маданият осорлари бўлганлари, бундай жараёнлар ҳаётни одамзот билан бошқа ҳайвонлар ўртасида фарқлар йўқолиб кетадиган ўрмон ва қўрага айланиб кетмаслиги учун бошқариб турадиган тартиб ва қонунларга муҳтож эканини ҳис этдилар.

Ислом динида эркаклар аёлга нисбатан бир неча қисмга бўлинадилар

1. Эркак — аёлнинг умр йўлдошидир

Эр ва хотин ўртасидаги бу алоқани, Қуръон тавсифлаганидек, етук баён қилган бошқа сўзлар бўлмаса керак. Қуръон ўрталаридаги рухий, ҳиссий ва бадан алоқаларининг ҳайратомуз шакли ўлароқ эрни хотинга, хотинни эса эрга нисбатан «либос» деди:

«Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз (яъни, эр-хотин бир-бирига киши либосга муҳтож бўлгани каби муҳтождирлар)» (Бақара: 187).

2. Эркак — аёлнинг маҳрамларидан биридир

«Маҳрам»лардан мақсад, хотин-қизларнинг яқин қариндош бўлганлари боис турмуш қуришлари бутунлай ҳаром қилинган эркаклардир. Улар — ота, бобо, ўғил, ака (ука), амаки, тоға, жиян (ака-ука ёки опа-сингил ўғли), ўғил ёки қиз тарафидан набира ва булардан бошқа умумий равишда 13 (ўн уч) турдаги эркаклардир... Хотин-қизлар ўзларининг маҳрам қариндошлари олдида тўқис ҳижобсиз, ўз табиатларига муносиб шаклда, яланғоч бўлмаслик шарти билан, кўринишлари жоиздир.

3. Эркак — аёлга бегонадир

Бегоналикдан мақсад, эркакнинг аёлнинг маҳрамларидан бири бўлмаслигидир.

Ислом дини номуслар ҳимояси ва одамзот қаршисида шайтон дарвозаларини ёпиш учун, эркакнинг бегона аёлга нисбатан алоқаларига ҳукм қиладиган қонун ва тартибларни қуриб қўйди. Одамзотни яратган Зот, одамзот учун фойдали бўлган нарсани, Қуръони каримда келганидек, бошқалардан кўра яхшироқ билади:

«(Ахир) **яратган зот** (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) **билмасми?! У меҳрибон ва** (хар нарсадан) **хабардор Зотдир**» (Мулк: 14).

Нега Ислом дини бегона эркаклар олдида хотин-қизларнинг ҳижобланишини машруъ қилди?

Чунки Ислом қуйидагиларни назарда тутди:

- Хотин-қизлар ҳаёт ва жамиятнинг илмий ва амалий майдонларидаги вазифаларини ўз ҳурмати ва номусини ҳимоя қилиб, олий даражада адо этишга қодир бўлади.
- Бир тарафдан жамият поклиги, иккинчи тарафдан эса хотин-қизлар ҳурматини муҳофаза қилиш қафолати учун залолат ва (туйғуларни) кўзғаш фурсатларини камайитириш ёхуд енгиллатиш
- Эркакларнинг хотин-қизларга номус ва ахлоқ кўзи билан боқишларига кўмаклашиш. Шундагина эркаклар аёлга шахвоний туйғуларни кўзғовчи ва кўнгилочар воситадек эмас, аксинча, ўзлари сингари маърифий ва илмий асослар билан фойдаланишганидек фойдаланаётган инсондек муомала қиладилар.

Эркак билан бегона аёл ўртасидаги алоқа тартиби

1. Назар солмаслик

Аллоҳ таоло ҳар икки жинсдаги инсонларни ҳам кўзни юмиш, яъни шахвоний туйғуларни кўзғатадиган нарсаларга боқмасликка буюрди. Қуръони каримда айтилганидек, мутлақ нигоҳ хуррияти гуноҳ ва ҳаёсизликлар сўқмоғи бўлганидек, кўзларни юмиш поклик ва номусларни ҳимоя қилиш йўлидир:

«(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **мўминларга айтинг, кўзларини** (номахрам аёлларга тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза** (йўлдир). Албатта, Аллоҳ улар қилаётган ҳунарлардан хабардордир. **Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини** (номахрам эркакларга тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар!»** (Нур: 30 – 31).

2. Одоб ва ахлоқ билан муомала қилиш

Эркак ва аёл иш ёки билим ёхуд бошқа мавзуларда шахвоний туйғуларни ҳаракатлантирадиган йўللардан йироқда, ўзаро одоб ва ахлоқ билан муомала қилади.

3. Ҳижоб

Аллоҳ таоло хотин-қизларда гўзаллик ва мафтункорлик кўринишини яратгани боис, эркаклардан фарқли ўлароқ, уларга ҳижобланишни амр қилди. Чунки бу гўзаллик ва мафтункорлик, уларни эркакларни хотин-қизларга фитна қилганидан кўра кўпроқ фитнага чақиради. Бинобарин, тарихдан кунимизгача назар ташласангиз, хотин-қизлар эркакнинг истагини ўзига тортган, эркак эса хотин-қизлар истагини ўзига тортмаганига гувоҳ бўласиз. Айни ҳолатни ҳозирги кунимиздаги турли матбуот саҳифаларида ҳам ўз кўзимиз билан кўрмоқдамиз.

Исломдаги ҳижобнинг ўлчовлари — хотин-қизларнинг қўл қафтлари ва юзларидан бошқа бутун баданларини, Қуръон амр қилганидек, бегона одамлардан ўрашларидир:

«...**кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини** (яъни, устларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини **номахрамларга кўрсатмасинлар**» (Нур: 31).

“
Ислом динидаги ҳижобни танқид қиладиган одамларнинг кўпи ўзларини тарихда яшаб ўтган машҳур хотин-қизларнинг, жумладан, бокира Марямнинг расмларда муслималарнинг ҳижобларига ўхшаш ўранган эканликларини билмаганга оладилар.



A close-up photograph of a fresh salad served on a dark, possibly black, plate. The salad is composed of various green leafy vegetables, including arugula and some darker purple-tinged leaves. It is garnished with several slices of bright red tomatoes, a few segments of orange, and a piece of a white mushroom. The background is slightly blurred, showing more of the salad and the wooden surface it sits on.

Исломда озик-овқат қонунлари

Ислом билан танишмоқчи бўлган одамларнинг илк саволлари: Нега муслмонлар спирт ва чўчка гўштини харом қилишади? — деган жумла бўлади.

Ислом билан танишмоқчи бўлган одамларнинг илк саволлари: Нега мусулмонлар спирт ва чўчка гўштини харом қилишади? — деган жумла бўлади.

Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги муҳим нарсаларга ойдинлик қилиш керак:

Қуръон мусулмонларга истеъмол қилишлари учун Ер юзидаги барча нарсани мубоҳ қилди. Бу ҳақда Қуръоннинг очик оятлари бор (Бақара: 29).

Шулардан бири озиқ-овқатлардир. Озиқ-овқатларнинг ифлослиги, соғлиқ ва ақлга зарари борлиги туфайли истисно қилинган нарсалар ҳам бор. Шояд сизни чўчка ва спиртни нега харом қилинганини билиш қизиқтирар.

Чўчка

Чўчка гўшти тановулининг харомлиги Қуръони каримда очик баён қилинганида чўчканинг қандай ҳайвон экани кўплаб арабларга ҳануз маълум эмас эди. Айрим одамлар бу харом қилишдан таажжубланиб, уни танкид қиладилар. Холбуки, Қадимги аҳд китобида ҳам бунинг харом экани очикдир. Яна ҳам ҳайратлиси, христиан руҳоний олимларнинг талайгина қисми ҳам Янги аҳд матнларига кўра чўчка гўштининг харом эканини айтишларидир. Шундай бўлсада, у китоблардаги (ҳақиқий) оятлар ўзгартирилди (Қаранг: Маркос инжили 5/11 – 13; Матто инжили 67; Элчи Пётрнинг иккинчи мактуби 2/22; Лука инжили 15/11).

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга жаннатдаги барча маҳсулотларни истеъмол қилиш рухсатини бериб, биттагина дарахт мевасини таъқиқлаганидек, Аллоҳга бўлган иймонимиз ва итоаткорлигимизни синаш учун бизга ҳалол қилган нарсаларидан кўра озроқ нарсани таъқиқлашида бирон монъелик борми?!

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга жаннатдаги барча меваларни истеъмол қилишга рухсат берсада, муайян мевани ейишни харом қилиш билан синаганидек, бизни ҳам барча егуликларни ҳалол қилиб, Ўзига бўлган иймон ва итоатимизни имтиҳон қилиш учун улардан айримини емаслик билан синашида қандай монъелик бор?!



Ароқ ва спиртли ичимликлар

Одамзот соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолиш учун қонун ва тартиблар қўйиш, инсон ҳаётини емирадиган касаллик ва оғуларга қарши курашиш, давлат ва ҳукуматларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу ишдаги озгина эътиборсизлик, жамият ва шахс ҳаётида хатарли оқибатларни юзага келтириши мумкин.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкilotи ҳамда Оксфорд дорулфунуни мулозимлари олиб борган йўқлама натижасида дуч келган ва «Nature» ойномасида (15 март 2012 йил, 483 сон) чоп этилган ҳисоботлар одамзотни ларзага солади.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкilotининг 2011 йил 11 февралда келтирган ҳисоботида кўра, бир йилда ўлган ароқхўрларнинг сони ўша йилда СПИД, безгак ва сил касалликлари туфайли ўлганлар сонининг йиғиндисидан ортиқ ва яна йиллик қирғин ва террор оқибатида ўлганлар сонидан салкам уч баробар кўпдир.

Ўша тадқиқотлар исботлаган маълумотларни ҳамда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкilotининг ҳисоботларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.




Ҳар йили жаҳон миқёсида спиртли маҳсулотлар ва пиёнисталик оқибатида 2500000 (икки миллион беш юз минг) киши, жумладан, **15 – 29 ёш орасидаги 320000** (уч юз йигирма минг) ёшлар ўлмоқда. Бу эса ўша ёшларда содир бўлган ўлим воқеаларининг 9 фоизини ташкил қилади.

Америкада олиб борилган тадқиқотлар ҳар йили дорулфунунлардан **700000** (етти юз минг) талаба маст бўлган бошқа талабалар томонидан хужумга учрамоқдалар.

2001 йилда олиб борилган бошқа тадқиқот эса, Эстонияда ёшлар тарафидан қилинган жиноятларнинг **80 фоизи спиртли** ичимликларни ичиб маст бўлиш оқибатида содир бўлганини исботлаган.

Жаҳон миқёсида содир этилган қотилликнинг тўртдан бирига мастлик сабаб бўлган.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг барча ҳисобот ва баёноtlари давлатларни спиртли ичимликлар туфайли кундалик содир бўлаётган жиноят ва фалокатларни таъқиқлаш ва ҳеч бўлмаса камайтириш чораларини кўришга чақиради.



Бир йил ичида Буюк Британияда:

- тақрибан бир миллионга яқин жиноят содир бўлган шиддат ҳодисалари, улардан ярим миллионга яқин қурбоннинг таъбирича, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш оқибатида, амалга оширилган
- Табиий офатлар ва Фавкулдда Ишлар хизмати касалхоналарга 7 миллионга яқин маст одамни қабул қилади ва солиқ берадиган одамлар зиммасига 650 миллион фунт стерлингни юклайди!
- Ҳар йили спиртли ичимликларни ичиш оқибатида қилинаётган жиноятлар зарари тўпلام 13800000 (ўн уч миллион саккиз юз минг) фунт стерлингни ташкил қилади.

Ислом дини спиртли ичимликлар ва ароққа қарши қандай чоралар кўрди?



Ислом дини спиртли ичимликларнинг шахс ва жамиятга келтирадиган зарарларини аниқлаши учун Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотига қараб қолмади. Чунки одамзотни яратган Зот, унинг ҳаёти ва жамиятини жуда яхши билади..

Араблар Ислом дини келгани маҳал мастлик ва шаробхўрликка муккасидан кетишган ва ичкилик улар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган эди. Ҳатто, уни ичиш билан фахрланишар ва бу йўлда талайгина маблағларини сарфлашар эди.

Ислом дини спиртли маҳсулотларнинг фойда ва манфаатлари борлигини эътироф қилган пайтида, бу ишга мантиқ ва ўта адолат билан ёндошган. Чунки уни тановул қилган одам ўша онда қайғу ва аламларини кетказувчи лаззат ва роҳатланишни ҳис қилади. Бироқ, бунинг таъсири ва оқибати хатарли бўлиб, Қуръонда келганидек, таъсирлари ҳамда жамият ва шахсга бўлган руҳий, ахлоқий ва соғлиқ муаммоларини даволаш анчагина қимматга тушади:

«Сиздан ароқ (ичкилик) ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир»» (Бақара: 219).

Сўнгра (оят давомиди) ароқ ичишни таъқиқлаш, унинг нафрат ва адоватни туғдирадиган ҳамда олий иш ва вазифаларга тўғаноқ бўладиган шайтон ишлари эканини таъкидлаш ифодаланди. Кейин Қуръон одамларга: «Сизлар ароқ ичишдан тийиласизларми?» деган саволни ташлади ва одамлар: Тийилдик! Тийилдик! — деб жавоб беришди. Қуръондаги Аллоҳнинг фармонида итоат ўлароқ, ароқлар Мадина кўчаларига тўкиб ташланди!



Гуноҳ ва тавба

Хато ва тавба фалсафаси талайгина дин ва эътиқодлардаги фикрий муаммоларнинг энг муҳимларидан биридир. Бу эътиқодлар хато, гуноҳ, тавба ва пушаймонликка нисбатан тутилган йўлнинг тафовути билан фарқли қилади.

Ислом


Ислом, Аллоҳ таоло яратиб, яхшилик ва ёмонлик туйғуларини қўйган инсон табиатига ҳассос мезон билан боқиб, унга эзгуликлар қилиш учун яратилган фаришта дея муомала қилмайди. Балки, ҳар бир инсон кўплаб хатолар қилишини таъкидласада, унинг муқобилида, инсон зиммасига, олган қарор ва танловларининг масъулиятини юклайди. Бу ерда Исломнинг хато ва тавбалар ҳақидаги фикри келади. Уларни қуйидагича мухтасар қилиш мумкин:

- Қуръони каримда қаршимизга чиққан биринчи нарсаси шундир: чигалликларни бўлмаган очик ва енгил тасаввурда хато ҳам, тавба ҳам шахсий ишдир. Бундан ташқари, хато қилиш одамзотга туғилишидан илгари юкланган мажбурий хато эмас. Аксинча, ҳар бир одам гуноҳлардан пок ҳолатида дунёга келиб, унча бўлган хатолардан жавобгар эмасдир. Бинобарин, ҳеч кимнинг кечириш ёки гуноҳларга каффорат бўлиш ҳуқуқи йўқдир! Зеро, Одам алайҳис-салату вас-саломнинг хатоси — ўз шахсий хатоси эди. Ундан қутулиш ҳам осон — бевосита тавба қилиш билан бўлди. Унинг ҳар бир зурриётининг хатоси ҳам шахсий хатодир. Одил ва ойдин тасаввурдаги тавба йўли очик бўлиб, ҳар бир инсонга ҳаракат қилиш ва ноумид бўлмаслик хабарини бериб, унга ўз гуноҳини юклайди. Бирон кимсани бошқалар гуноҳи сабабли

жазоламайди. Бу, Аллоҳ таоло айтганидек, бутун пайғамбарлар олиб келган йўлди:

«Ёки унга Мусонинг ва (аҳдига) вафодор зот бўлган Иброҳимнинг саҳифаларидаги сўзлар хабари берилмаганмиди?! — Ҳеч бир кўтаргувчи (яъни, гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юқини (яъни, гуноҳини) кўтармас. Инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур (яъни, ўзгаларнинг қилган яхши амалларидан унга бирон фойда етмас). Унинг қилган саъй-ҳаракати эса яқинда (Қиёмат Кунда) кўринур. Сўнгра у (ўша саъй-ҳаракати учун) тўла-тўқис жазо-муқофот олур» (Наҳм: 36 – 41).

- Тавба қилиш — муаззам ибодат ва Аллоҳ таолога яқин бўлишлардан бири бўлиб, у барчанинг тенг ҳуқуқидир. Тавба қилиш учун муайян маконга бориш ёки бирон имом (пир) олдида бориб гуноҳларни тан олиш ёхуд имом (пир)нинг руҳсатини олишга ҳожат йўқдир. Чунки, тавба Аллоҳ билан банд орасидаги ибодатдир.



Тавба Ислом динида, гуноҳдан воз кечиш, ўтмиш қилмишдан пушаймон бўлиш ва ҳақдорларга ўз ҳаққини қайтариш билан бирга, у гуноҳга қайта қўл урмасликдан ортиқ нарсага муҳтож эмасдир.

Қуръони каримда Аллоҳ таолонинг «Меҳрибон, тавбаларни кўп қабул қилгувчи» ва «гуноҳларни Мағфират қилгувчи, тавбаларни Қабул қилгувчи» каби қатор исм ва сифатлари ворид бўлган. Айни Қуръон бизга тез кунда жаннатга киражак такводдорлар сифатини санар экан, уларнинг баъзи гуноҳларга ҳам қўл уришлари, бироқ ҳар гуноҳдан сўнг тавба қилиб, мағфират тилашларини баён қилади:

«(У такводдор зотлар) қачон бирон-бир нолойиқ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайдиган. — Ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур, — билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир» (Оли Имрон: 135).

Ислом динида тавба қилиш — гуноҳни тарк қилиш, қилмишга пушаймон бўлиш, гуноҳга бошқа қайтмаслик ва ҳақ эгаларига ҳақларини қайтаришдангина


иборатдир. Агар банд яна бир бор гуноҳга қўл урса, унинг биринчи тавбаси бекор бўлмайди. Балки, янги гуноҳ қилган ва ундан тавба қилиши керак бўлади.

Одамзот, шундай қилиб, Ислом динида ўзининг камолот, тараққиёт ва гуноҳлардан узоқ бўлиш сари интилиши билан, кўп пайтларда ожиз қоладиган, гоҳида ўз йўналишидан оғиб кетадиган инсон табиатини билиши орасини мувозанатлаштиради. Шу боис, унинг барча фаолияти, таквоси, камчилик ва оғишларида ўз қибланомасини йўқотиб қўймаслиги, балки Аллоҳ таолога илтижо қилиб, тавба-тазарруда бўлиб, истиғфорлар айтиши керак бўлади...

Бу ерда, Қуръони карим ўз дарағида таъкидлаганидек, солиҳ инсонлар билан бошқалар ўртасидаги фарқлилик ҳақиқати яширингандир. Яъни, такводдор инсонлар гуноҳ ишга қўл урсалар, Аллоҳни эсга оладилар ва Унга тавба қилдилар. Бошқалар эса ибрат олмай, ўз хатоларида давом этаверадилар. (Аъроф: 201 – 202).



Ислом динида одамзотга туғилишдан илгари юкланган хато-гуноҳ йўқдир. Аксинча, барча чакалоқ дунёга келишидан аввал (бошқалар тарафидан) қилинган бирон гуноҳдан жавобгар бўлмай, топ-тоза ҳолида келган.




Дин ва ақл муқобиллиги

Баъзи

одамлар: «Дин ақлга ва илмий дастурларга зиддир», деб ўйлашади. Чунки, уларнинг тасаввурида дин хурофот ва хурофий тасаввурлар манбаи бўлиб, билим ва фалсафа тартибланган маърифатга элтувчи йўл ҳисобланади. Гоҳида бу маърифат изланиш, тафаккур ва тажриба билан устивор аниқ фанга айланиши мумкин... Агар ўйлаб кўрилса, бу эътиқод айрим ҳақиқат ва айрим хатоларни ўз ичига олади.

Баъзи одамлар: «Дин ақлга ва илмий дастурларга зиддир», деб ўйлашади. Чунки, уларнинг тасаввурида дин хурофот ва хурофий тасаввурлар манбаи бўлиб, билим ва фалсафа тартибланган маърифатга элтувчи йўл ҳисобланади. Гоҳида бу маърифат изланиш, тафаккур ва тажриба билан устивор аниқ фанга айланиши мумкин... Агар ўйлаб кўрилса, бу эътикод айрим ҳақиқат ва айрим хатоларни ўз ичига олади.



Ҳақиқат — ақл билан курашадиган ва гоҳида унга зид келадиган бир неча динларнинг мавжудлигида мужассамдир. Уларнинг китоб ва манбалари Коинот ва фанга зид бўлган афсона ва хурофотларга лиқ тўладир.

Хато эса ўз мазмуни, манбаси, дастури ва ҳужжатлари билан фаркли бўлсада, унга ва унинг турига эътибор бермай, бутун динларга умумий битта ҳукмни беришда намоён бўлади.

Исломининг манбаи ҳисобланган Қуръони каримга назар солган одам, унинг ақлга бошқа динларда бўлмаган макомни берганига қатъий ишонч ҳосил қилади. Бундай одам Қуръонга ўта чуқур тасаввур билан бокмаса ҳам, унинг ақлни тафаккурга чорлаганига шохид бўлади. Зеро, Қуръони карим «Тафаккур қилмайдиларми?» сўровини ўн уч ерда такрорлаган!



Қуръонни тадқиқ қилган одамунинг ақлини ишлатишга рағбатлантирган, тафаккур қилишга чақирган китоб эканини ўрганиш учун оз бўлсада ўйлаб кўришга муҳтож эмасдир.

Ақлни ишлатиш учун берилган қуръоний талаблар кўп ишларда намоён бўлган. Шулардан:

1 Қуръони карим одамзотга истибдод, такаббурлик, қўрқув ва жаҳолатнинг барча кўринишларидан озод бўлган ақл эгаси деб хитоб қилади ва саноқсиз ақлий далиллар ва мантикий ҳужжатлар билан Аллоҳга иймон келтиришнинг фарз эканини кўрсатади. Аллоҳ таоло қуйидаги оятида шундай деган:

«Балки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратгувчисиз) **яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратгувчимиканлар-а?! Балки, осмонлар ва Ерни ҳам улар яратгандирлар?! Йўк, улар ишонмаслар!»** (Тур: 35 – 36).



2 Қуръони карим эътироз билдирганларнинг ҳужжатларини мунозара қилади ва далилу ҳужжатга асосланмаган қуруқ гапларни рад этади. Масалан, Аллоҳ таоло шундай деган:

«**Айтинг, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжат келтиринг!»**» (Бақара: 111).





3 Қуръони карим ақллари ишга солмаган кимсаларни мазаммат қилиб, уларни “туйғулари бўлмаганлар”, дея таърифлайди. Чунки, улар кўраётган ва эшитаётган нарсаларидан тўғри қарор ва танловни олиш учун фойдаланмайдилар. Аллоҳ таоло шундай дейди:

«**Ахир улар (яъни, Макка мушриклари) Ер юзида сайр қилиб-айланмайдиларми, (ана ўшанда) улар учун доно диллар, тинглайдиган қулоқлар бўлур эди. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкракларидagi кўнгиллар кўр бўлур**» (Ҳаж: 46).



4 Қуръони карим одамзот олдида тўсиқ бўладиган тафаккур ғовларидан огоҳлантирди. Қуръон ҳис этиш аъзоларимиз ва ақлимизни ишлатиш ва уларни ҳурматлашга тарғиб қилиш билан кифояланмади, балки, инсоний табиатни яхшилик ва ёмонлик туйғулари гоҳида рағбат, гоҳида кўрқитиш ва гоҳида эса алданиш билан жалб эта олиши, оқибатда, натижалар хато, ҳақиқатга етишса олмаслик бўлганидан, ақлнинг тойиладиган жойларидан огоҳлантирди.





“

Мусулмон Аллоҳнинг махлуқотлари Аллоҳнинг одамларга маршру қилган динига қарши чиқиши мумкин эмаслигини эътиқод қилади. Шундай экан, нега сўроқлаш ва ақлни ишлатишдан қўркиш керак?

Қуръони карим изоҳига кўра соғлом тафаккур қаршисидаги ғовлар

■ Таклид: сабаби, мерос қолган эътиқод, сулук ва салбий тафаккур одатлари гоҳида тафаккур ва ақлни ишлатишга катта таъсир кўрсатиб, ҳақиқатни қабул қилиш, ботилдан воз кечиш оғир бўлади. Ҳатто, “Мен бу узра етишганман ёки бу билан дунёга келганман” деган хужжат билан бутунлай тафаккур механизми тўхтаб қолади. Бинобарин, Қуръони карим бизга ҳақиқат кўринсада унга эргашишга таклид монеълик қилган кимсаларни қуйидагича ҳикоя қилади: Уларга Аллоҳ нозил қилган ҳақиқатга эргашингиз! — дейилса, Йўқ! Биз, аجدодларимиздан қолган ва ўзимиз одатланган нарсаларгагина эргашамиз, — дейдилар. Сўнгра эса: “Улар ақл, маърифат ва ҳидоятга асосланмаган бўлсаларда, фақатгина, аجدодлари бўлгани учун уларга эргашаяптиларми?! — дея қуръоний илова келади:

«Қачон (мушрикларга): «Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз, дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар, ҳам-а?» (Бақара: 170).

■ Ўжарлик ва манмансираш.

Гоҳида одамзотга ҳақиқат очик кўринсада, уни қабул қилиш, унга бўйинсунишдан бош тортиб, уни ўз манфаати ёки мансаби ёхуд қилган ҳасади ёда ҳақиқатни олиб келган кимсани камситиб рад этади. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

«Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, у (мўъжизаларни) инкор этдилар» (Намл: 14).

■ Лаззатларга ғарқ бўлиш.

Гоҳида ақл ҳақиқатни ажрата олсада, уни танлаш учун жасорат топа олмайди. Чунки, у лаззатларга шўнғиган бўлади. Қуръони карим бизга билим ва маърифат неъматини ато этилган ва унга амал қилиб, ҳаётига татбиқ қилиши керак бўлсада, бироқ билимларидан воз кечиб, нафс истаклари ва кўз олдидаги манфаатларини устун кўрган одамни ҳикоя қилиб берди. Чунки, у тўғри қарорларни олишга имконият бермайдиган даражада лаззатларга ғарқ бўлган эди (Аъроф: 175 – 176).

Қуръон доимо одамзотни ҳар бир майдонда бирон шарт ва муайян қаноатларсиз ақлини ишлатиш, ўзи, Коинот ва махлуқотлар ҳақида сўроқлаш, тафаккур қилиш ва ибрат олишга чақиради.

Ичларида ақл ва тафаккурга зид бўлган нарсаларни яширишга уринаётган кимсаларгина ақллари ишлатиш ва тафаккур қилишдан қўрқадилар. Ҳақиқий дин, одамзотни яратган ва унга ақлий малакани омонат қўйган Аллоҳ тарафидан бўлиши керак. Аллоҳнинг яратганлари эса, Аллоҳнинг одамлар учун маршру қилган динига қарши чиқиши мумкин эмас. Шундай экан, сўроқлаш ва ақлни ишлатишдан нега қўркиш керак?!

«Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир. Барча оламлар Парвардигори — Аллоҳ буюқдир» (Аъроф: 54).



Ислом — тинчлик динидир

Оммавий ахборот воситаларида кўплаб қайд этилгани боис, айрим одамлар, салом (тинчлик, осудалик)нинг Ислом динида мустасно ери борлигини ўрганиб, ҳайратга тушадилар. Муслмон одам кундалик ҳаётида “салом” сўзини бир неча марта такрорлар экан, унинг маъноларини ҳам юракдан ҳис қилади.

“Салом” — Аллоҳ таолонинг исмларидан бири бўлиб, охиратдаги жаннатининг исми ҳам “Дорус-салом; (Осуда диёр)дир. Мусулмонларнинг саломлари ҳам “салом” билан бошланса, намозлари икки марта салом бериш билан тугалланади. Буларни диннинг номини “Ислом” бўлишининг ўзи ва ундаги осудалик ва хотиржамлик маънолари бирлаштириб туради.



Ислом дини бизни осудаликка ва энг заиф ва имконсиз махлуқотларнинг ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилишга чақиради. Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Бир жувон мушук туфайли жаҳаннамга кирди. Чунки, у мушукни ўлгунича қамаб, на едирган, на сув берган ва на Ер юзиде керакли озукларини топиб ейиши учун қўйиб юбормагани» (Имом

Муслим, 2242) ва бир фоҳишанинг итни суғоргани боис жаннатга кирганининг (Имом Бухорий, 3280) ҳабарини бердилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар ҳуқуқига ҳурмат ва улар билан фарқли дин ва тасаввурда бўлсаларда бирга яшашнинг хайратомуз мисолларини келтирдилар ва ғайри муслимларга зулм қилган ёки уларнинг дилини оғритган ёхуд кучи етмайдиган нарсаларни қилишга мажбурлаган одамлар Қиёмат кунда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг душмани бўлажакларини таъкидладилар (Абу Довуд, 3052).


Ислом дини бошқалар билан осуда ҳаёт кечиришга чорлар экан, у осудалик барча ҳақдорга ҳуқуқини берадиган, золимнинг зулми, босқинчининг тажовузини қайтарадиган ҳақ ва одил тинчликни назарда тутди. У осудалик — ўғрига ўғирлаган ўғирлиги, хонадон эгасини эса пул ва матоҳлар билан рози қиладиган «алдов-сийлов тинчлиги» эмасдир!



Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ғайри муслимга зулм қилган ёки озор берган ёхуд тоқатидан ортиқ нарсаларга мажбурлаган одамни ўзига — ҳурматли пайғамбарга Қиёмат кунда душман бўлишидан огоҳлантирди

Саноксиз истилоҳ ва матбуот ҳужумлари, талайгина одамлар ўз “ривоятлари” ва нуқтаи назарларини бозорга солиш учун қўлланишадиган воситага айланди. Ҳар бир ҳодисанинг қўплаб жиҳатлари бўлганидек, ҳар ҳикоянинг ҳам талайгина ривоятлари бор. Оз сонли одамларгина ҳақиқатни ўз манбасидан олиш ва вазиятга маъно ва мутаносиблик билан ҳукм қилиш учун, оммавий ахборот воситаларига қарши курашиш ҳамда ҳақиқатни излаш масъулиятини ўз зиммаларига ола оладилар.

Ўйлаб кўришингиз учун баъзи ҳақиқатларни келтирамыз...



Ислом — бугунги кунда энг тез тарқалаётган диндир.

Бугунги кунда Ислом дини имкониятлар оз, мусулмонлар чорасиз, Исломга қарши ғаразли маълумотлар ва унга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ёмон ўрнаклар билан кураш олиб борилаётган бўлишига қарамай, Америкадан Европа, Африка ва Осиёгача катта суръатлар билан хайратомуз шаклда ёйилмоқда (PEW диний тадқиқотлар маркази, pewresearch.org). Хўш, у одамларни мажбурлаш усули билан тарқалмоқдами ёки одамларнинг ўз қаноатлари ва танловлари сабабли ёйилмоқдами?

Ҳодисани кузаётган кимсаларнинг чиқарган хулосалари шуки, мусулмонларнинг бошқалар ҳуқуқини риоя этишлари, уларнинг танлов ва маданиятларига ҳурмат билан қарашлари бошқалар кўнглига катта таъсир қилиб, бу динни қабул қилишларидаги асосий омил бўлмоқда. Мусулмонларнинг бундай қилишлари бошқаларга нисбатан тақаллуф эмас, аксинча, Аллоҳ таоло Қуръони каримда очик равшан таъкидлаган:

«Динга киришга мажбурлаш йўқ. Ҳолбуки, залолатдан ҳидоят айрилди» (Бақара: 256) қондасига бўйинсуниш ва уни ижро қилишдан бошқа нарса эмасдир.

Одамлар мусулмон бўлишлари учун мажбурланганми?

Одамзот баъзида фикри, нуфузи ва манфаатлари учун ўз кучини ишлатган. Тарихда турли дин ва мазҳабларга мансуб тоифалар тарафидан бундай ишлар қилинганига талайгина ҳужжатлар бор.

Масалан, Янги дунё (Америка)ни кашф этган ва унинг илк «муҳожир»лари ҳисобланган (испан)лар етиб келишгач, маҳаллий аҳолига нисбатан олиб борилган қирғин сиёсати. Испан роҳиб Бартоломеде де Лас Касас (Bartolome de las Casas) мазкур қирғинни ўз кўзлари билан кўргач: «У (испан)лар маҳаллий аҳолига инсондек эмас, аксинча, ҳайвонлардан ҳам пастрок махлуқлар дея қарадилар», деди

(A Brief Account of the Destruction of the Indies by Bartolome de las Casas (Jan 1st 2009).

Мусулмонлар янги давлатларга ҳукм қила бошлаганларида нималар қилдилар?

Мусулмонлар Андалусияга саккиз аср ҳукм қилдилар.

Мусулмонлар Испаниядаги Андалусияга 711 – 1492 йиллар орасида 781 йил ҳукм қилдилар. Ўша пайтларда Андалусия халқаро маданият марказига айланган, биронта насроний Ислом динини қабул қилишга мажбурланмаган, аксинча, ҳуқуқлари ҳимояланган, давлатдаги тижорати ва мавқеи юксалган эди. Ҳатто мусулмонлар исломий фатҳ келишидан илгари ўша минтакаларда яҳудийларга қарши олиб борилган зўравонлик сиёсатига ҳам барҳам берган эдилар. Бу ҳақиқатларни қувватлайдиган ҳужжатлар талайгина.

(Қиролича) Изабелла ва (қирол) Фернандес Испаниядаги мусулмонлар устидан ғалаба қозонгач, бутун исломий маданиятни яқсон қилдилар: мусулмонлар ўлдирилди, қувғин қилинди, хуфёна бўлсада Ислом динидан воз кечмаган мусулмонлар инквизиция маҳкамаларига тортилди!

Мусулмонлар ўз ўлкаларидан қувилдилар. Бу жараёнда эътиборни ўзига қаратган ҳодиса шуки, яҳудийлар ҳам мусулмонлар билан бирга Андалусияда қувғинга учраб, мусулмонлар билан бирга ислом оламига йўлга чикиб, ўша ерда осуда маскан ва одам фарзандига лойиқ бўлган ҳаётни яшадилар.



Маҳаллий аҳолисининг 80% и ғайри муслим, бўлган Ҳиндистон, қарийб минг йил давомида Ислом ҳукми остида яшади.



Мусулмонлар Ҳиндистон ярим оролига қарийб минг йил ҳукм қилишган бўлса, шу давр мобайнида маҳаллий аҳолининг диний ҳуқуқлари ва ибодатларини сақлаб қолди, қувғун қилинган динларни ҳимоя қилди. Муаррихларнинг барчаси Ислом динининг куч билан ёйилмагани ва бирон кишини Ислом динига киришга мажбурламаганини таъкидлайдилар.

Ғазот ва қўшинсиз мусулмон бўлган энг катта давлат.



Индонезия ўз чегаралари ичида энг кўп мусулмонни олган давлатдир. У ерда 250 миллион мусулмон яшаб, улар ялпи аҳолининг 87 фоизини ташкил қиладилар. Ислом Индонезия тупроқларига ҳижрий олтинчи асрда мусулмон савдогарлар воситасида кириб келди. У ўлка ўша пайтда ажнабий бирон қўшин ёки қонларнинг тўкилишига гувоҳ бўлмади. Қонлар португал, голланд ва инглиз мустамлакачилар Индонезия тупроқларини ишғол қилганидагина тўкилди!

Мусулмонлар Мисрга қарийб бир минг тўрт юз йил ҳукм қилган бўлсаларда, қибтликларнинг жамиятдаги ўз ўринларини сақлаб қолдилар.



Ислом даврининг илк замонларида Аллоҳ элчисининг йўлдошларидан Амр ибн Ос разияллоҳу анҳу фатҳ қилгач, мусулмонлар Мисрга ҳукм қила бошлашди. Ислом уларни нафакат дин ва муқаддас нарсаларини сақлаб қолди, балки уларни айни динга мансуб бўлишларига қарамай византияликлар уларга қарши қўллаётган қувғинлик, ишканжа ва маҳрумликдан ҳам қутқарди. Ўша замондан бошлаб қибтликларнинг дин ва ибодат ҳурриятлари мамлакатларига қайтди. Кунимизда эса Мисрда яшаётган қибтликларнинг сони беш миллиондан ортди.



Ислом ва мусулмонлар воқелиги

Нега

Нега Ислом ва мусулмонларнинг ҳозирги воқелиги орасида улкан зиддият жарлиги бор? Бу саволни Ислом шариати гўзал ахлоқ, Ер юзини ободонлаштириш, инсониятга манфаат келтириш, одамлар ўртасида осудаликни ёйишга чакириқ эканини ўрганган ва атрофларига боқиб, Исломдан йироқ манзара билан танишган одамлар беришлари мумкин. Наҳотки, ўша одамлар шундай муаззам динга эргашаётган одамлар бўлишса?!

Н

Нега Ислом ва мусулмонларнинг ҳозирги воқелиги орасида улкан зиддият жарлиги бор? Бу саволни Ислом шариати гўзал ахлоқ, Ер юзини ободонлаштириш, инсониятга манфаат келтириш, одамлар ўртасида осудаликни ёйишга чақириқ эканини ўрганган ва атрофларига боқиб, Исломдан йироқ манзара билан танишган одамлар беришлари мумкин. Наҳотки, ўша одамлар шундай муаззам динга эргашаётган одамлар бўлишса?!

Аслида, бу — ҳайратли ва бир неча жиҳатдан тафаккур қилишга ундаган ишдир:

- Исломга мансуб ёки мусулмон оилада дунёга келган ҳар бир одам ҳам, Ислом шариатида тўқис амал қилавермайди. Ҳамма жойда Ислом ҳақиқатини тўқис билмаслик ва ундан оғиш ҳоллари учраб туради. Чунки айрим мусулмонлар Исломнинг исмидан бошқа нарсани билишмайди.
- Одамларнинг хато ва камчиликларини дин ёки мазҳабларига тўнкаш, мантиқсизликдир. Масалан, “Адольф Гитлернинг туғени дини туфайли эди” ёки “Гитлер насроний бўлганига кўра насроний дини шиддатга ундовчи диндир” ёхуд “Атеизм — одамларни кириш, демасдир! Чунки Иосиф Сталин даҳрий бўлган ва ўн миллионлаб одамларни кириб ташлаган!” — дея иддаода бўлиш мантиқ ва тўғрилиқдан йироқдир.



Одамларнинг хато ва камчиликларини мансуб бўлишган дин ва мазҳабларига тиркаш ҳеч қачон мумкин эмас.

- Қўлимизда дунё тарихида шарқда Ҳиндистондан ғарбдаги Испаниягача мавжуд бўлган давлатлар тарихи тўлиб тошган Ислом тарихи ва руҳи, илм, фан ва тараққиёт татбиқи, азамати ва ҳайратомузлигига гувоҳ бўлган намуналар бор. Бу маданият осорлари ҳануз кўзларга чакнаб, кунимизда ҳамнафас яшаётганимиз маданият учун ҳам маёқ ва йўл бўлиб қолмоқда. Бинобарин, турли давлатларда бутун илму фан жаҳҳасида фаолият кўрсатаётган нодир шахсий ўрнаклардан ташқари, кунимиз тараққиёт қарвонига етиш учун ҳаракат қилаётган давлатлар намунаси ҳам мавжуд.
- Ҳеч ким ўз касбини суистеъмол қилган айрим докторларни кўриб, замонавий тиббиёт фанидаги ҳақиқатларни инкор қилмайди. Бирон киши ёмон ўрнак бўлаётган ўқитувчи ёхуд мактабларни кўрсатди, таълим-тарбияга қарши бўлиб, фарзандларининг мактабларда таълим олишларига ғов бўлмайди. Чунки ибрат ишнинг аслига боғлиқ бўлиб, унга нисбатланган нарсаларда эмасдир.

Ислом динига мансуб ёки Ислом динига душман бўлган кимсалар тарафидан қилинаётган шиддатли булғаш ҳужумларининг уюштирилишига қарамай, кўплаб одамлар Ислом динининг соғлом ва шаффоф кўринишини кўра олмоқдалар. Натижада, жаҳонда мавжуд бўлган бутун мамлакатларда яшаётган одамларнинг айримлари Ислом динини қабул қилмоқдалар.



Мактаб ва ҳурматга сазовор ўқитувчилик касбига хиёнат қилаётган одамларни кўриб, таълим-тарбияга қарши курашиши ва фарзандларига таълим олишларини таъқиқлаши ҳеч кимга мумкин эмас.

Янги дарича

Ўз манфаатингиз учун қарорлар олиш ва фурсатларни ғанимат билишда кўп марта иккиландингиз ва бугун ўша иккиланишлар учун ўзингизни айбламоқдасиз.

Инсоннинг энг буюк ҳурмати — бирон кўркув ёки иккиланишни ҳис этмай ўз манфаатига яроқли қарорларни олишга қудрати ва эркинлигидир.

Агар қарши курашда устивор, ғов ва тўсиқларга қарши курашган одамни мактаб тақдирланса, ҳақиқат намоён бўлганидан сўнг хатоси кўрингач, йўлидан қайтган одам ундан кўра кўпроқ тақдир ва мактовга лойиқдир. Чунки бу нафс олдидаги жасорат ҳамда ғурур ва худбинлик устидан ғалаба ҳисобланиб, одамзот бунинг ижобий таъсирларини ички дунёси ва шахсиятида ҳис этади.

Ўзингизга Ислом динини ўз манбаларидан ўрганиш имконини тақдим этганингиздек, ўқиганларингиз ҳақида тафаккур қилишга ҳам баҳиллик қилманг.

Агар сизга Ислом динининг равнақи ва гўзаллиги кўринган бўлиб, Ислом ҳақиқати ва хусусиятлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлмоқчи бўлсангиз, олдингизда ўқиш, ўрганиш, сўраш ва суҳбатлашиш имкони мавжуд. Бироқ, сиз энди Исломга бошқача кўз билан ва фарқли жиҳатдан боқинг.





Ушбу китобни ўқиб тугатишингиз биз учун шарафдир. У, умид қиламизки, сизда мувофиқ ёки муҳолиф бўлган баъзи фикрлар ёки жиддий саволларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлгандир. Шу боис, сизнинг фикру мулоҳазангиз ёки саволларингиз ёхуд эътирозларингизни эшитиш бизни бахтиёр қилади. Биз сизга уларни диққат ва аҳамият билан кутиб олишни ваъда қиламиз.

Ислом дини ҳақидаги бошқа маълумотларни ўрганиш учун:



THISISLAM.net



Биз билан
тажрибаларингизни
ўртоқлашинг

info@modern-guide.com



- Сиз атрофингиздаги оммавий ахборот воситаларида кўплаб бахсларга сабаб бўлган динлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишни хоҳлайсизми?...
- Дунёдаги ҳисоботларга қараганда, энг кўп тарқалган ва тарқалаётган ва эътиқод қилувчилари кўп бўлган дин ҳақида теран тушунчаларга эга бўлиш учун бир оз вақт айира оласизми?...
- Бошқаларнинг ҳаёт, дин ва атрофимиздаги коинот ҳақидаги билим ва фалсафаларини кашф этиш билан лаззат олишга ҳаракатингиз борми?...
- Сиз Ислоҳ дини ҳақида ўз манбаларидан ишончли маълумотларни ўрганиш, сўнгра у маълумотларни ақлингиз ва мантиқингиз билан ҳукм қилиш учун, фурсат топа оласизми?...

Агар бунини ёки булардан баъзиларини муҳим ёки шавқли ўлароқ кўрсангиз, мақсадингизга эришишингизда ушбу китоб сизга ёрдамчи бўлади...

